

ҚУДДУС МУҲАММАДИЙ

ОДАМ—ОЛАМ ҚЎШИҒИ

V- КИТОБ

- * Инсонга мадҳия**
- * Мен — бахтиёр пионер**
- * Эркинжоннинг ўйлари**
- * Феълимиз ўрганамиз**

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети

«ЕШ ГВАРДИЯ» нашриёти

Тошкент—1981

Қўлингиздаги китоб муҳтарам шоиримиз Қуддус Муҳаммадийнинг «Табиат алифбеси» деб номланган мажмуасининг сўнгги бешинчи жилдидир. Атоқли шоиримиз бу китобда инсоннинг оламда тутган ўрни, унинг ораулари ҳақида сиз, болаларга сўзлаб беришни ният этган.

Тақризчи
Миразиз Аъзам

М $\frac{70803-50}{356(04)-81}$ 125-81 4803000000

© «Еш гвардия» нашриёти, 1981 йил


*Яша, эй, совет элим,
Яша, эй, совет ерим,
Партиям-меҳрибоним,
Бахт-иқбол, меҳр коним.*



**ИНСОНГА
МАДҲИЯ**


ЯША, ЭЙ, СОВЕТ ЭЛИМ

Яша, эй, совет элим,
Яша, эй, совет ерим,
Жонажон она меҳрим,
Меҳрибон ота меҳрим,
Партиям-Ватан меҳрим,
Туғма жон танам меҳрим.
Устирдинг пок луқмадан,
Бостирдинг олға қадам,
Яйратдинг завқли дилим,
Яшнатдинг шавқли дилим.
Аълоликни ўргатдинг,
Доноликни ўргатдинг.
Чексиз олий ҳимматинг,
Чексиз олам хизматинг,
Бажо этай ҳурматинг.
Ургатдинг шавқ сафога,
Меҳнат меҳру вафога.
Меҳнаткаш инсон этдинг,
Элга меҳрибон этдинг.
Бахт-иқболим гуркирар,
Дехқон экканин ўрар.
Яша, эй, совет элим,
Яша, эй, совет ерим,
Партиям-меҳрибоним,
Бахт-иқбол, меҳр коним.



ҚУЕШ БОБОМ

Москвада, Кремлнинг манглайда
Офтобдай кулиб турар Ленин бобом.
Дўст, биродар миллион-миллион меҳнаткашни
Олам бўйлаб кўриб турар Ленин бобом.
Дил, ўйимиз, онгимизда Ленин бобом,
Ҳар бир отган тонгимизда Ленин бобом.
Ўқишимиз, ишимизда, ҳамма ерда
Ленин бобом бизга ғамхўр, бирга-бирга.
Йўл кўрсатиб келмоқдалар кеча-кундуз,
Кундуз қуёш, тунда эса ою юлдуз.
Ленин бобом — партиямиз, партиямиз — Ленин бобом,
Бизни олға бошлаб борар, ошиб давон.
Осмон, ойга қўлимиз ҳам етди бу кун,
Юрий акам кўк қопқасин ўтди бу кун.
Энди битта уруш деган фалокатни,
Энди мараз, қолдиқ, разил ҳалокатни,
Ер юзидан йўқотсак деб курашамиз,
Халқлар билан дўстлашамиз, бирлашамиз.
Дўстлик, тинчлик, порлоқ ҳаёт — Ленин бобом,
Коммунизм, обод дунё — Ленин бобом.



БОР БЎЛСИН УЛУҒ ДЎСТЛИК

Бор бўлсин дунёда дўстлик ва тинчлик, —
Халқларнинг бахти-чун очди катта йўл.
Шу сабаб миллатлар, халқлар бирлашиб,
Бир-бирин севишиб берди қўлга-қўл.
Бу дўстлик байроғи — Улуғ Октябрь
Дўстликнинг нурини жаҳонга сепди.
Асрлар зулматда инграган халқлар
Шу дўстлик туфайли муродга етди.
Бу дўстлик офтоби — улуғ Россия,
Бағри кенг, азамат улуғ Ватаним —
Халқларнинг дўстлиги, тинчлиги учун
Бағишлаб келмоқда бор жони-танин.
Дунёга Лениндек фарзандни берган,
Саховат қўйинини очган оламга —
Россия, Россия, ўн беш қардош жон,
Вафодор, меҳрибон барча одамга.
Бахтлиман шунинг-чун эй, содиқ дўстлик,
Шу ўн беш қардошнинг мен ҳам бириман.
Шу улуғ дўстликнинг байроғини баланд
Қўтармоқ ишқиди сен-ма биргаман.
Бу улуғ дўстликни кўролмас душман,
Бўридек қутуриб қайраркан тишин.
Бу дўстлик пўлатдай чиниқар, маҳкам
Ҳеч кучга бўй бермас улғайтар ишин.
Бор бўлсин дунёда дўстлик ва тинчлик!
Халқларнинг бахти-чун очди катта йўл.
Шу сабаб миллатлар, халқлар бирлашиб
Бир-бирин севишиб берди қўлга-қўл.

1976

САЙЛАЙМИЗ

Сайлаймиз халқ отасин,
Сайлаймиз халқ онасин,
Сайлаймиз халқ доносин,
Халқнинг рўзгор, оғасин!
Сайлаймиз заводларда,
Ҷаҳрамон зарбдор кучни.
Коммунизм биносин
Қураш шоввоз ишчини.
Сайлаймиз колхозларда
Соҳибкор пахтакорни.
Тупроқни олтин этган
Қўли гул миришкорни.
Сайлаймиз олимларни —
Бизни кўнка учирган.
Сайлаймиз посбонларни —
Ев қорасин ўчирган.
Сайлаймиз саҳналарда
Санъаткор, бастакорни.
Юрак завқин халқига
Бағишлар фидокорни.
Сайлаймиз партиямиз
Меҳрибон, раҳбар бошни.
Бизни бахтга етказган
Одамзод қуёшини
Сайлаймиз, ватанимиз —
Яна яшнаб гулласин.
Турмушимиз фаровон,
Ободон гурулласин!
Сайлаймиз халқ отасин,
Сайлаймиз халқ онасин,
Сайлаймиз халқ доносин,
Сайлаймиз халқ оғасин,
Рўзгор боши аъдосин!

1979

БИР КИТОБЧА ОЛИБ КЕЛДИМ

Москвадан мен қизимга
Бир китобча олиб келдим.
Шу китобнинг варағига
Пойтахт расмин солиб келдим.
Чамадондан олиб бердим,
Китобчага кўзи тушди.
Шу пайт қизчам хаёлимда
Москвага қушдек учди.
Китобчадан кўзин узмас,
Ҳар варағи унга қанот.
Суратларин кўрар экан,
Қизалогим деди шод:
— Дадажон, бу Кремлни,
Бораман-а мен ҳам унга?
Бир кун сиздек кўраман-а,
Ўқийверсам тинмай кунда?
Топдинг, қизим, топдинг, ўқи,
Китобчангнинг чақ мағзини.
Шу китоблар олиб борар
Москвага тезда сени.

1978

ВАТАН ҲАҚИДА ҚЎШИҚ (Лебедев-Кумачнинг қўшиғига ўхшатма)

Бизнинг Ватан — буюк Ватан, жонажон,
Дала, дарё, ўрмонлари бепоён.
Ер юзида гўзалликка тенги йўқ,
Эркин нафас олар бунда ҳур инсон
Москвадан чекка ўлкаларгача,
Жануб тоғи шимолий денгизгача.

Қайда юрсанг ўз уйингдек сезасан,
Ўз Ватанинг яйраб яшнаб кезасан.
Бу Ватанда ҳаёт тошқин, ажойиб,
Худди Волга оқар кенг қулоч ёйиб.
Ешлар қувноқ ўқиб, ишлаб хизматда,
Кексалар ҳам ҳурмат, роҳат, иззатда.
Кўз илғамас экинзорлар бизники,
Минглаб шаҳар гул, гулзорлар бизники.
«Ўртоқ» сўзи бизда янграйди гўзал,
Ҳар қандай чиройли сўзлардан афзал.
Бу сўз билан ҳамма жой ўз уйимиз,
Биз инсонни оқу қора демаймиз.

«Ўртоқ» сўзи ҳамма учун баробар,
Бу сўз билан халқлар дўсту биродар.
Бизнинг катта оиланинг бағри кенг,
Бунда ҳеч ким бегонамас, бари тенг.
Меҳнат қилсанг тақдирланар ҳаммавақт,
Доҳий Ленин берган қонун — улуг бахт.

Бу қонун-ла бутун инсон озод, ҳур,
Бу қонун-ла Ватанимиз ободдур.
Бу қонун-ла ўқиймиз, дам оламиз,
Бу қонун-ла еру осмон-хонамиз,
Ватан бўйлаб баҳор шамоли эсар,
Қундан кунга турмушимиз шод гўзал.

Бизнинг меҳру шавқатимиз зиёда,
Ҳеч бир юрт йўқ биздек эркин дунёда.
Агар душман чанг солмоқ бўлса бизга,
Ишонамиз дўстликка — кучимизга,
Ватанни биз жондек аъло сақлаймиз,
Онамизнинг сутини пок сақлаймиз,
Ота берган пок тузини оқлаймиз.

1973

ТИНЧЛИК СОЛДАТИ БЎЛАМАН

Бизнинг ака — офицер,
Армияда хизматда.
Душман кўз олайтирса,
Мажақлаймиз албатта.

Ватанимиз тинчлигин
Акамлар сақлашади.
Хатто дунё тинчлигин
Бел боғлаб ёқлашади.

Чунки бизнинг армия
Эзгу ҳаёт посбони.
Шунинг учун кучи кўп,
Армия — кучнинг кони.

Дунёда тинчликсевар,
Меҳнаткаш халқ биз билан.
Армиямиз енгилмас
Шу буюк илдиз билан.

Армиямиз — қаҳрамон,
Душманни ҳеч йўлатмас.
Гар улар қилса ҳужум,
Мажақлаймиз забардаст.

Мен ҳам тез катта бўлсам,
Сафларин тўлдираман.
Тинчлик солдати бўлиб,
Постда ҳушёр тураман.

1955

ҶОРА БУЛУТ ҒАРҶ ЭТОЛМАС ЭЛЛАРНИ

(Нозим Ҳикмат шеърига ўзгаштама)

Бизни инсон этган қуёш — онадир,
Қуёш — она эса доимо норлар.
Онамасми сизни ер юзига келтирган?
Оналар ҳаётин сақланг, жаноблар!

Ҷора булут ғарқ этолмас элларни,
Олти ёшлик гўдак боғда гул терар,
Гул қушин учирар, кўкка интилар.
Сиз ҳам ёшлиқда шундай бўлгансиз,
Болаларни ўлдирманг, эй, жаноблар!

Ҷора булут ғарқ этмасин элларни,
Ойнадан қидирар кимни келинлар?
Ҷора сочлар ичра талоқ чўмилар.
Сизни ҳам бир вақтлар ёр кутган шундай,
Келинларни ўлдирманг, эй, жаноблар!

Ҷора булут ғарқ этмасин элларни,
Узоқ яшаб қанча қариса одам
Турмуш ширинлигин унутмас ҳеч ҳам.
Раҳм этинг, кексалар яшасин бардам,
Сиз ҳам кексасиз-ку ахир, жаноблар?!
Ҷора булут ғарқ этмасин элларни.

ЎЛГАН ҚИЗЧАНИНГ СЎЗИ

(Новим Ҳикмат шеърига ўзгашма)

Очинлар, мен бу эшикни қоққан,
Қоқаётирман ҳамма хонани.
Сизнинг кўзингизга кўринмас ўзим,
Кўриб бўларми ўлиб кетган болани.

Мен Хиросима шаҳрида ўлдим,
Йиллар ўтди, ўтмоқда йиллар.
Ешим етти эди, ҳануз ҳам етти,
Ўлик қиз мумкинми қайта тирилар?!

Менинг сочларимда олов туташиди,
Кўзларимдан портлади чўғлар.
Бир ҳовуч кулга айланиб қолдим,
Кулимни совурди шамол, қуюнлар.

Сўрайман сизлардан ўзим учунмас,
Менга на овқату кийим керакмас!
Керакмас ҳаттоки қанду асал ҳам!
Мен ёниб ўлганман мисли баргу хас!

Сўрайман мен фақат имзо қўйинглар,
Ер юзида яшовчи ҳамма бор одам,
Энди ҳеч оловда бола ёнмасин,
Ҳаёт лаззатини сурсин оламда!

САЛОМ СЕНГА, ҚОЗОҚ ЭЛИМ

Салом сенга, қозоқ элим,
Севган оғам, жони-дилим.
Сенга ўткир шеър ёзайин,
Юрак бағрим кенг ёзайин.
Қалбда меҳрим чаман-чамаң,
Шеър чаманим кенг очаман.
Бағрим очиб қир, далангдай,
Достон ёзсам қир лолангдай.
Қозоқ сўзи қазмоқ бўлур,
Қазмоқ кўнғил ёзмоқ бўлур,
Баҳра бермак кенг оламга,
Хизмат қилмак тенг оламга.
Қозоқ демак қозик-посбон,
Олатоғдай содиқ дўстон,
Меҳри-вафо, борлиқ демак,
Эл, оламга ёрлиқ демак.
Олатоғинг осмонга тенг,
Ерларинг мўл, дунёдай кенг.
Чорва элим, азаматим,
Шахтёр қончим, полвон мардим,
Қарағандам, Жезқазғаним,
Олатоғим — кўк ўзганим.
Иқбол, бахт қозғон элим,
Хуш келибсиз оға-иним,
Бош устига жони-дилим.
Шеърим этдим поёндоз,
Ардоқ дўстлик, ҳай-ҳай, соз.
Салом сенга, қозоқ элим,
Севган оғам, жони-дилим.

1980

ЭЙ, ШОИР

Шеър меҳри-ла эй, шоир, тошавер тошганингча,
Шеъринг парвоз айласин кенг олам қучгунича,
тенг олам қучгунича.

Баҳор бўлмай яшнамас майса гуллар барқ уриб,
Бўларми шеър дилрабо сўзинг гул очмагунча,
меҳр нур сочмагунча.

Айтинг, дўстлар, офтобсиз меҳри гиё унарми?
Шеър ғунчаси очилмас қалбдан нур олмагунча,
қалбдан дур олмагунча.

Ҳолва, шарбат демак-ла оғиз лаззатларми?
Севмас шеърни ўқувчи завқ баҳра олмагунча,
шавқ баҳра олмагунча.

Агар тоққа чиқмасанг қайда сенга дўлана,
Шоир мавзу тополмас халқ ичра кирмагунча,
ҳаётни кўрмагунча.

Ғўза олтин бўларми парварин тошмагунча?
Шоир шоир бўларми то дониш бўлмагунча,
эл ичра кирмагунча?

Шеър ишқида эй, шоир, тошавер тошганингча,
Назминг парвоз айласин кенг олам қучгунича,
тенг олам қучгунича.

1978

САЛОМ, ҲАМЗА

Салом, Ҳамза, устоз шоирим,
Умри баҳор, юраги ёз шоирим.
Сўзи қўшиқ, олам, парвоз шоирим,
Сизга минг-минг шеър ёзсак оз, шоирим!

Жон сўзингиз дил, жонимиз қўрида,
Китоб-офтоб, онгимиз шуурида,
Ўзингизсиз уйимизнинг тўрида,
Жўрабонсиз доим ҳаёт тўйида,
Меҳрибонлик, меҳрижонлик кўйида,
Меҳр сочиб олам жаҳон қўйида.

Мангу яшар Ҳамза — устоз шоирим,
Ватанпарвар, одам шоввоз шоирим,
Қалби башар, олам парвоз шоирим,
Коммунизм куйчиси, жаҳон овоз шоирим.

Муборақбод этамиз тўқсон ёшингиз,
Меҳр, нур сочаверсин сўз-қуёшингиз.
Салом, Ҳамза, устоз шоирим,
Умри баҳор, юраги соз шоирим,
Сўзи қўшиқ, олампарвоз шоирим,
Сизга минг-минг шеър ёзсак оз, шоирим!

1979

ҲАМИД ОЛИМЖОНГА

Илк устозим, етмиш ёш
Одам, оламга кўз-қош.
Мангу ҳаёт — олтин бош,
Яшар, яшнар ой, қуёш.
Устоз Ҳамид Олимжон,
Шоир жаҳон-оламжон.
Исмингизга яраша,
Ҳуснингиз оша-тоша,
Жамолингиз яшнайти,
Қамолингиз яшнайти.
Етмиш ёш тўй муборак,
Етук бош куй муборак!
Устоз Ҳамид Олимжон,
Шоир жаҳон-оламжон.
Одамгарлик ўйингиз,
Оламгирлик ўйингиз,
Асарингиз ўзингиз,
Ою, қуёш юзингиз,
Устоз Ҳамид Олимжон,
Шоир жаҳон-оламжон.
Одамни куйладингиз,
Оламни ўйладингиз.
Нур сочар дур сўзингиз,
Сўзингизда ўзингиз,
Устоз Ҳамид Олимжон,
Шоир жаҳон-оламжон.
Етмиш ёш тўй муборак,
Етук бош куй муборак.

1980

САЛОМ УСТОЗ, ФОЗИЛ БОБО!

Салом устоз, Фозил бобо,
Достонларда ҳозир бобо.
Фозил бобом тўйлари,
Меҳмон тўла уйлари,
Зарафшоннинг бўйлари,
Салом, устоз Фозил бобом
Достонлари манзур бобом.
Бобом кирди юз ёшга,
Ўхшаб худди қуёшга,
Бош бўлиб минг-минг ёшга,
Манзур бўлиб қардошга,
Салом, устоз Фозил бобом,
Достонларда ҳозир бобом.
Дўмбира қўлларида,
Достонбоғ йўлларида,
Самарқанд элларида,
Она-Ватан дилларида,
Салом, устоз, Фозил бобом
Достонлари манзур бобом.
Бола-чақа, увай-чувай,
Бахти кулган авлодга бой,
Сўзи достон, асал, мой,
Чексиз олам бобомга жой,
Салом, устоз Фозил бобом,
Достонлари ҳузур бобом.
Эл бахтини куйлар мудом,
Ботирлардан сўзлар мудом,
Шоввозликни кўзлар бобом,
Салом, устоз Фозил бобом,
Достонлари манзур бобом.
Ўзбек элин оқин ўғли,
Улкан давра, суҳбат гули,
Янгратар саз, ўйнар қўли,
Оқин шоирлар булбули,
Салом, устоз Фозил бобом,
Бахти яшнар ҳозир бобом.
Алпомишдай бобом ўзи,
Кунтуғмушдай офтоб юзи,
Балогардон ой, юлдузи,
Қундуз пари, Равшан кўзи,
Салом, устоз Фозил бобом,
Достонлари манзур бобом.

Фозил бобом тўйларида,
Меҳмондамиз уйларида,
Жўр бўлишиб куйларига,
Зарафшоннинг бўйларида
Ушбу шеърни ёзди Қуддус,
Муборакбод ёшингиз юз.
Салом, азиз Фозил бобом.
Достонлари ҳузур бобом,
Сўзи олам манзур бобом.

1975

ЧАРХИЙ УСТОЗГА

Навойнинг боласи,
Элнинг кўзи қораси,
Қўшиқ, наво фидоси,
Сўзлари жон ҳавоси
Чархий устозга салом,
Чархи парвозга салом!
Дурбин кўнгил ўзлари,
Ойна — жаҳон кўзлари,
Нақш олмадай юзлари,
Қишмиш каби сўзлари
Чархий устозга салом,
Чархи парвозга салом!
Чархдек доим айланган!
Яхшиликка шайланган,
Бахшиликка боғланган,
Улуғ ишга чоғланган
Чархий устозга салом,
Чархи парвозга салом!
Чархпалакдек чарх урган,
Кун нуридай барқ урган,
Бахтли кун завқин сурган,
Илҳом тулпорин сурган
Чархий устозга салом,
Чархи парвозга салом!
Шеърдан тўқиган атлас,
Ҳунарванд, моҳир, чапдаст,
Меҳнаткаш дили пайваст,
Ишчи-шоир, забардаст
Чархий устозга салом,
Чархи парвозга салом!
Кўнглингиз кенг дунёдай,
Илҳомингиз дарёдай,
Дур сўзингиз кимёдай,
Номингиз Асқар тоғдай,
Чархий устозга салом,
Чархи парвозга салом!
Муқимий чароғбони,
Шеър боғининг боғбони,
Жўралар меҳрибони,
Қамтарин жонажони
Чархий устозга салом,
Чархи парвозга салом!
Фарғона — олий макон,

Олиму шоирга кон,
Устозимиз Ҳамзаҳон,
Пўлат ота — жонажон,
Чархий устозга салом,
Чархи парвозга салом!
Чархи парвозга салом!
Мавлоно Ҳабиб Зокир,
Мавлоно адиб Собир,
Ҳамнафас уста Қодир,
Талай дўст ҳозир, нозир,
Чархий устозга салом,
Чархи парвозга салом!
Чархи парвозга салом!
Бобо, қутлуғ тўйингиз,
Қўкка етсин бўйингиз,
Уфқ қучсин ўйингиз,
Олам қучсин куйингиз,
Чархий устозга салом,
Чархи парвозга салом!
Бобо дея янглишдек,
Сиясиз шахдам йигитдек,
Қаддингиз арчадек тик,
Зуволангиздир етук,
Чархий устозга салом,
Чархи парвозга салом!
Ҳамма бола тилидан,
Жони-қалби дилидан,
Салом ёзган дўстингиз,
Меҳрибон Қуддусингиз,
Чархий устозга салом,
Чархи парвозга салом!

1978

ОТА СУЗИ

Салом, солдат ўғлим, Қўчқор,
Саодатли ўғлим, шунқор,
Қутлуғ бўлсин байраминг,
Қизил қўшин айёминг.
Ечиб тўн-кийиб шинель
Қайиш билан боғлаб бел,
Оёгингда кирза этик,
Гурс-гурс қадам босдинг тетик.
Элу юртим тинч сақлай деб,
Она сутин пок оқлай деб,
Қуритай деб уруш-ёвни,
Қуритай деб кулфат-ғовни
Бўлдинг элга сен посбон,
Тинч бўлсин деб ер, осмон.
Ленинчи солдат-ўғлим,
Жон юлдузим, ёруғлигим,
Табриклайди шоир отанг,
Табриклайди жонинг онанг,
Элу юртинг табриклайди,
Сенга иқбол-бахт тилайди.
Ҳамиша бахтиёр бўл,
Постингда барқарор бўл.
Ер юзи доғ кўрмасин,
Осмоним зоғ кўрмасин,
Дунё бўлсин ободлик,
Доимо тинчлик, шодлик!

1978



Ќуддус Мухаммадий қаламқаш дўсти Сергей Михалков билан
Тошкент телестудиясининг меҳмони.

АССАЛОМ, СЕРГЕЙ БОБО!

Ассалом, Сергей бобо,
Сўзлари чаман, доно,
Ташрифингиз эшитдик,
Кўришгандек яйрашдик.
Дил меҳрингиз қуёшдек
Шеър сўзингиз йўлдошдек
Ер юзи боласига
Ҳаммасин хонасига
Етиб борган отажон,
Меҳрингиз жону-жаҳон,
Келишингиз чиройли,
Кўришимиз чиройли.
Нур чеҳрангиз офтоб-ой,
Шер сўзингиз, қаймоқ, мой,
Қўлингиз ойга етган,
Оёғингиз ёйдек улкан.
Стёпа — қоматингиз,
Космонавт қанотингиз,
Эл боласин ардоқлайсиз,
Чор уфқни қучоқлайсиз.
Сиз битган гимн тонгда
Жаранглайди ҳар онгда.
Кўнглимиз қайнар, тошар,
Меҳримиз қалбдан ошар.
Кўрсак дердик ўзингиз,
Ўзингиз нақ сўзингиз,
Дил орзумизга етдик,
Азиз қўлингиз тутдик.
Хуш келибсиз отажон,
Меҳрингиз жону-жаҳон,
«Табиатчи ёш ўғлон»
«Тарбиятчи бош ўғлон»
Ёш ўғлон, қуёш ўғлон,
Оламга кўз-қош ўғлон.
Ўша ўғлон болангиз,
Меҳри аъло донангиз,
Отажон биз бўламиз,
Табиатдек тўламиз.
Қоинотдек бўламиз,
Хуш келдингиз, отажон,
Меҳрингиз олам жаҳон.
Ассалом, Сергей бобо,
Сўзлари чаман, доно.

1979

СОЛДАТ УҒЛИМ ЖАВОБИ

Эй, ҳурматли дадажон, миннатдорман,
Совет элим солдатиман, бахтиёрман.
Уруш, ёвни йўқотай деб солдат бўлдим,
Эл-юртимни қувнатай деб салют бердим!

Солдат бўлмоқ шарафли бахтдир менга,
Хизмат қилмоқ элимга — аҳддир менга.
Мен ёвлардан Ватаним қўриқлайман,
Солдатман, халқ биносин қурувчиман.

Уқиганман тарихларда жаҳон жангин,
Босқинчи ёв босганида, унинг чангин
Чиқаришиб Берлингача қувган бизлар,
Антантасин тумтарақай қилган бизлар!

Уша уруш жангларда қурбон тоғам,
Жондан ширин Собиржон — ботир оғам,
Тўлқинжон дўстимнинг дадаси ҳам,
Қўшнимизнинг Деҳқонбой акаси ҳам —
Ҳаётимиз сақлаб қолган азаматлар,
Совет элин жонбозлари, ўлмас мардлар!

Ўринбосар укасиман билинг, дада,
Эл тинчлигин посбониман билинг, дада.
Кўз қорамдек Совет элим сақлайман,
Она сутин, Ватан меҳрин оқлайман.

1978

БАТАН УЧУН ЖАНГ ҚИЛАМАН

Қизил аскар сафидаман,
Эл-ватаним нафидаман,
Золим фашист қасдидаман,
Эрк йўлида жанг қиламан.
Қизил аскар онтин ичиб,
Ватан учун жондан кечиб,
Илон, чаён бошин янчиб
Хурлик учун жанг қиламан.
Қаламимдир ёвга ханжар,
Фашист ёвлар қотил, ўжар,
Йўллар оғир — ўрмон ва жар,
Мардонавор жанг қиламан.
Ёв ҳийлагар шум доғули,
Жаллод, ёзув ва яроғли.
Хушёр туриб эй, не чоғли
Чапаевдек жанг қиламан.
Яхши ният билан туққан,
Қанд деганда асап тутган,
Пешонамиз силаб боққан
Она юрт деб жанг қиламан.
Ер юзини ҳусни, кўрки,
Туганмас қон — совет мулки.
Қасдимизда фашист-тулки,
Шайтон билан жанг қиламан.
Инсон номин ерга урган,
Европада қон қуйдирган,
Боғу бўстонни куйдирган
Фашист билан жанг қиламан.
Бу курашдир сўнгги кураш,
Бу жанг қатъий, йўқдир яраш,
Хурлик десаиғ, дўстим саваш,
Эрк ёви-ла жанг қиламан.
Хурлик деган шиорим бор,
Бутун халқлар менгадур ёр,
Партиям бор, раҳбарим бор,
Зафар учун жанг қиламан.

1941

АСКАР ҚИЗ

Хур қиз аскар сафиди,
Ул ҳам ёвнинг қастиди,
Жангга борар йигитдай,
От ўйнатиб аскар қиз.

Ой юзидан нур томар,
Ёвларга сочар заҳар.
Озодликнинг йўлида
Кўкрак керган аскар қиз.

Йигит каби безанган,
Ватанини у севган,
Ерига кўмак берган,
Ёвдан қўрқмас ботир қиз.

Жангга кирса аскар қиз,
Зарбидан ёв букар тиз,
Олмосдай кескир дамли,
Лочиндай қаҳрамон қиз.

Қизил аскар жанг қилса,
Жангда ярадор бўлса,
Дардига дармон бўлган
Меҳри улуғ доктор қиз.

Эй, аскар қиз, омон бўл!
Зафар ол, қаҳрамон бўл!
Озодликнинг юлдузи,
Порла жангда дилбар қиз.

1942

ЯША, ҚИЗИЛ АСКАРИМ

Партиям — бош қўмондон,
Қизил аскар-қахрамон.
Фашист ёвни енгдик биз,
Тухумин қўймай омон.
Яша, қизил аскарим,
Ёвни енгган мардларим!

Қора булут чайқалди,
Гитлерчилар қамалди,
Ваъдасиз, хиёнаткор
Ўз қонига бўялди.
Яша, қизил аскарим,
Ёвни енгган мардларим!

Қизил аскар шайланди,
Ёвлар йўли бойланди.
Шум фашистлар гавдаси
Қора ерга жойланди.
Яша, қизил аскарим,
Ёвни енгган мардларим!

Туман босса ер юзин,
Тўса олмас кун кўзин.
Тумандек ёв тўзиди,
Қуёшнинг умри узун.
Яша, қизил аскарим,
Ёвни енгган мардларим!

Фашист ёвуз-босмачи,
Аскарлари таланчи,
Эл қўргонин ололмас,
Халқ душмани — қароқчи.
Яша, қизил аскарим,
Ёвни енгган мардларим!

Бизлар Ленин ўғлимиз,
Уфқдай кенг йўлимиз
Йўлимизни ким тўсар,
Зафар қучди элимиз.
Яша, қизил аскарим,
Ёвни енгган мардларим!

БИЗНИНГ ОНАЛАР ШУНДАЙ МАРД

*Самарқанд область Норпой райони Оқтош қишлоқ
Советидаги Дзержинский номи колхоз аъзоси, уч
ўғли Қизил Армия сафида хизмат қилаётган Қимнат
хोलанинг сўзи*

Хола дейди: — Фахрланиб бахтлиман,
Чунки мен ҳам қизил аскар онаси.
Гитлерни янчаркан азамат ўғлим,
Бу менга халқ аро обрў эмасми?
Ватанимиз ишониб жангга чақирса,
Ватани сақла деб меҳрибон турса,
Партия — доҳиймиз соябон бўлса,
Курандан бош бурсак ўлим эмасми?
Менинг болам эмас, халқнинг боласи,
Халқ учун бош берган йигит сараси,
Шундай ўғилларга қурбон онаси,
Мард она орзуси шундай бўлмасми?
Бир парча гўштидан эр йигит қилдим,
Човут қилса, олгудай эр лочин қилдим,
Оқ сутим оқлар деб мен умид қилдим,
Фарзандим юзимни ёруғ қилмасми?
Бир ўғлим Аваздай Ғирот устида,
Бир ўғлим лейтенант — само устида.
Кенжаси пиёда ёвнинг кўксида,
Ўжағон ўйнашса бахтим эмасми?
Асл фарзанд ота-она чироғи,
Даштларни гул қилган тоғлар булоғи,
Дарёни тўлдирган тоғлар ирмоғи,
Ватанинг посбони она бўлмасми?

1943

ВАТАН УЧУН, ОЗОДЛИК УЧУН

(Ҳасос марши)

Ватан қалқди оёққа,
Тўлқин уриб ҳар ёққа
Фашистни қақшатамиз,
Ватанни яшнатамиз.
Хурлик десаиғ, бос олға,
Денгиздек уриб долға.
Хужум қил фашист ёвга,
Ботирлар олға, олға!
Қонга-қон олурмиз,
Жонга-жон олурмиз,
Фашистни қақшатамиз
Ватанни яшнатамиз.

Фашист юҳо, мешқорин,
Ўғри, газзоб, боши пуч.
Халқларнинг ичар қонин,
Қирмоқ уни қонун, бурч.
Қонга-қон олурмиз,
Жонга-жон олурмиз,
Фашистни қақшатамиз,
Ватанни яшнатамиз,
Қизил аскар қаҳрамон,
Ёвга бермаймиз омон.
Қонга-қон олурмиз,
Жонга-жон олурмиз.

Гитлерни қақшатамиз,
Ватанни яшнатамиз.
Қурашамиз ҳақ учун,
Жумла жаҳон, халқ учун,
Меҳнаткаш ҳақи учун,
Хурлик равнақи учун
Қонга-қон олурмиз,
Жонга-жон олурмиз.
Фашистни қақшатамиз,
Ватанни яшнатамиз.
Ё ўлиму ё хурлик,
Ўлимдан ёмон қуллик.

Қул бўлма жонинг тирик,

Фашистлар қонхўр зулик.
Қонга-қон олурмиз,
Жонга-жон олурмиз,
Фашистни қақшатамиз,
Жаҳонни яшнатамиз.
Эркак, аёл, ёш, қари
Хурмати, номус, ори,
Хужум қилар ёв сари
Тўфондек тошиб бари.
Қонга-қон олурмиз,
Жонга-жон олурмиз.

Фашистни қақшатамиз
Ватанни яшнатамиз.
Ленинизм — адолат,
Адолатда камолат.
Фашизм — кир разолат,
Фисқу фужур, адоват.
Қонга-қон олурмиз,
Жонга-жон олурмиз.
Фашистни қақшатамиз,
Ватанни яшнатамиз.
Ўзбек, қозоқ, ҳамда рус,
Бари миллат бизга дўст.

Ёвни қиламиз тўс-тўс,
Кишанни уз, Белорус.
Қонга-қон олурмиз,
Жонга-жон олурмиз.
Фашистни қақшатамиз,
Жаҳонни яшнатамиз.
Москва, Ленинград —
Ёвни қирган ботир мард.
Фашистга минг-минг лаънат,
Партияга минг раҳмат.
Қонга-қон олурмиз,
Жонга-жон олурмиз.

Фашистни қақшатамиз,
Жаҳонни яшнатамиз.
Украина — партизан,
Шорс авлоди, паҳлавон,
Ғайрат қил, бўлгин омон.
Қонга-қон олурмиз,
Жонга-жон олурмиз.
Фашистни қақшатамиз,

Ватанни яшнатамиз.
Англади бутун жаҳон
Қизил аскар қаҳрамон.
Биз тамон тарих, замон,
Қирилгай фашист ёмон.
Қонга-қон олурмиз,
Жонга-жон олурмиз.
Фашистни қақшатамиз,
Жаҳонни яшнатамиз.

1942

ЯХШИВОЙНИНГ ШЕЪРИ

Менинг номим — Яхшивой,
Укам номи — Нақшивой.
Сўрарсиз нега бундай?
Жавоби қизиқ, шундай:
Яхши, ёмон сўз фарқин
Дадамлар билиб ёрқин,
Деганлар мана бундай,
Сўзни яшнатиб кундай:
«Ёмон сўзи доим совуқ,
Ёмондан ҳуркар товуқ.
Хатто ёмон деганни,
Ёмон бола бўлганни
Ҳамма ёмон кўради.
Ёмон-ёмон бўлади,
Ёмондан дод қолади,
Яхшидан от қолади».
Яхши деган сўз яхши,
Сўзларнинг гули, нақши.
Яхши сўз ичи кондай,
Ёқимли худди жондай.
Шунинг учун энг бошдан,
Жажжи чақалоқ ёшдан
Бизни севиб атайлаб .
Номни ҳам танлаб, пайлаб,
Яхши ном қўйган дадам,
Нақши ном қўйган дадам.
Менинг номим — Яхшивой
Укам номи — Нақшивой.

1973

УКТАМОЙНИНГ ПИАНИНОСИ

Уктамой ялла қилиб
Пианино чалганда,
Бармоқлари ўйноқлаб,
Парда бўйлаб чошганда,
Эшитганлар ел бўлиб
Олдида кетолмайди.
Чолғу, қўшиқда унга
Ҳеч бола етолмайди.
Бир йилдан ошиб қолди
Қатнайди тўғаракка,
Талай машқни билади,
Оркестрда ё якка.
Чалиб авжга чиққанда
Пардалар тилга кирар.
Уктамойнинг йўлидан
Чиқмайди, бирга юрар.
Қўл вужуди бетиним
Чолғу билан ўйнаса,
Булбулни қочиради
У астойдил куйласа.

1970

БУ БИНОНИ КИМ ҚУРГАН?


Бу бинони ким қурган
Қўк билан улаштириб?
Қоматин заб ўхшатган
Устаси келиштириб.
Кўриниши кўзингга
Ташланар қорли тоғдек.
Ойналари ялтирар
Худди тиниқ булоқдек.
«Навой» театри —
Бу бино билиб қўйинг!
Бунда яйраб кўрамиз
Қунда томоша, ўйин.
Бу бинонинг плани
Москвадан олинган.
Хур Ватан фарзандлари
Учун атаб солинган.
Кўзим жимирлаб кетди
Нақшларига қарасам.
Дейдилар — Уста Ширин,
Наққошини сўрасам.

1956

МЕҲРИОЙ

Танимас эдим уни,
Менга танитди иши.
Кўз ўнгимдан кетмайди.
Унинг шаҳдам юриши.
Маҳалла халқи севар,
Тикар, бичар, санъаткор.
Номи ҳам Меҳри чевар,
«Она қиз» деганча бор.
Маҳалла аёллари
У билан опа-сингил.
У кирган уй баҳордек
Яшнаб кетади гул-гул.
Газета-китобхонлик
Гоҳ чолғу, қўшиқ, ўйин.
«Гиргиттон бўлсин холанг,
Чалиб бер баҳор куйинг
Ҳалимаой сингари
Бўлгин сен ҳам депутат.
Бахтли бўлгин, опаси,
Кўргин иззату ҳурмат».

1953



МЕН САМОЛЁТДА УЧДИМ

Акам билан самолётда
Маза қилиб учдим, ўртоқ.
Ернинг юзи харитадек,
Товлар — туя, қир — бўталоқ,
Ариқчадек живир-живир
Кўринаркан дарё, сойлар.
Гулдор гилам ёзилгандек:
Дала-дашту, чўл сахролар.
Колхоз боғи, қишлоқлари
Товланади ранго-ранг.
Одамлар-чи, чумолидек
Иливаркан кўзга аранг.
Қушдек кўкка қия боқсам,
Ўшар улуғ денгизга.
Ҳавасингиз келгандир-а
Ўша кун қараб бизга?
Тошкентдан то Уралгача
Келдик икки-уч соатда.
Кўкда учиб гашт бўларкан,
Айниқса, самолётда.

1964



МАШИНИСТКА

Ҳар ҳунарнинг бир гашти бор,
Ҳунарсизнинг не гашти бор?
Машинастка опам Ҳожар,
Қўл бармоғи ўйнаб чопар.
Гўзал, жажжи машинаси,
Худди рояль кичкинаси.
Чиқир-чиқир, шўх-шўх куйлаб,
Клавиши дик-дик ўйнар.
Оқ қоғозга ҳарф қўнар,
Бирлашиб жумла бўлар.
Жумлалари турар текис,
Зумда варақ чиқар эгиз.
Газета, журнал, китоб
Текстлари ўқишга боп.
Қўлда кўчирса автор,
Беш нусха талай гапдир.
Қачон ёзиб бўларди,
Қўл, бармоғи толарди.
Машинастка иши улуг,
Бир-бирига ҳар иш боғлиқ.
Турли-туман идоралар,
Фабрик, завод, инхоналар —
Ҳаммасининг ҳаракати,
Алоқаси, хати-хути,
Радионинг қўшиғи ҳам,
Министрнинг буйруғи ҳам
Машинастка хизматида,
Унинг ғайрат, қимматида,
Бажарилар, ўрин топар,
Машинастка бизнинг она!

1967

УСТА СОЛИЖОН

Ҳунарингга балли, уста Солижон,
Тахта, ёғочга ҳам киргизибсан жон.
Ясаган стилинг, шкафларинг-чи,
Турнадек тизилиб кўкка учмоқчи.
Шкафинг нақшлари жим-жима, ўйноқ,
Жилвали кўркига мумкинми тўймоқ?
Зеҳну ҳавасингнинг намоиши бу,
Меҳнат санъатингнинг оройиши бу.
Табиат баҳори кўрганда агар,
Сендан олар эди андоза ҳар гал,
Устоз деб тутарди балки этагинг,
Билсам, бу бошлама, машқий куртагинг.
Ҳунарингга балли, Уста Солижон,
Тахта, ёғочга ҳам киргизибсан жон.
Ясаган стилинг, шкафларинг-чи,
Турнадек тизилиб кўкка учмоқчи.

1966

КИМНИНГ АКАСИ КАТТА?

- Бизнинг ака тракторчи,
Ҳаммадан ортиқ кучи.
Сенинг аканг-чи, Тўйчи?
- Командир, мерган овчи.
- Сеники-чи, ўртоқ Шер?
- Бизнинг ака — инженер.
- Сенинг аканг-чи, Омон?
- Менинг акам — агроном.
- Сенинг аканг-чи, Гофир?
- Менинг акамлар — шофер.
- Сенинг аканг-чи Йўлчи?
- Мактабда ўқитувчи.
- Кимнинг акаси катта?
- Ҳаммаси тенг, албатта.
- Бир ном билан айтинг-чи?
- Ишчи, деҳқон, хизматчи.

1962

МАМАЖОН — ШОФЕР

Мамажон — лочин йигит,
Серҳаракат — бетиним.
Ой нусхали дўпписи
Чеккасида бежирим.
Қад-қомати келишган,
Қўллари метин-қадқ.
Мускуллари диркиллар,
Бўлакма-бўлак, қайроқ.
Тепани ўнгаргандай,
Орқалар қанорларни.
Машинасига жойлар
Тор каби хирмонларни.
Кенг дала йўлларида
Учади бургутсимон.
Текстиль моқисидай
Қатнайди пункт томон.
Колхозиянинг юкини
Енгил қилар Мамажон.
Комбинатни пахтага
Мўл-кўл қилар Мамажон.
Мамажон машинаси
Йўл-йўлакай қатнайди.
Мамажонлар ишидан
Ватанимиз яшнайдди.

1962

ШАРОФАТ ХОЛА — ПАЗАНДА

Колхозда ўқувчилар
Бир-бирига гужурлар.
Маъқуллашар ўз сўзин,
Такрорлаб «хола» сўзин:
— Ошпаз Шарофат холам,
Сенингмас, менинг онам!
Эркин холани мақтар:
— Ош-овқатни ўхшатар.
Қандек қилиб пишириб,
Сомсаларни пишириб,
Паловни илик қилиб,
Хамирни пилик қилиб.
Норин, лағмон, увралар,
Чучвараю дўлмалар,
Жаркоп, шовла, кичири,
Сут ош, шўрва, ширгуруч
Бир-биридан маза,
Холам қўли гул, тоза.
Меҳнатда чаққон холам,
Ҳаммага ёққан холам.
Осонми шунча ошни,
Колхозда минг-минг бошни
Бир тенг кўнглини олмоқ,
Ҳаммага маъқул бўлмоқ?
— Пиширсам ширин ошни,
Тўйдирсам қари-ёшни,
Бақувват бўлса улар,
Колхозимиз гуркирар,
Давлатимиз мўл бўлар,
Омборлар донга тўлар.
Пахтаимиз тўлиб ошар,
Ҳосил дарёдек тошар.
Колхозимиз яна тўқ,
Ғам-ғуссадан асар йўқ,—
Деб холам шод, парвона
Ошхонада мардона.
Бошларида оқ қалпоқ,
Устлари қордек оппоқ.
Холам капгири мойда,
Холам чехраси ойдай.
Холам хизмати катта,
Шуниинг учун ҳурматда.
Холам қўли очиқ, кенг,

Овқатни улашар тенг.
Фарзандидек ардоқлар,
Ким келмай қолса йўқлар.
Сақлаб қўяр нормасин:
— Болам емай қолмасин,
Ҳой, бригадир Норматжон,
Қайта шофер Мамажон?! —
Дейди меҳрибон холам,
Меҳнатқаш, ғамхўр онам.

1960

МЕҲМОН ҚИЛУР

Кимда бўлса орият, майдонда у жавлон қилур,
Тоғни урса ер қилар, мушкулни у осон қилур.

Эътиқоди дил керак ҳар ишни бўлдирмоқ учун,
Ййламоқ меҳнат билан хом теридан ултон қилур.

Бўлса асбоби муҳайё, гаштани ким сурмагай,
Қайда бўлса бир ижод, кўрдимки мард майдон қилур.

Чўлни бўстон айламоққа биз бу кун бел боғладик,
Кимки қилмас меҳнати саз, охири армон қилур.

Гир тақир, юлғун, қиёзор эрди бир вақт Мирзачўл,
Ҳар қадамда боғу бўстон, гунчалар хандон қилур.

Езда меҳнат заҳматин кўрган олур куз ҳосилин,
Ошириб юз аррадан, олтинни тоғ хирмон қилур.

Ҳамма бир дил, ҳамма бир тил, ишда ҳур ёшу қари,
Чўлни обод айламоққа аҳд ила паймон қилур.

Авалло чекмай жафосин, роҳати бўлгайми ҳеч,
Бир сиқим лойдин кулол ишлов билан жонон қилур.

Эрга-кеч боғини кезиб парварини қилгай мудом,
Шарбати ангурни гулгун соҳиби боғбон қилур.

Келди Қуддус зўр тилак орау билан гулмирзага,
Янги-янги шеър ёзиб меҳнат элин меҳмон қилур.

1941

ЖАМИЛА


Жамила ўн саккизда,
Бурро ўқишда, сўзда,
Оёғи илдам, чаққон,
Катта-кичikka ёққан.
Шоҳи рўмоли пар-пар,
Агитпунктга чопар.
У доно агитатор,
Ҳар сўзидан бол татир.
Чехраси худди лола:
— Ассалом, Саври хола!
Келдим сизни кўргали,
Яна суҳбат қургали.
— Вой, қоқиндиқ, бўйингдан,
Яна сайлов тўйингдан.
Қизир икков суҳбати,
Жамиланинг улфати
Йиғилишар холалар,
Енларида болалар.
Жамила сўзлар тошиб,
Бир хола дейди шошиб:
— Гапирай икки оғиз,
Еганим қаймоқ, мағиз.
Еттининг онасиман,
Даврим арзандасиман.
Миннатдорман доҳийдан,
Офтобиму моҳимдан.
Нафақам этган тайин,
Қайбирини айтайин.
Мактаб, боғчалар тайёр,
Давлатимиз кенг, бисёр.
Шундай шод куним учун,
Бахтиёр умрим учун,
Партия — отамизга,
Севиқли каттамизга
Ҳади жоним — овозим,
Шу менинг сўзим, қизим.

1951



МАЙ ҚИЗЛАРИ

Биринчи май тонгида
Ясанишган ранго-ранг
Бир талай қўшни қизлар —
Лола, Раъно, Юлдузлар.
Ажратолмай қолибман
Ой қизларни сира мен.
Зўрға таниб олибман
Ўзларидан сўраб мен.
Ой қизларми ва ёки
Зарқанотли капалак?
Товусдек товланишар,
Ёниб мисли камалак.
Йўқ, ўхшамас, ўхшамас,
Зар қанотли капалак
Буларга ҳеч тенг келмас,
Улар худди қуёшдек.
Ажратолмай қолдим мен,
Қайсингиз Вера қизсиз?
Қайсингиз Лола, Юлдуз,
Қайсингиз Муниверасиз?
Шўх қизлар кулиб дерлар:
— Танинг қани ўзингиз?
Биринчи май қизимиз,
Адашмасин кўзингиз.
Кейин улар қуш каби
Учишиб кетишди тез.
Дам ўтмай қизил байроқ
Тагида кўришдик биз.



1965

БЕШ ҚИЗНИНГ СОВҒАСИ

Йиғилишди бешта қиз,
Шодлиги чексиз денгиз.
Ўқишда бари аъло,
Бирининг номи — Раъно.
У аввал сўз бошлади,
Сочин кифтга ташлади:
— Ўртоқлар, айтинг, қани,
Халқимиз жонажони,
Улуғ доҳий бобомиз,
Қуёш, ой, нур, дономиз
Кирдилар юз ўн ёшга
Ўхшаб ою, қуёшга.
Дунё бўйлаб кезар тўй,
Шодибена янграр куй.
Мени қийнайди ўйлар,
Не совға қилсак бўлар?
Менда бор шундай фикр:
Қайнаси дилда меҳр.
Меҳрдан ясайлик гул,
Аъло ўқийлик нуқул.
Ҳаммада жўшар ҳиммат,
Бийрон сўзлайди Қиммат:
— Колхозда звено акам
Ишлайдилар чинакам.
Пахтамиз юздан ошди,
Қопу қанорлар тошди.
Тераётирмиз кўсак,
Давлатга тезроқ берсак.
Пахта йиғсак қанча мўл —
Бизнинг совға ана шул.
Салима дейди: — Мен ҳам
Аъло ўқийман ҳар дам.
Опам илғор пиллачи,
Пиллачимас, тиллачи.
Ҳар йил тутамиз пилла,
Пилламас, асл тилла.
Қарашдим каникулда,
Барг ташиб бердим кунда.
Планимиз бўлди юз,
Ёруғ бўлди юзимиз.
Хур қиз дер: — Жуда соз,
Қанча совға қилсак оз!
Колхозда бош агроном

Тўнғич акам — Қахрамон.
Қўриқ очдик, атайлаб
Экдик кўчатлар сайлаб.
Кенгайсин колхоз боғи,
Кўкни қоплаб япроғи.
Ватан бўлсин обод гул,
Доҳиймизга совға шул.
Саври дер: — Дўстлар, раҳмат,
Менда бор кўпдан бир аҳд.
Ишласам доҳий расмин,
Тикиб ипак асилин.
Ёрдам беради опам —
Артелда чевар хўпам.
Тайёрлаб ёздилар хат,
Совға қилмоқ қандай бахт.
Совғалари бўлди тахт,
Ленин бобомга раҳмат!
Совғалар бўлди тайёр!
Ҳаммалари бахтиёр!

1980

ДАДАВОЙНИНГ ТИЛАГИ

Катта бўлай, ўс, бўйим,
Етилинг эй, ҳис-ўйим.
Қўлларим, оёқларим,
Куч йиғинг бармоқларим.
Йигит бўлиб мен ҳам бот,
Сайловга қатнашай шод!
Ўқийман шунинг учун,
Эл, Ватан, сенинг учун,
Шавкатинг шовинг учун,
Бахтли давронинг учун.
Ҳуқуқ, бахтим қўлимда,
Не истасам йўлимда,
Ёвлар боши ўлимда,
Дарё оқар чўлимда.
Катта бўлай, ўс, бўйим,
Етилинг фикрим, ўйим.
Йигит бўлиб мен ҳам бот,
Сайловга қатнашай шод!

1947

*Ватаним — онам менинг,
Партиям — отам менинг,
Комсомол — акам менинг,
Мен — бахтиёр пионер!*



**МЕН—БАХТИЁР
ПИОНЕР**

ЛЕНИН БОБОМ СЎЗЛАРИНИ ЎРГАНАМИЗ

Уйимизнинг энг тўрида
Расмлари кулиб турар.
У вақт ҳарф танимасдим,
Дадамлар-чи, мендан сўрар:
— У киши ким, айт-чи, болам?
Дарров дердим: — Ленин бобом!

Дадажоним хурсанд бўлиб
Дер эдилар: — Балли, болам!
Энди-чи мен катта бўлдим,
Бешинчида ўқияпман.
Ленин бобом сўзларини
Дилга жойлаб уқаяпман.
Сиз ва биз деб азиз жоним
Аямаган Ленин бобом.
Подшоликни ағдаргунча
Курашганлар тинмай хўпам.
Қонхўр душман отганда ҳам,
Касал бўлиб ётганда ҳам,
Тинмаганлар, ишлаганлар,
Сургуида ҳам, қамоқда ҳам.
Ҳамма ишу мажлисларга
Борарканлар кечикмасдан.
Яна барвақт турарканлар
Эрта саҳар кун чиқмасдан.
Доим севган буюмлари:
Китоб, қоғоз, сиёҳ, қалам.
Ўқирканлар, ёзарканлар,
Гоҳо олиб озгина дам.
Бобом бир сўз десалар-чи,
Сўз устидан чиқарканлар.
Қай бир ишга қўл урсалар,
Кечиктирмай қиларканлар.
Қатъий туриб курашларда
Келтирдилар бизга эрк-бахт.
Шунинг учун бобомизни
Унутмаймиз бизлар ҳеч вақт.
Мен ҳам Ленин бобомлардек
Ўқиш, ишда бўламан эр.
Чунки мен ҳам Ленин бобо
Невараси — мард пионер.

1957

МАКТАБИМИЗ ПЕШТОҚИДА

— Мактабимиз оқ девор пештоқида
Ўқиш сўзи ёзилгандир уч марта,
Билиб олай, бу буюк бурч, албатта,
Билиб олсам энг йирик куч, энг катта, —
Деб Эркинжон ўқиш сўзин ўйлабди,
Ўйлаб-ўйлаб ўй дарёсин бўйлабди.
Говвос бўлиб дурри гавҳар излабди,
Дур гавҳарни совға қилиб тузабди,
Баҳор кўнглин чаман-чаман безабди.
Қани, Эркин нималарни ўйлабди,
Ўй дарёсин, қани, қагдай бўйлабди.
Энг биринчи ўқиш деган уқишдир,
Уққанингни бари сенга юқишдир.
Юққанингдан ўзинг билим тўқишдир,
Тўқганинг турмушингда кўришдир,
Кўриб синаб ҳаммага уқтиришдир.
Шу демакдир биринчи ўқиш демак,
Уқиб, уқиб улкан йўлга туш демак...
Иккинчиси — ўқганинг Ватанда,
Ҳамма иш, қурилиш, ҳар қадамда
Илм-фаннинг элинга ёрдам берсин,
Илм-билим нурунгдан олам тўлсин,
Илм-билим олами дилга кирсин!
Бу демак иккинчи ўқиш демак,
Эл илмига янги илм қўш демак,
Олим бўлиб олам бўйлаб жўш демак.
Учинчиси — илм-билим олийси,
Олам илмин нур калити, доҳийси —
Маркс-Ленин бобомизнинг илмидир,
Коммунизм — янги олам илмидир,
Илм-билим оламининг гулидир.
Ушбу фанни билиб олмоқ бурчимиз,
Шу фан билан ошар, тошар кучимиз.
Эй, фарзандлар, эшитдингиз Эркиннинг
Ўқиш сўзи ҳақидаги фикрини.
Қани, сиз ҳам ўқиш сўзин ўйланг-чи,
Ўқиш сўзин уқиб олам бўйланг-чи,
Қани сиз ҳам билганингиз сўзланг-чи,
Олам илмин кенг уфқини кўзланг-чи!

1979

СИНОВ

(Ўқиш, имтиҳон ҳақида ота сўзи)

Синов, болам, бу кун сенга,
Умр-бахтинг синови.
Синовлардан енгиб чиқар
Ўғил-қизнинг мард, дови.
Синаласан бу кун, жоним,
Қадрдонинг мактабда.
Шу синовдан енгиб чиқсанг
Бахт сен билан, албатта.
Тўғри, илм осон эмас,
Машаққати зўр роса.
Синовдан ул ўта олар
Мушкулни енга олса.
«Олим бўлсанг такрор қил,
Деҳқон бўлсанг шудгор қил!»...
Деган халқнинг мақоли бор
Маъносини чақиб ол!
Орзу-умид қилдинг дилдан,
Бир ердан чиқишинг бор.
Муроду-мақсадингга
Албатта етишинг бор.
Ақли-донинг юрагингни
Меҳнатга ўргатиб ол!
Билим — гавҳар дурларини.
Мияннга тўлатиб ол!
Синов, болам, бу кун сенга,
Умр-бахтинг синови.
Синовлардан енгиб чиқар
Ўғил-қизнинг мард, дови.

1940



КИЧКИНА САЙЁҲЛАР

Ўн беш пионер ўғлон,
Бари келишган соғлом,
Аскардек кийинган шай:
Эркинжон, Тўлқин, Убай.
Кифтларида тугунча,
Ичида мойли кулча.
Тайёрлаб сафар юкин
Йўлга чиқишар бугун.
Бошлиқ вожатий Фозил,
Мана, жўнашар ҳозир.
Бошларида оқ қалпоқ,
Ошиб қир, сой ва ўтлоқ.
Мичурин шогирдлари,
Ленинчи азаматлар,
Айрилмас меҳрибон дўст,
Издан қайтмас мардлар,
Дурбинлари қўлида
Йироқларга боқишар.
Қуш бўлишиб учишар
Ошиқишар, чопишар.
Гоҳ яёв, гоҳ уловда
Талай йўллар босдилар.
Борган сари қизиқиб
Чарчашни билмасдилар.
Тепалар, баланд-пастилик,
Қир-адирдан ўтдилар.
Кўрган-билганларини

Ен дафтарга битдилар.
Нўмон дер: — Адирларнинг
Ясаган устаси ким?
— Мактабда ўқидик-ку,
Дейишди Соли, Ҳаким, —
Эсингдан чиқардингми?
Мияннга балли, ўртоқ!
Табиат ўзгариши
Эмасмиди, ўйлаб боқ?
Иссиқ-совуқ сув, шамол,
Оғайни, билиб қўйгин,
Бари ўжар, тилсиз дов.
Бугун-чи, тахт туради,
Тахт турмай кўрсин қани,
Биздан нима кўради?
Днепр, Сирдарёдек
Боғлаб қўяйлик шартта.
Билим, техника бизда,
Ғолибмиз-да албатта.
Адирлар ораси ҳам
Колхознинг пахтазори.
Қирларни ағдар-тўнтар
Қилган колхоз шунқори.
Кўрдик қир звеносин,
Бургут кўзли мардларни.
Тепаларни йиқаркан,
Кесак каллақандларни
Сой сувида эритиб
Қуйишар экинзорга.
Новвот чойдек лойқа сув
Сингади пахтазорга.
Қир билан бўйлашади
Бўлиқ ғўза-ниҳоллар.
Осмонга чирмашади
Яшил девор — оқ толар.
Лайлакнинг сават ини
Тепа минор бошида.
Тухум босиб ётаркан
Онаси ин қошида.
Захчалар чағ-чағлари,
Тўрғайлар чув-чувлари —
Қушларнинг оркестри,
Жўр овоз каккулари.
Колхозчилар аташар:
«Ҳашарот бригадаси».

Бизга катта ёрдамчи
Барча қушлар галаси.
Пахтазорни оралаб
Учишиб юришади.
Чигиртка, ҳашаротни
Битталаб теришади.
Баланд жар ёқасида
Кавакчалар уяси.
Чиғиллашар дам-бадам
Ин ичида боласи.
Сойликдан кўтарилдик
Тоғ бўйи баландликка.
Қиялама йўллардан
Тирмашиб чиқдик тикка.
Холиқ оёғи тойиб
Думалашга сал қолди.
Юракли, эпчил эди,
Ўзини ўнглаб олди.
Чаққонлик керак доим,
Айниқса шундай жойда.
Думалаб кетсанг борми,
Қир ости пастлик, жарга?!
Сафар — йигитга синов
Ўз-ўзини танишга.
Сафар — катта сабабчи
Ўлкани ўрганишга.
Миндик тепа чўққига,
Бутун олам кўринди.
Уфқ, шафақ аксида
Тоғлар лола кўринди.
Колхоз меҳнати билан
Очилган ер жамоли.
Еру кўкка сиғмайди
Колхознинг сонсиз моли.
Шаҳардек гуркираган
Гўзал, обод қишлоқлар.
Парк, боғлар, олмазорлар
Адр, яйлов ўтлоқлар.
Канал, анҳор, ариқ, сув,
Чўл, қирлар кўкрагида.
Табиат гўё туя
Колхозчи етагида.
Пахтазор, буғдойзорлар-
Кезиб ўтдик кўп манзил.
Ичимизда биргина

Чарчадим, деди Назир.
Бир колхозда дам олдик,
Пахта чопиқ борарди.
Бағирлаб «универсаллар»
Оламга жар соларди.
Деҳқончиликнинг илми
Далада ёзуғ экан.
Экин-тикин китоби
Жудаям қизиқ экан.
Ҳосилот амакимнинг
Ҳикоясин тингладик.
Меҳнат гашту санъатин
Тўла қониб англадик.
Кийим-кечакнинг қадри
Баҳосини билдик биз.
Колхозчининг ишига
Роса қойил қолдик биз.
Ҳолиқжон деди: — Ўзим
Ўткир агроном бўлай.
Пахтаинг энг ҳосилдор
Хилларин топай талай.
Пахта йиллик ўсимлик
Бўлиб қолади токай.
Бир экканча дарахтдай
Узоқ йиллар кўкаргаёй,
Деса; Фозил: — Инженер
Бўламан, — дейди, — катта.
Машиналар кўнайса,
Меҳнат енгил, албатта.
Темиртак чўлоқ кетмон
Қўлимизни қадоқлар.
Электр кетмончасин
Ишлаб берай, ўртоқлар.
Тўлқин гердайиб дейди:
— Қанийди, шундай бўлса.
Етмиш ҳунар ҳам камдир
Йигитга, ўйлаб кўрса.
Ҳашарлашиб колхозда
Қолиб кетдик ўша кун.
Пахта чопиқ ҳавосин
Ўрганиб олдик бутун.
Эртаси тонготарда
Юрдик кунчиқар ёққа.
Қуёшнинг олтин зари
Сочилар эди тоққа.

Борар эдик сой аро
— Тулки, — деди болалар,
Судратиб укпар думин
Тулки кўздан йўқолар,
«Сакрабодом» қир ошиб.
Ўтзорлар орасидан
Қушлар учар сайрашиб,
Адир янграр сасидан.
Кўрдик пода, сурувлар,
Йилқилар кишнар қирда,
Йилқибони «қурув»лар.
Колхоз турмуши гўзал,
Ажойиб манзараси.
Борган сари кенгаяр.
Ватанимиз сийнаси.
Табиатни ўргандик
Кўзимиз кенг очилиб.
Ер бағрида ётаркан
Дур-гавҳарлар сочилиб.
Йиғдик хил-хил дори ўт —
Дармона, юлдузоёқ.
Бир ўт топдик ажойиб:
Хинадек берар бўёқ.
Ватан, табиат гўзал,
Ажойиб манзараси.
Айтган билан тугамас
Ранг-баранг ҳикояси.
Биз қадам босган сари
Кенгаяр дунё туби.
Кичкина сайёҳларнинг
Ҳозирча бу мактуби.

АҲРОР БОТИР

Ҷишнинг аёз бир тонги
Мақтабга борар Аҳрор.
Ҷимдир унга кўринмай
Ёнидан чиқиб дарҳол
Чангал солар юзига,
Ўралашиб изига.
Гоҳ бурнидан чимдалар,
Гоҳ қулоғин тимдалар.
Ушлайди тирноғидан,
Ғизиллаб ҳар ёғидан
Тўсмоқ бўлар йўлини.
Аҳрор унга бўш келмас,
У увишиб сесканмас.
Босади шахдам қадам,
— Қўрқмаган жангда дадам,
Совуқдан қўрқсам уят.
Усти-бошим қатма-қат! —
— Дея мақтабга борар,
Совуқ қор ортда қолар.

1951


ШЕЪР ҲАҶИДА ШЕЪР

*Бузорлик пионер Усмонжон укам менга хат ёзиб,
«Қуддус ака, мен шеър ёзишни жуда яхши кўраману
ёзиш йўлини билолмайман, қандай қилсам ёза
оламан?»— деб сўради.*

Аввал салом Усмонжон,
Хушёр укам жонажон,
Табриқлайман орзунгиз,
Шеър каналин қазингиз,
Бўлинг каттакош шоир,
Маяковскийдек моҳир,
Талабингизга етинг.
Қани, сиз менга айтинг,
Ўқиш, тўғарак қалай?
Авалло ўқиш керак,
Ўқишмас уқиш керак.
Ундан опса кучингиз,
Майли, шеърга тўкингиз.
Лекин шеър осон эмас,
Қийини осмон эмас,
Ёки шеър асбоб эмас,
Магазинда сотилмас.
Шеър-чи — бу турмуш гули,
Шоир — одам булбули.
Шеър одамлар ичида,
Ишчи мардлар кучида,
Меҳнат қайнаган ерда,
Кўз илғамас энг майда
Манглайдан оққан терда.
Бўлиб доим пайида,
Қидирсангиз эринмай,
Қийинига бўй бермай.
Сўзлар тутқазмай кетар,
Қувлаган қўймай тутар.
Ишчидек бўлинг полвон,
Ғайрат шеърига нарвон.
Бўлинг донишманд олим,
Ерда илм, ҳунар борин
Ҳаммасин сувдай ичинг,
Не тугун бўлса, ечинг.
Боларидек тиришқоқ.
Қалбингиз бўлсин булоқ.
Шеър ёзиш нима ўзи?
Учирдик ер юлдузин,
Қойил эрдик оламини,

Улуғладик одамни.
Октябрь яратган биз,
Ватанни ясатганмиз,
Эрк улашдик оламга,
Бахт келтирдик одамга!
Энди гал сафар ойга,
Мивинг электр тойга,
Тутинг учар юлдузни,
Чақмоқдай ўйнанг сўзни.
Бунинг учун албатта,
Ишчидек буюк, катта
Дарёдек юрак керак.
Забардаст билак керак
Улуғ Горький кифтидек.
Халқ юкин кўтаргудек
Азамат бўлсин елканг.
Гулласин десанг ўлкам,
Халқингни сев Лениндек,
Сўзларинг бўлар дурдек.
Навий — улуғ бобонг
Таратган оламга донг.
От изини той босар,
Отадан бола ўзар,
Деган Чехов сўзи бор,
Сўзи борнинг ўзи бор.
Кимнинг ўткир кўзи бор,
Ватан севгиси катта
Шоир бўлар, албатта.

1957



ЭЙ, ФАРЗАНДЛАР

Эй, фарзандлар — гунчалар,
Эй, фарзандлар — гулчалар,
Эй, фарзанд-юлдузчалар,
Сизга меҳрим шунчалар.
Езда иссиқ қуёшдан
Қизғанамаан авайлаб,
Иссиғи бошингиздан
Ўтмасин деб атайлаб
Оқ қалпоқ кийдираман,
Пок қалпоқ кийдираман.
Қиш бўлганда, унда ҳам
Така-пука юрагим.
Шамоллаб қолманглар деб
Соғлиғингиз тилагим.
Мой-асал едираман,
Чақмоқдек кийдираман.
Қўнғиз деса оппоғим,
Типратикан юмшоғим,
Мен нима деб севаман?
Юлдузларим дўмбоғим,
Ильич лампам, чироғим.
Сизга кирмасин тикан,
Дард кўрмай, ўсинг улкан.
Бўлинг тинчлик солдати,
Халқнинг бахт-саодати,
Ватанимиз таянчи,
Партиямиз суянчи!
Тинчликнинг сафи ўссин,
Урушнинг номи ўчсин!

1974



ПАРТИЯГА МИНГ РАҲМАТ

Бир мактабда катта танаффус чоғи
Болаларнинг қизир суҳбат, чақ-чағи.
Бош вожатий болалардан сўради:
— Юртимизни яшнатган ким бўлади,
Қани айтинг қайси бола билади?
Болалар жим аввал ўйлаб кўради,
Ўз-ўзига ичида сўзлаб кўради.
Талай гапни дилда сайлаб қолади,
Гапиришга ўзин шайлаб қолади.
Вожатийни атрофини ўрашар,
Қўл кўтариб сўз беришин сўрашар.
Раъно дейди: — Юртни яшнатган кўккам!
Ёз, кузимиз қандай чиройли, кўркам.
Асом дейди: — Қуёш, ою, юлдузлар!
Низом деди: — Кеча билан кундузлар!
Олим деди: — Одам, жонвор, дарахтлар!
Доно деди: — Дарё, денгиз, қир-тоғлар!
Омон деди: — Ердан чиқар газ-конлар!
Замон деди: — Осмон, денгиз, ўрмонлар!
Шодмон деди: — Боғбон, деҳқон амаким!
Шавкат деди: — Ишчи — паҳлавон акам!
Аъло деди: — Партиямиз — отамиз!
Бизга ғамхўр Ватанни яшнатамиз.
Бир-биридан қолишмайди шоввозлар,
Бирин-кетин янграр ширин овозлар.
Топмоқ учун ҳамма бола интилар,
Ҳамма бола билганларин айтдилар.
Сўнг вожатий қувнаб, яйраб сўзлайди,
Кичкинтойлар кўнгил завқин кўзлайди:
— Жавобларинг қойил мақом чиройли,
Жавобларни энди яқун қилайлик.
Ҳаммангизнинг сўзларингиз хуш, доно.
Лекин тонди аълочи, доно Аъло.
Еру осмон, тоғ-тош, ўрмон барин ҳам;
Дарё-денгиз, океан уммон бағрин ҳам
Одам учун ишлатар партиямиз,
Бахтимизни яшнатар партиямиз,
Кенг оламни ясатар партиямиз,
Тенг оламни яшатар партиямиз,
Партияга доим раҳмат айтамиз!

1961

ДУТОРИМНИНГ ҚИССАСИ

Айтай дутор қиссасин,
Дилдоримнинг ҳиссасин.
Дутор меҳрим чашмаси,
Хай-ҳай, ажаб напъаси.
Дутор эмас, дил торим,
Дил тори-жон дилдорим.
Созларим бош онаси,
Кўзи, қоши, сараси.
Жон ипакдан пардаси,
Жон азиз парвонаси,
Она созим, дуторим,
Ота созим, дуторим.
Яшаган увай-чувай —
Тамбур, чанг, чилдирма, най;
Ногора, қарнай, сурнай,
Пианино посбондай.
Бир тор эмас дуторим,
Дутор эмас, чил торим.
Дуторжоним, қайдан сен,
Ер-заминми ойдан сен?
Маконинг олам майдон,
Куйинг лаззат, бол, майдай.
Кўш пардадор дуторим,
Жўш пардадор дил торим,
Дов-дарахтдан туғилдинг,
Офтоб ичиб йўғрилдинг.
Ўсдинг, етилдинг, тўлдинг,
Дилларга пайваст бўлдинг.
Дов-дарахт асилидан,
Ипак тутнинг наслидан,
Ипак қурт танасидан,
Ичак қил пардасидан.
Пайвандижон дуторим,
Вафоижон дилдорим,
Исминг жисмингга монанд,
Наво, куйинг жону тан.
Парда бўғининг банд-банд,
Овозинг жонбахш, баланд.
Жон озигим дуторим,
Жон созлигим, дил торим,
Жон қозигим, мадорим.
Севиб, қучиб чаламан,
Олам кўнглин очаман,

Оламга куй сочаман.
Куйла-куйла дуторим,
Кўрган-билганинг борин.
Дуторим қайна, янгра,
Олам бўйлаб жарангла!
Янги-янги куй сайла,
Қуддус чертсин, сен сайра.
Эрк парвозим, дуторим,
Кўрк овозим, дилторим,
Умр, тарихинг, поянг,
Ҳадсиз таъриф, ниҳоянг.
Ездим шингил ҳикоянг,
Айтдим шеърий ҳикоянг.
Қабул этган дуторим,
Мақбул этган, дил торим.
Сен менинг бағрим, борим,
Қўшигим, чолғум, норим.
Она созим, дуторим,
Ота созим, дуторим.
Дутор эмас, дилторим,
Жон озигим, дилдорим.

1972

АҲМАДЖОН АЪЛОЧИДИР

Аҳмадҷон аълочидир,
Бу иши жуда яхши.
Лекин бир хил одатин
Ташламаса мен қарши,
Икки қўли чўнтақда,
Эгилмайди кеккайиб.
Укасига кун бермас,
Турткилаб жеркиб, койиб.
Аълочиман деб ошиб
Онасига қарашмас.
Оилага қарашмас,
Сув тугул, печни ёқмас.
Хўрайиб, кириб чиқар,
Ўтакетган димоғдор.
Тўғри гапин сўзлашга
Онаси ҳам зору зор.
Аҳмад уйда ўлтириб,
Янғаси сув келтирар,
Она кўзи филтирлаб
Андишада мўлтирар.
Аҳмадҷон аълочидир,
Бу иши жуда яхши,
Лекин мужмал одатин
Ташламаса мен қарши.

1970



Қуддус Муҳаммадий ёш китобхонлар давралида.

МАКТАБИНГИЗ ТАРИХИНИ БИЛАСИЗМИ?

Тошкент шаҳар Ишчилар шаҳарчасидаги 150-мактаб ўқувчилари билан учрашганимда

Биласизми мактабингиз тарихини?
Билсангиз, айтинг, қани таърифини.
Мактаб ўрни олдин қандай жой бўлган?
Суриштиринг уни сизлар, ким кўрган?
Мактабингиз ўрнин номи: Йўлариқ,
Пасти-балад, келишмаган қир, сойлиқ.
Бир ён Қорасарой, бир ён Чуқурсой,
Қулоқтепа, Чимбой деган мушкул жой.
Бу жойларни тезда обод қилинг деб,
Ишчиларга гўзал шаҳар қуриг деб,
Йўл-йўриқ берган Ленин бобомлар,
Буйруқ берган улуг Ленин бобомлар.
Мактаб, боғча, яслилар солинсин деб,
Дангиллама, ажойиб, соз бўлсин деб
Архитектор амаким план олган,
Чевар онам ўхшатиб нусха солган.
Кейин уста-бинокор тушган ишга,
Қиришганлар ишчи мардлар қуришга.
Аввал ерга сув бостириб қўйишган,
Сувни шимиб, ер чўкиб пастга тушган.
Сўнг тунроқни текислаб суришганлар,
Уч метрча ер тагини ўйишганлар.
Фундамент — цемент, бетон қуйишганлар,
Бондан ишни пишиқ-пухта қилишганлар.
Иш оғирин қилган машина-полвон,
Оғир-оғир юк кўтарар зўр нарвон.
Ҳаммасини юргизар бош онаси,
Куч-қувватнинг энг буюғи, сараси.
Электрвой қуввати энг мўл экан,
Электрвой азамат, қўш қўл экан.
Ғиштни ташиб берган ҳам шу электр,
Ғиштни бошлаб терган ҳам шу электр,
Лой-цементни қорган ҳам шу электр,
Ишчи акам электрга директор.
Бир ондаёқ, қарабсизки, тоғ бино
Қад кўтарди, кўргандек қизик кино.
Мактабингиз тарихи ана, шундай,
Мактабингиз яшнайд ою, кундай.

1963

ЕШ ДЕҲҶОНЛАР ОРЗУСИ

Мактабимиз майдони
Чаман-чаман яшнайти,
Еш табиатшунослар
Унда ўқиб ишлайди.
Деҳқончалар машқ қилиб
Пахта экилар бардам.
Чинакам пахтакордан
Қолишмайди улар ҳам.

Ҳар туп ғўза ниҳолин
Кўз каби ардоқлашиб,
Чигитдан ўстиришди
Кўплашиб, ўртоқлашиб.
Ғўзалари чинордай
Ўсар яшнаб, барқ уриб.
Бўлажак олимчалар
Хизмат қилар чарх уриб.

Қобилжон — бош агроном,
Ердамчиси — Илҳомжон.
Ҳаммалари хурсандлар,
Дилга сиғмас кенг жаҳон.
Каримжон ғўза чопар,
Ўғит солар Санобар.
Гулчеҳра бўйин ўлчар,
Тўлқин шона-гул санар.

Олимчалар ишлайди
Тоғамиз деб янги нав.
Бир-биридан қолишмас
Меҳнатда азамат, дов.
Тоғамиз дер шундай нав —
Энг тез пишар чиллаки,
Толаси майин ипак,
Ялтираши тилладек.

Шундай нав тайёрлаймиз,
Колхозлар учун атай,
Совхозлар учун атай,
Ватанамиз пахтага
Мўл-кўл бўлсин дарёдай.
Бунинг учун албатта,
Мактабдан иш бошлаймиз.
Чунки биз меҳнат севар

Мичуринчи — ёшларимиз.
Колхозчи — пахтакордан,
Совхозчи — пахтакордан
Қолишмайди булар ҳам,
Пахтакор, полвон, бардам.

1978

ЎҚИ

Бобомнинг сўзи

Қани, бир думалаб ёш бўлиб қолсам,
Умримни ўқишда ўтказсам бутун.
Шундай ўқирдимки билсанг, ўғилжон,
Илмдан осмонга тиклардим устун.
Ўғлим, ёшлигимни асло сўрама,
Мен демайин, сен тинглама зинҳор.
Сенларнинг пешонанг ярқироқ экан,
На десанг ватанинг этажак тайёр.
Ёшлигинг қўлингда, жўшқин бахтинг бор,
Қай томон қўл чўзсанг оласан, лочин.
Илмни, ҳунарни ҳеч зерикмай ўрган,
Лениндек билимга кебг ёз қулочинг.
Билимсиз кишининг, билсанг, кўзи кўр,
Гар унинг кўзлари очиқ бўлса ҳам.
Қўли шол, оёғи оқсоқ ногирон,
Беш мучаси соғлом бўлиб турса ҳам.
Илмдан яралур ҳамма янгилик,
Яланғоч дунёни ясатган ҳам илм,
Осмонда космонавт чаққон учишин,
Режа йўллари кўрсатган ҳам илм.
Илм олишни Ленин бободан ўрган,
Чин илм турмушни гуллатар, безар.
Сен илмнинг чуқур илдизин ўқи,
Билимдон кишилар чарчамас, ўзар.
Қани бир думалаб ёш бўлиб қолсам,
Умримни ўқишда ўтказсам бутун.
Шундай ўқирдимки, билсанг, ўғилжон,
Илмдан осмонга тиклардим устун.

1951

АЖОЙИБ ГҶЗАЛ МАКТАБ

Тошкентдаги Глиэр номли музика мактаби ўқувчилари билан республикамизнинг атоқли отахони, онахонларининг учрашув и хогирасига бағишлайман

Ажойиб, гўзал мактаб,
Ер саҳнида ою, офтоб.
Оқ бинолар қават-қават,
Гангур-гунгур қўйни обод.
Музика мактаби бу,
Одам қалбин офтоби бу.
Бу ерда эл болалари,
Коммунизм доналари,
Ленинчи аълолари.
Эркин, Коля, Зиннатлар,
Рашид, Марат, Зумрадлар
Ўқишар санъат илмин,
Ўқишар санъат илмин,
Гуллатар санъат боғин,
Сузар санъат қаймоғин.
Осмони — кенг ҳовлиси,
Ўртада сарҳовузи.
Раста-раста гулхона,
Уйлари бор нурхона.
Нурхона уй — машқ хона,
Машқ қилар машшоқ, ана.
Машшоқ қизча — Зулфира,
Жўр бўлар унга Жўра.
Чалар шўх пианино
Бастакор қиз Гулраъно.
Чалар дўстлик кўйини,
Янгратар дил уйини.
Бўлди учрашув нодир,
Бўлди устозлар ҳозир.
Аввал хўи кўчат экдик,
Меҳр уруғин сепдик.
Бошлади Ризо бобом,
Соҳибкор, боғбон бобом.
Экди саркор Тюпко дадам,
Экди Ҳамроқул отам.
Экди Ҳабиба онам,
Болалар бўлди ҳамдам.
Оқилхон дадам экди,
Турсуной опам экди.
Экиб бўлиб бордик залга,

Навбат ўғил-қизларга.
Болалар — зўр машшоқлар
Дили шоду қувноқлар
Чалишди симфония,
Қалбимда шўх қофия.
Юрак торимни чертди,
Шоир қалбим эритди.
Мен ҳам кутдим навбатни,
Шимиб куйни — новвотни.
Илҳомим қайнаб кетди,
Ошиқиб навбат кутдим,
Устозлар кўздан ўтди.
Кичкинтой Чайковский,
Жажжи Маяковский,
Ҳамза Ҳакимзодалар,
Санъаткор мардоналар.
Кўз ўнгимда саф тортди,
Юрагим чаман отди.
Шеър ўқидим дил қайнаб,
Шу шеърни ёздим яйраб.
Музика — мактаб, жоним,
Интернат қадрдоним.
Меҳрингиз болу ширин,
Совғам сизга шу шеърим.

1963

СЕН ТУҒИЛГАН КҮН

Бахтли кунлар, рангин гуллар
Қучоғида туғилдинг сен.
Бошинг узра қўш, нурлар,
Сен — Совет фарзандисан.
Ватаи силаб пешонагни,
Қучоқ очиб эркалайди.
Дўстлар бериб суюнчилар,
Сенга умр, бахт тилайди.
Сенга атаб тикар сарпо
«Ғизил юлдуз» фабрикаси.
Сенга атаб қўшиқ ўзар
Шоирларнинг энг сараси.
Сени ўйлаб қир-тоғларда
Қўй-қўзилар боқар чўпон.
Сенинг учун шахтёрлар ҳам
Ер остида қазишар кон.
Сени ўйлаб узоқ тунлар,
Мижжа қоқмас чегарачи.
Сенга равон, асфальт йўллар
Қурабтир минглаб ишчи.
Сенга атаб мактаб солар,
Бинокорлар мрамрлардан.
Сен деб очар қўриқ ерлар
Деҳқон шерлар саҳролардан.
Лекин ҳали чет ёқларда
Душманларинг ҳам йўқ эмас.
Сен туғилиб ўсишингни
У номардлар ҳеч қўролмас!
Денгизларнинг орқасидан
Оч қашқирдек олайишар.
Уруш истар, қон ишашар,
Қутуришиб яланишар.
Ухла эркам, олгин роҳат,
Йўл бермаймиз ёвга ҳеч вақт!
Сутдек оппоқ чойшабларда
Сен роҳатда тинч ухлай бер.
Билгин, қўзим, дўстинг талай,
Яйраб, эркин улғаябер.
Сен бўласан энг билимдон,
Буюк олим мамлакатда.
Шуни истар ватанимиз,
Жон-танимиз сен, албатта.
Ухла эркам, олгин роҳат,
Йўл бермаймиз ёвга ҳеч вақт!

УЙЛАМАБМАН МЕН УНЧА

Гулчеҳра деган қизча,
«Ғунча»ни сезмай унча,
Дер экан ўз-ўзича,
Нима бўларди ғунча,
Гул шоҳида тугунча,
Уни мақташар мунча?

Гулда сайрар булбулча,
Ухламай тонг отгунча,
Ўзим кўрган ўша-да,
Бошқа не бор ғунчада?

Кейин билсам бўлакча
Ўхшаши дил, юракча,
Ғўзал, ўзар тилакча.
Сўз маъноси дунёча.
Ичида саҳна боғча,
Ўйин қарсак авжида
Томоша экан жуда.

Билмабман шу кунгача
Китобимга укача,
Ердаги ой юлдузча,
Яшнар экан кундузча.

Ўқидим севиб атай,
Кўрган-билганим атай,
Ҳар варағи бир олам,
Дунёда борки одам,
Ҳаммасин иши шунда,
Ким не қилар шу кунда?

Ер юзида нима гап?
Янгилеклар минг-минглаб,
Билим олдим маза, заб,
Осмонда саёҳатлаб,
Ойдан юлдузга ҳатлаб.

Гулчеҳра дер: — Ўртоқлар,
Қулоқ беринг қувноқлар.
Мен анқовчи эканман,
Мен ялқовчи эканман.
Нега олдин кўрмадим.

Анча вақт ўқимадим.
Ўқиб, завқлар сурмадим.
Энди излаб ўқийман,
Севиб, тевлаб ўқийман.

Шундан бери Гулчеҳра,
Қўлида «Гунча», жўра
Унга қўшиқ тўқиркан,
Севиб, жўшиб ўқиркан.
Шоира бўлай деркан,
Оламни билай деркан.

1979

КИТОБ СЎЗИ НИМАДИР, КИТОБ ЎЗИ НИМАДИР?

Болажоним, савол бер,
Кимнинг фикри ўткир, зўр?

Жумбоқ топиш ўйлаймиз,
Уй оламин бўйлаймиз.
Китоб сўзи нимадир,
Китоб ўзи нимадир?

Қани, буни ким билар,
Китобга меҳрин берар?
Буни сиз ўйлаб турунг,
Унгача мен айтай, кўрунг:

Китоб сўзи энг қизиқ,
Ҳамма сўзлардан ўзиқ.
Китоб сўзи кел топдир,
Топиш кўзи кон, бобдир.

Сўз гўзали ноёбдир,
Сўз ўзари офтобдир!
Шул сабаб китоб — офтоб,
Дегандайин мени топ!

Энди китоб ўзига
Келсак, борлиқ кўзига
Китоб демак кенг олам,
Барча учун тенг олам,

✓ Китоб — энг азиз одам.
Китоб — одам жамоли,
Китоб — олам жамоли.
Китоб — одам камоли,
Китоб — одам ёдгори.
Яхши, ёмони — бари,
Бари китоб ичида,
Тарих китоб бурчида.

Ўқисак пинж-пинжида
Кон топгандек жўшасан,
Жон топгандек ўсасан.
Китоб — кино, томоша.
Кинодан ҳам оша-тоша.

Аълоликни кўз-қоши,
Китоб — олам қуёши.
«Алифбемиз кўз очар,
Оламга меҳр сочар,
Оламга нур йўл очар.
Китоб — энг азиз одам,
Китоб — энг лазиз олам,

Китоб — ота-онамиз,
Китоб — Ленин бобомиз.
Китоб — Ватан, хонамиз,
Китоб — тану жонимиз.
Китоб — кўзу қошимиз,
Китоб — дўст-йўлдошимиз.

Китоб — еру осмондир,
Бутун ерга посбондир.
Одам, олам меҳри кон,
Ўлмас одам меҳри жон.
Китоб — дил, ойнажаҳон,
Олам, оила, жаҳон,
Коммунизм юраги.
Бутун олам тилаги.
Китоб таърифи битмас,
Таърифига сўз етмас.
Менинг билганим шудир,
Ўқувчим, ўзинг тўлдир!

1979

ЎҚИТУВЧИМ ОЛҚИШЛАЙМАН

Ўқитувчим олқишлайман,
Юрак шеърим бағишлайман.
Ўқитувчим, мактабжоним,
Менинг ою, офтобжоним.
Жонажоним ўқитувчим,
Меҳри жаҳоний кучим.
Сиз, азизим меҳрибон,
Қалбингиз олам жаҳон.
Сизга меҳрим тошади,
Дилда завқим ошади.
Сиз, она, бош илҳомчим,
Сиз, ота, бош илҳомчим.
Онага вафо қилмоқ,
Отага вафо қилмоқ,
Устозин ардоқламоқ,
Ҳурмат меҳрин оқламоқ
Фарзандлик, шогирд бурчим.
Жонажоним ўқитувчим,
Меҳри жаҳоний кучим,
Шеър-ла раҳмат айтайин,
Шу шеъримни атайин
Бағишладим сиз учун,
Олқишлаш олий бурчим.
Қалбимни дутор қилиб,
Сўздан ипак тор қилиб,
Шўх қўшиқ гулёр қилиб,
Меҳримни бисёр қилиб
Чертайин юрак созим,
Айтайин тилак розим,
Жарангласин овозим.
Ўқитувчим номингиз,
Шарафли унвонингиз
Куйлай, баланд ардоқлай,
Шогирдлик тузин оқлай.
Жонажоним ўқитувчим,
Меҳри жоҳоний кучим,
Коммунизм қурувчим,
Ер юзин, гуллатувчим.

1965

САВОЛ СИЗГА, БОЛАЛАР?

Салом сизга, болалар,
Савол сизга, болалар!
Айтингизчи, қани, сиз,
Не учун ўқиймиз биз?

Бир нафас жим қолишар,
Пухта ўйлаб олишар.
Сўзлаб беришар бир-бир,
Тилаклар кескин, ўткир:

Боғбон бўлармиш Салим,
Олим бўлармиш Олим.
Турсун — киномеханик,
Фельдшер бўлармиш Малик.

Ранг-баранг ширин тилак,
Ҳаммаси дўстлар, керак.
Лекин, яна бир гап бор,
Шуни унутманг зинҳор:

Сизу биз деб ҳаёт юкин
Кўтаришиб куну тун
Тинимсиз ҳаракатда,
Ўғил-қиз деб, албатта,

Заводларда ишчилар
Станогин учирар.
Колхозчилар далада,
Қанчалари дарада

Дарёларни бўғишар,
Иншоотлар қуришар.
Шахталарда шахтёрлар,
Саҳналарда актёрлар,

Чегарада мард посбон
Кўксини этар қалқон.
Қисқаси, чексиз Ватан —
Ҳамма бирдек жону тан

Ишлар ўғил-қизим деб,
Ишлар коммунизм деб.

Ишлар буюк Москва,
Ишлаган Ленин бобо.


Яшнар яна бахтимиз,
Ишлайди партиямиз.
Кремлда сўзлашиб,
Бахтимизни кўзлашиб,

Беш йиллик план тузиб,
Марра-маррадан ўзиб,
Хизмат қилар ким учун?
Биламиз сиз, биз учун.

Шундай экан уларнинг,
Ҳурмати улуғларнинг
Хизматин билмоқ керак,
Аъло ўқимоқ керак.

Бу фарзандлик бурчимиз,
Биз кичик Ленинчимиз.
Шунинг учун ўқиймиз,
Хизматларин оқлаймиз.

1954



СОЛИЖОННИНГ ДАРСХОНАСИ

Солижоннинг чиройли,
Шинам кутубхонаси.
Ўғлим аъло ўқир деб
Севиб ота-онаси —
Атайлаб ўзига хос
Тузаб берган бир уйча.
Уйчанинг битганига
Бу йил бўлди бир йилча.
Кун чиқарга қараган
Уйнинг эшик, ойнаси.
Эшикнинг тенасида
Ҳиллирар байроқчаси.
Уйга кириш олдида
Бордир жажжи йўлакча.
Солижоннинг ишлари
Пухта, тартиб бўлакча.
Эшикдан кирмай туриб,
Сиз оёқни артасиз,
Қўнғироқни босиб сўнг
Эшик бандин тортасиз.
Солижон бўлса дарров
Сизни кутиб олади.
Саломлашиб, кўришиб,
Сўзга қулоқ солади.
Соли вақти ўлчовлиқ,
Дўстим, тагин унутманг.
Безовта қилиб уни
Ортиқча гапга тутманг.
У вақтини фаслдек
Бўлиб қўйган режалаб.
У вақтини фаслдек



Бўшга бермас тежалаб.
Кўнглингизга келмасин
Эркатоё деб Солини.
Меҳнатда ҳам тиндирар
Онасининг жонини.
Ҳовлида ўтинларни
Қарсиллатиб ёради.
Деворни силлиқлай деб
Сувоққа лой қоради.
Вақтин тошиб Солининг
Ҳужрасига кирсангиз,
Саришта, қойиллигин
Ана унда кўрасиз.
Чўғдек гўзал дарсхона
Ер томса ялағудек.
Озода кутубхона
Мақтаса ярағудек.
Китобларнинг қирраси
Ойнасидан кўринар.
Жимжимадор жавони
Тўрт хонага бўлинар.
Бурчакда стол, стул —
Тўшалган қизил алвон,
Устида ручка, қалам,
Ёнида айиқполвон.
Босма, бўёқ, чизғичлар,
Тарвузсимон глобус.
Нам-кўсти йўқ қиттак,
Ишлари тўла-тўкис.
Столчасин устини
Солижон тоза қилиб,
Дарсини тайёрлайди,
Ўтириб, маза қилиб.
Ильич бобо чироғи
Нур сепеди уйига.
Стол, стул тенг келар
Солижоннинг бўйига.
«Табнат» китобини
Ўқир экан тошади.
Дарё, денгиз, тоғлардан,
Саёҳ каби ошади.
Фикри бориб киради
Тоғу ўрмон ичига.
Писта, бодом, ёнғоқзор
Етиб бўлмас бурчига.

Еввойи олма, жийда
Тўқайдек қалин ўсган
Чексиз ўрмон қомати
Уфқ йўлини тўсган.
Ҳавас-завқи қўзғалар
Юрагида қуюндек.
Табиатни севади
Меҳри жўшиб ўйиндек.
Берилиб китобига
Ошлари совуб қолар.
Ўқигиси келади,
Кўзлари чарчаб толар.
Сўнг туриб девордаги
Харитага кўз ташлар.
СССР чегарасин
Бирма-бир кўра бошлар.
Такрорлайди дарсларин,
Кўздан тугал ўтказар.
Тошга ўйган хат каби
Пухталаб дилга ёзар.
Солининг ҳужрасига
Ўртоқлари ишқибоз.
Дадагиз қилиб берар,
Солидек ўқинг-чи, соз.

1955

ЯША, ОМОН!

Ғалдирғоҗ қанотидек
Хатни қияди Омон.
Хат эмас, ўқишдан ҳам
Олмайди «икки», ёмон.

Баҳолари нуқул «беш»,
«Тўрт» олса кўнгли тўлмас.
Ўзи митти бўлса ҳам
Унча-мувчага кўнмас.

Қалам, ручка қўлига
Ярашади тутганда.
Хавасингиз келади,
Ўтириб хат битганда.

Чевар қизнинг гулидек
Қулиб турар хатлари.
Сумкасида сиёҳдон,
Озода дафтарлари.

Перолари хилма-хил
Қутичада батартиб.
Қўлида оқ дастрўмол,
Юрар юз-қўлин артиб.

Гард юқтирмас ўзига,
«Яша, Омон!» дер ҳамма.
Уни севади жондек
Холадан тортиб амма.

1950

КОМСОМОЛ

Йигитларнинг йигити,
Кўзида чақнар ўти,
Қизларнинг ҳам гул қизи,
Чехраси — тонг юлдузи.
Қани, ким бу, топ, Камол?!
Беш орденли комсомол!

Қандай олган беш орден?
Лениндек босган одим,
Душманининг берган додин,
Сақлаган фарзанд номин.
Қани, ким бу, топ, Жамол?!
Солдат акам-комсомол!

Қулочлаб болға урган,
Завод, станок қурган,
Қурилишда гишт терган,
Ватан бўйлаб иш берган,
Қани, ким бу, топ, Иқбол?!
Ишчи акам — комсомол!

Қўлида қора тупроқ
Бўлган ипак, олтин, ёғ,
Дарёга солган сиртмоқ,
Чўлни қилган бўстон-боғ,
Қани, ким бу, топ, Жалол?!
Деҳқон акам-комсомол!

Чит тўқир текстилда,
Рўмоли учар елда,
Донғи ёйилган элда,
Чевар қиз номи тилда,
Қани, ким бу, топ, Камол?!
Чевар опам — Ойжамол!

Ким кемирган фан тошин,
Ишлаган ер қуёшин,
Ғайрати чақмоқ-яшин,
Учирган ер йўлдошин,
Қани, ким бу, топ, Омон?!
Олим акам — комсомол!

«Ту» ҳайдаган осмонда,
Кўмир қазиган конда,
Сузар кенг океанда,
Пойга ўзар майдонда,
Қани, ким бу, топ, Қамол?!
Ботир акам — комсомол!

Доим биз билан бирга,
Мақтаб, сарой, лагерда.
Олиб борган тоғ, қирга,
Олиб кирган кон, ғорга,
Қани, ким бу, топ, Қамол?!
Вожатиймиз — комсомол!

1970

ВОЖАТИЙМИЗ — БИЛАҒОН

Биздек тақиб бўйинбоғ,
Кўнгли очиқ ва қувноқ,
Пахтамиздек кўнгли оқ,
Сўзлари ширин, юмшоқ,
Вожатиймиз — жонажон.
Доим бизни ўйлаган,
Бирга-бирга ўйнаган,
Командир, она боши,
Болаларнинг йўлдоши,
Деймиз уни: Акажон.
Ҳикоялар, эртақлар
Айтиб бизни эркалар,
— Дўст бўлинг, — деб, — укалар,
Линейкада эрталаб
Тушунтирар пухталаб.
Аълочи қилган бизни
Вожатиймиз — меҳрибон.
Лагерларга, боғларга,
Олиб борган тоғларга.
Сесканмай кирган ғорга,
Юзи ўхшар анорга.
Кўрқмас, ботир паҳлавон,
Вожатиймиз — қаҳрамон.
Ажойиб режа тузар,
Қани, ким-кимдан ўзар?
Ер йўлдош кўкда сузар,
Қани, пионерсизлар,
Сиз ҳам уни кузатинг,
Янги модель тузатинг!
Йўлдошдан балаид учинг,
Юлдуз, ойни тез қучинг!
Дер вожатий — билағон.
Ўтказар тез-тез сбор:
— Қизиқ бир машина бор,
Пахтани терар хўшлаб
Хурмонни тоғ-тоғ тўплаб.
«Атом» машина номи,
Машиналар полвони —
Деб бизни қизиқтирар,
Ҳавасимиз ортдирар
Вожатиймиз ҳар қачон.
Вожатиймиз — билағон.

ПИОНЕРЛАР САРОЙИ

Гулпанжара деворли,
Чиройли кўркам бино.
Бир тарафи дарахтзор,
Бир ёни катта кино.

Ҳар дарахти осмонга,
Баладд устун бўлгудек.
Дарвозаси ланг очиқ,
Болаларим, келинг деб.

Пионерлар саройин,
Ўртоқлар, биласизми?
Олиб борсам айланиб
Сизлар ҳам кўрасизми?

Улуғ Ленин бобомиз,
Биздан хабардор унда.
Пушкин ҳам шу саройда,
Олтин балиқ ҳам шунда.

Менделеев, Улуғбек,
Мичурин, Чайковский —
Ҳаммаки улуғлар бор.
Шоир Маяковский
Шеърин ўқир ҳаводор.

Ким нимани истаса,
Бу ерда ҳаммаси бор.
— Физика, химияни
Севаман, — дейди Ғаффор. —
Мен бўлсам нима дейсиз,
Эртанинг Мичурини.

Карим дер: — Ломоносов
Бўлолсам эди, қани.
Қўлингни бер, оғайни,
Шу ваъда, қатъий ваъда
Энди ўртоқ ўйинга
Кўп бўлмайлик алағда,
Қани, ким олдин бўлар?

Самад дейди: — Қаёқда!
Осонми олим бўлиш?
Бунинг учун тинмасдан
Кўп йил керак ўқиш, иш.

Холиқ чираниб дейди:
— Осонига кираман,
Уч ой пухталаб ўқиб,
Монтёр, радист бўламан.

Солижон дейди: — Тўхта,
Монтёр, радистинг нима?
Уни ҳамма билади,
Савамай саккиз дема!

— Ҳамма билмас, — дер Гаффор, —
Монтёр, радист зўр ҳунар.
Унга ҳам илм даркор,
Меҳнатсиз қай иш унар?

Қани, юринглар, кетдик,
Боришиб билайлик-чи?
Қай хилда ҳунарлар бор,
Кўз билан кўрайлик-чи!

Гулшанжара деворли,
Чиройли кўркем бино.
Бир тарафи дарахтзор,
Бир ёни катта кино.

Этганидан зиёда,
Ҳунарлар тайёр экан.
Устозидан ҳам ўзар,
Шогирдлари бор экан.

Апа, ёш Чайковский,
Роялда ўйнар майин.
Таъсирланиб чайқалар,
Ҳовлида ўсган қайин.

Тоғ каби салмоқдор уй,
Ичи лиқ тўла китоб,
Ўқишар залида жим,
Китобхонлар беҳисоб.

Лўппидан келган дўндиқ —
Бир қизча расм солар.
Болалар ишин кўриб
Оғзинг очилиб қолар.

Нариги катта залда
Раққослар ўйин тушар.
Баҳорда капалаклар
Гуллар оралаб учар.

Мичурин бурчагида,
Қишда ҳам яшнар баҳор.
Унинг ёш боғбонлари —
Қодиржон, Раҳим, Қаҳҳор.

Бу сароймас бир олам,
Бунда яшнар, фан, санъат.
Визга бахт, илм берган
Партияга минг раҳмат!

Қай ҳунарни танлашга,
Болалар қотди боши.
Ҳаммасини ўргансак,
Қайнар фикр талаши.

Қуёш ҳам ботиб кетди,
Йигитчалар билмайди.
Айланиб қайта-қайта,
Кетгилари келмайди.

1955

ПИОНЕР, ЕТТИ МАРШИНГ — ҲАР ИШДА КЎЗУ ҚОШИНГ

Эй, менинг пионерим,
Кўз нурим, жони-дилим!
Ленинчи етти аҳдинг,
Етуклик аттестатинг.
Еттовин хўп билиб ол.
Жон қулоққа илиб ол!
Меҳр билан билим ол,
Дадил босиб, олға бор.
Тинмасдан ўқи-ўрган,
Дунёда сен билмаган
Илму ҳунар қолмасин,
Ақлинг нурдек порласин!
Хоҳ олим бўл, хоҳ ишчи,
Халқингга бўл хизматчи.
Шу билим мамлакатинг,
Ҳаётинг, иқбол — бахтинг.
Билим топини ўзи бўлмас,
Ҳеч бир иш кўзсиз унмас,
Ҳеч бир иш дўстсиз бўлмас.
Одамнинг жон йўлдоши,
Ҳамиша кўзи-қоши,
Шон-шараф — шуҳрат боши,
Одамий азизлиги,
Оламий лазизлиги,
Пешона меҳнат теринг.
Халқинг, Ватанинг, элинг.
Бирлик, дўстлик — ҳаётинг,
Толмас пўлат қанотинг.
СССР — кенг Ватанинг,
Оламга тенг Ватанинг.
Пионер, Ватан қурар,
Халқига жон-тан турар.
Ҳар ишни дўндирувчи,
Доим олға юрувчи,
Доим тайёр турувчи.
Шаҳарда қурилишда,
Далада ер экишда,
Яйловда мол боқишда,
Ҳар ерда, ҳамма ишда,
Пионер, кўзи қошсан,
Халқ ишига йўлдошсан.
Пахтазорда теримчи,

Бузоқбоқар, фермачи,
Дастёрижон пионер,
Дўстёрижон пионер.
Қўндир еринг устига,
Хусн қўшиб ҳуснига,
Ойга ўхшаган бино,
Ёйга ўхшаган бино.
Цирку театр, кино,
Мактаб, сарой, универмаг,
Пионер уйи керак.
Сенинг пионер ишинг —
Ер юзини беэашиг.
Пионер Ватан қурар,
Халқига жон-тан бўлар.
Бунга керак бирдамлик,
Бирлик, тинчлик, бардамлик,
Дўст-дўстига ҳамдамлик
Ва ҳақиқий одамлик.
Эй, ленинчи пионер,
Паҳлавон, чемпион эр,
Зангор осмон, уй — томинг,
Она ер, ҳовли жойинг,
Бутун олам-оиланг,
Дўстлик — кўзгу ва онанг.
Гуллатавер ер юзин,
Яшнатавер ёз, кузин.
Пионерим, юлдузим,
Менинг порлоқ кундузим.
Сен — Ватанга посбон,
Кўкрагинг тоғдек қалқон.
Чапаевдек паҳлавон,
Жажжи солдат, қаҳрамон,
Уфқ янглиқ қулоч ёз,
Қулоқ ёзмоқ қандай соз!
Пионер тарихинг бор,
Ажойиб таърифинг бор.
Байраминг яқинлашар,
Ҳар фарзанд ақллашар:
Қандай совға қиламиз?
Буни яхши биламиз —
Яратамиз йилнома,
Зўр эсдалик — нурнома.
Байроғинг кўкка кўтар,
Кенг олам сени кутар!
Олдингда кўн ишлар бор,
Бахт қушидир сенга ёр.

Партия отахонинг,
Комсомол акажонинг,
Бор севикли юлдузчанг,
Бор кўзлари қундузчанг.
Ўринбосар — октябрят
Ҳар ишда сенга мадад.
Укангни сев, иш ўргат,
Билим, қизиқиш, ўргат.
Қил ўзингдек сергайрат,
Ишбилармон азамат.
Шудир юлдузча йўлинг,
Минг-минг кундузча йўлинг.
Ушбу етти қонданг
Ватан, халқингга фойданг.

1970

МЕН — БАХТИЁР ПИОНЕР

Ватаним — онам менинг,
Партиям — отам менинг,
Комсомол — акам менинг,
Мен — бахтиёр пионер!
Ватаним кенг — СССР:
Ўғлоним, ўс, яйра! — дер
Мен — жаҳонда ўктам эр,
Мен — бахтиёр пионер!
Дадам зўр жангда бўлган,
Ўрмон, тўқайда юрган,
Фашистларни ўлдирган,
Мен — бахтиёр пионер!
Катта акам — инженер
Оқизиб марварид тер,
Тоғма-тоғ юради шер,
Мен — бахтиёр пионер!
Онам ҳам ўқитувчи,
Бир ҳунари тўқувчи,
Мен-чи аъло ўқувчи,
Мен — бахтиёр пионер!
Халқники ер, сув, осмон,
Бойлик, қон, боғи-бўстон,
Илмини билсам обдон,
Мен — бахтиёр пионер!

1953

ПИОНЕРИМ, ҚҰЛИ ГУЛИМ

Пионерим — кўзим, нурым,
Ўғил-қизим, мангу умрим.
Жаҳонда бахтиёрим,
Дил устиним, дастёрим!
Муборак бола йилинг,
Навбахор бола йилинг,
Олабий аъло йилинг,
Одабий доно йилинг.
Солдатдек боғлаб белинг,
Чашмадек қайнар дилинг,
Хизматда доим тайёр,
Жаҳонда энг бахтиёр
Комсомолнинг укаси,
Коммунизм эгаси,
Ҳар одиминг нурдай тез,
Марра-маррадан тез ўз!
Пионерим яшнаб ўс,
Ватанимга қоши-кўз.
Яшнатавер кун кўзин,
Ясатавер ер юзин.
Пионерим — кўзим, нурым,
Ўғил-қизим, мангу умрим.
Жаҳонда бахтиёрим,
Посбоним, дастёрим,
Муборак бола йилинг,
Навбахор бола йилинг,
Олабий аъло йилинг,
Одабий доно йилинг,
Лениндек севиб элинг,
Солдатдек боғлаб белинг!
Чашмадек қайнар дилинг,
Гуллаатгин Совет еринг,
Қувнатиб совет элинг.
Доим олға босавер,
Ватанинг ясатавер,
Горни янгратавер.

1979

КИЧКИНТОЙ ЛЕНИНЧИЛАР

Севикли ленинчилар,
Аълочи ўқувчилар,
Чақмоқни тутувчилар,
Пойгада ўзувчилар,
Байрамингиз муборак,
Байрогингиз муборак!

Ленин каби ўқингиз,
Илм-фан қанотингиз,
Октябрят отингиз,
Горни янгротингиз,
Севикли ленинчилар,
Аълочи ўқувчилар!

Сиз кўзимиз нурисиз,
Ватан ўғил-қизисиз,
Гўзал ер юлдузисиз,
Ленин бобом кўзисиз,
Севикли ленинчилар,
Аълочи ўқувчилар!

Эртага сиз пионер,
Индинга-чи комсомол,
Бўласиз тез баркамол,
Совет халқим бахтига
Ҳар ишда бўлиб илғор,
Комсомол ишчи, донгдор.

Бирингиз ўткир мастер,
Бирингиз-чи министр,
Ўқитувчи ҳам олим,
Ишчи, агроном — барин
Эгаллайсиз, албатта,
Мақсадимиз энг катта.
Қурамыз коммунизм,
Гуллатамыз ер — юзин,
Севикли ленинчилар,
Аълочи ўқувчилар!

1954

СУЛМАС ГУЛДАСТА

«Ленин учқуни» қўлларда,
Уқиб қувнар болалар:
Депутат бўлибдилар
Ўқитувчи опамлар.

Нима совға қиламиз?
Маслаҳат қилишдилар.
Бутун синф қизиқиб,
Бу ишга киришдилар.

Тўлқинжон дер: — Албатта,
Тутамиз гудасталар.
Истаймиз опам биздан
Доим хурсанд бўлсалар.

Иброҳимжон сўз олар:
— Гулдаста сўлиб қолар,
Асл нарса қилайлик,
Опамиз кўнглин олар.

Ўқувчилар ҳиммати
Бир-биридан ўтар.
Агар бўлса иложи.
Қуёшни тақдим этар.

Ниҳоят дўстлар фикри
Келиб тинди бир ерга.
Хўп ўйлашиб ўртоқлар
Навбат етди Зойирга:

— Ўқитувчи кўнглини
Олтин-ла топиб бўлмас.
Бир гулдаста ясаймиз,
Дунёда сўлмас — ўлмас.

Шунинг учун ҳаммамиз
Бирдай аъло ўқиймиз.
Нуқул «беш», «тўрт» баҳодан
Бир гулдаста тўқиймиз.

Ана шу гулдастани
Тақдим этсак, опамиз
Кўнгилларин албатта
Биз янглишмай топамиз.

ПИОНЕРЛАР КЎЧАСИ

Бизнинг кўчамиз номи
«Пионерлар кўчаси»,
Обод кундуз, кечаси.
Кўчамиз икки ёни
Қатор мевали дарахт.
Осмони хуш ҳаволи,
Яшнаб турар ҳаммавақт.
Кўчадаги гулларни
Пионерлар экишган.
Ариқ очиб, сув қуйиб,
Ниҳолидан кутишган.
Дарахт, гуллар боғбони,
Агрономи — пионер.
Бу кўчанинг қоровул,
Посибони — пионер.
Кўчанинг биқинига
Кутубхона қуришган.
Данғиллама бинони
Гулдек безаб қўйишган.
Ўқишдан сўнг келишар,
Артист ҳам ўзларидан.
Театрнинг саҳнаси
Жаранглар сўзларидан.
Кўчамиз аҳолиси
Пионердан миннатдор.
Ҳар юмушда пионер
Доим тайёр, фидокор.

1962

*Онг кўзимиз очамиз,
Тонг кўзимиз очамиз.
Боқамиз кенг оламга,
Барчага тенг оламга.*



**ЭРКИНЖОННИНГ
УЙЛАРИ**

МЕҲРИМ СОВҒА ЭТАМАН

Эркинжоннинг шодлиги
Сигмайди тан-жонига.
Тан-жони тугул ҳатто
Сигмас еру осмонга.
Кўзларидан нур чақнар,
Қувончи чақмоқ чақар.
Кўрсалар ҳам юз ўн ёш,
Ленин бобом ҳамон ёш!
Ҳамма байрамлар боши,
Эркин олам кўз-қоши,
Эркин одам йўл боши
Ушбу айёмга атаб,
Улуғ байрамга атаб,
Ленин бобомга атаб
Ўз юрак, ўз онгимдан,
Ўқиш — «беш» баҳоимдан
Ерда ясайман офтоб,
Офтобга кўмакдош боб.
Мен ҳам жажжи тўй боши,
Ленин бобом кўз-қоши.
Бу ҳозир ният — совғам,
Фарзандлик, ҳиммат совғам.
Ҳамир учидан патир,
Меҳрим оламга татир.
Эркинжон ҳамон ўйлар,
Фикри оламни бўйлар.
Кўзлайди улкан совға,
Излайди кўркам совға.
Бобомиз тўй кўнига
Чексиз орзу кўнглида,
Бор меҳрин бағишлайди,
Ватанни олқишлайди.

1980

МОСКВАГА БОРАМАН

(Эркинжоннинг орзуси)

Москвани севаман,
Севаман гўзал боғдай.
Кремль бинолари
Ярқирар мармар тоғдай.
Байроғининг шуъласи
Сочилар кенг оламга,
Сочилар тенг оламга.
Катта салом хат ёздим
Доҳий Ленин бобомга.
Москвага бораман
Ўқишимни битириб.
Бобомларни кўраман
Кремлга ҳам кириб.
Москвани биламан,
Ўргандим беш бармоқдай.
Кремль бинолари
Ярқирар олам тоғдай.

1979

ЭРКИН, ТҮЛҚИН КАСБ ТАҢЛАР

Эркин, Түлқин касб, таңлар,
Касблар маъносин англа.
Түлқинжон дер: — Касб маза,
Касб билан билим соз-а?

Илм, билим ҳунар демак,
Ҳунардан унар демак,
Бахт иқболнинг қулар демак,
Ҳамма ишинг бўлар демак.

Ана касблар маъноси,
Касбдир меҳнат аълоси,
Эркин дер: — Касб неча хил?
Түлқин дейди: — Анча, бил!

Ўзим айтсам бир талай,
Билганим айта қолай.
Биринчиси: ақл, меҳнат,
Ақл, меҳнат — асл ҳикмат,
Одамга иззат, ҳурмат,

Фикр, зеҳнингни ишлат,
Офтоб, ой, юлдуз яшнат,
Иккинчиси: жисмоний,
Қўл оёғинг жавлони,
Бор вужудинг ишлатиш,
Ўткир этиб пешлатиш.

Яна касблар бош мағзи:
Бошу қулоқ, кўз, оғзи.
Ишчилик, деҳқончилик,
Ҳунароманд, меъморчилик,
Шофёрчилик, бинокор,

Чўпончилик, чорвадор,
Пиллакашу пахтакор,
Тиллакашу шахтакор,
Бастакору санъаткор,
Космонавту фазокор.
Айта берсам тугамас,
Бир-биридан забардаст.
Ҳаммасин она боши,

Ҳаммасин ота боши,
Иш бошиси, кўз-қоши
Ишчи-деҳқон бўлади,
Айтсам оғзим тўлади.

Қасбини бўлмас оласи,
Ёки оқу қораси,
Ёки яхши ёмони,
Ўйласам ҳар томонин
Бўлмас катта-кичиги,
Ҳатто аччиқ-чучуги.

Қасб борки, бари керак,
Бири-бирига тиргак.
Оламдек пайванди жон,
Одамдек монанди жон,
Мисоли еру осмон
Бири-бирига посбон.

Бир-бирига дўсти жон,
Бир-бирига меҳрибон.
Қуёш, ою, юлдузлар,
Қуну туну, кундузлар
Бир-биридан ажрамас
Хизматда тенг, забардаст.

Бирлашиб меҳнат қилар,
Бир-бирин ҳурмат қилар.
Доим ишлашар толмай,
Бир-биридан ортда қолмай.
Офтоб, ой нур берур,
Еру замин гул берур.

Ҳаво учқур парвона,
Сув тўлқинлар равона.
Бирлашиб олам бўлган,
Ишлашиб олам тўлган.
Меҳнат — бунёдкор, улуг,
Меҳнат — ижодкор тўлиқ.

Меҳнатсиз ҳеч нарса йўқ,
Меҳнат билан борлиқ тўқ.
Шунинг учун меҳнатни,
Қасб, ҳунар, ҳикматни
Баб-баравар кўрамиз,
Ҳаммасин ўрганамиз.

Халқ мақоли бор азиз,
Маъноси олам лазиз:
Одамга қирқ ҳунар оз.
Ер, осмонда қил парвоз.
Тинмасдан ўқи, ўрган,
Дунёда сен билмаган
Илму ҳунар қолмасин,
Ақлинг кундек порласин.

Хоҳ уста бўл, хоҳ ишчи,
Халқингга бўл хизматчи.
Бор бўлсин меҳнат, ҳурмат,
Меҳнат, ҳурмат, куч-қудрат.
Эркин, Тўлқин касб тавлар,
Касблар маъносин англар,
Касбнинг аълосин англар.

1979

ОНГ КҰЗИМИЗ ОЧАМИЗ

Онғ кұзимиз очамиз,
Тонғ кұзимиз очамиз,
Боқамиз кенг оламға,
Барчаға тенг оламға,
Еқиб җамма одамға,
Одим ташлаб олдинға.
Едда бобомиз сўзи,
Ұқиш-ишимиз кўзи,
Турмушимиз юлдузи,
Ғаётимиз илдизи —
Ұқиймиз Ленин илмин,
Ұқиймиз элнинг илмин.
Бошимиз ер — шарсимон,
Ғар мўй толаси посбон.
Ойсимон пешонамиз,
Яшнар бахт нишонамиз.
Бошға мададкор кўз-қош,
Ишидир доим порлаш.
Бош-кўзға җамдам қулоқ
Елғиз эмас қўшалоқ.
Оламни тинглап уйғоқ,
Қулоққа сўзни қуймоқ.
Оғиз, тил, лабимиз пок,
Сўзимиз гавҗар, идрок.
Қўлимизда беш бармоқ,
Беш қитъани бошқармоқ,
Оёғимиз қўш устун,
Кўтарар олам юкин.
Одам бино, олам бино —
Бизда жо олам, дунё.
Бу ҳали сирт аъзомиз,
Кўринмас ич — аъломиз.
Бунга ички кўз керак,
Ұткир кучли кўз тийрак.
Шундай кўзни очамиз,
Кундай кўзни очамиз.
Очамиз онғ кўзимиз,
Очамиз тонғ кўзимиз,
Ұқиймиз Ленин илмин,
Ұқиймиз элнинг илмин.
Бўламиз фан деҳқони,
Мақтабимиз илм кони.
Биз ўқувчи кончимиз,

Хизматдадир бурчимиз.
Ўқитувчимиз саркор,
Йўл бошлайвер, фидокор,
Фан гавҳарин терамиз,
Ваган, халққа берамиз.
Ардоқлаймиз элимиз,
Гуллагамиз еримиз.
Ўқиймиз Ленин илмин,
Ўқиймиз элнинг илмин.

1980



МЕҲНАТНИ АРДОҚЛАЙМИЗ

Меҳнатни ардоқлаймиз,
Меҳнат тузин оқлаймиз.
Кеча дам олиш куни,
Кинодан қайтар они
Маҳалла кўчасида,
Кўчанинг чеккасида
Муродхону Меҳромжон,
Эркинжону Илҳомжон
Савол-жавоб ўйнашди,
Бир саволни ўйлашди,
Кўйди-пишди сўзлашди.
Деди қувнаб Илҳомжон:
— Меҳнат бизга жонажон.
Қизиқ, меҳнат бир хилмас,
Уни ҳамма тенг севмас.
Катта-кичик дейишар,
Аччиқ-чучук дейишар,
Меҳнатнинг кўзи бормиш,
Меҳнатнинг ўзи бормиш.
Қани кўзини кўрсак,
Яшноқ юзини кўрсак.
Мен ҳам қўшилдим гапга,
Қизиқ-қизиқ суҳбатга.
Болалардан сўз олдим,
Жуда ўткир кўз олдим.
Ўша сўзу ўша кўз
Ўша ҳамма қўша кўз
Нури билан айтай ман:
Ўзим савол бераман,
Ўзим жавоб бераман.
Не сабаб меҳнат буюк,
Не сабаб меҳнат суюк?
Меҳнат кичиги нима?



Аччиқ-чучуги нима?
Меҳнат сўзи нимадур,
Меҳнат ўзи нимадур?
Меҳнат кўзи нимадур?
Меҳнатнинг «меҳ»и меҳр,
«Нат»и эса ёрқин нур.
Меҳр демак меҳрибон,
Меҳрламак меҳринг кон,
Бир-биринг яхши кўрмоқ,
Одамнинг нақши бўлмоқ,
Ҳаммадан олқини олмоқ.
Офтоб, нур сочмоқ бобдур,
Ҳаётга йўл очмоқдир,
Ким билар яна тагин
Бу буюк меҳнат тогин
Ичида қанча ҳикмат,
Пинжида қанча зийнат?
Бу ҳали меҳнат сўзи,
Бир сўзнинг ғунча кўзи,
Меҳнатнинг асил ўзи,
Буёқда тахт турибди,
Насиямас, нақд турибди.
Тагида аҳд турибди,
Тагида бахт турибди.
Лекин ўзин кўрсатмас,
Кўрсатмоқни истамас.
Меҳнатман деб мақтанмас,
Мақтов, роҳат ахтармас.
Фақат кўрсатар ишин,
Ўзин тутар яширин,
Беркинмачоқ ўйнарни,
Эгилмачоқ ўйнарни?
Ўйнарни топишмачоқ,
Меҳнат — кон очишмачоқ?
Еки бизни синарми,
Эркаланиб севарми?
Кўрсатар иш мевасин,
Қувнатар иш эгасин,
Урнатар иш сарасин.
Меҳнатжон олам кутар,
Меҳнатжон одам кутар,
Иши оламни тутар.
Кўкка қуёш қучдирган,
Қуёшдан нур сочдирган.
Туйга берган ой, юлдуз,
Кечани этган қундуз,

Қора тунни қочирган,
Гўзал тонгни оттирган,
Ердан чамаи очдирган,
Оқтирган сув, дарёни,
Елдирган жон ҳавони,
Яшнатган набототни,
Яшнатган ҳайвонотни,
Табиат бунёд этган,
Тарбият ижод этган,
Борлиқни ишга солган,
Турмушни изга солган,
Одамни қўлга олган,
Ўқишимиз, ишимиз,
Ҳамма бор турмушимиз,
Уйимиз, мактабимиз,
Дафтару китобимиз,
Илмимиз, одобимиз,
Ақлимиз-офтобимиз
Меҳнатжоним меваси,
Меҳнаткон кўзгинаси.
Биз бўламиз эгаси,
Оламнинг энг сараси.
Меҳнатжонни севаман,
Роҳатжонни севаман.
Қани, ўзин кўрсайдим,
Жамолига тўйсайдим
Десам; Дерлар дадам:
— Ниятинга ет, болам,
Доним меҳнат эт, болам.
Лекин меҳнат осонмас,
Узоқлиги осмонмас.
Кўрмоқ учун бир ҳавас
Қилмоғинг ўзи етмас.
Ишчидек бўл забардаст,
Деҳқондай ҳормас-толмас,
Олимдай илми олмос.
Ғайрат билан қил парвоз,
Уфқдай қулочинг ёз,
Меҳнатдек ўзиб яша,
Коммунизм тузиб яша.
Шунда сени меҳнатжон,
Севиб эриб меҳрижон,
Кўрсатар қад жамолин,
Ўзида бор камолин,
Ҳамма сир синоатин
Олдинга ёзиб ташлар,

Узи нақ ёздек яшнар.
Шундан буён мен тинмай,
Унча-бунчага кўнмай,
Меҳнат қиламан кундай.
Пешона тер тўкаман,
Меҳнатжонни кутаман.
Излайману ишлайман,
Меҳнат қилиб ўйлайман.
Ниҳоят тутиб олдим,
Шеър ёзиб кутиб олдим.
Меҳнатжоним кун яшноқ,
Чеҳраси тонгдек порлоқ,
Кўнгли пок, пахтадек оқ,
Худди ўзимдек қувноқ.
Табиати чамабоб,
Қадди нақд Ҳимолай тоғ.
Эмас у аччиқ-чучук,
Эмас ҳам катта-кичик,
Бир бутун олам буюк,
Оламда азиз суюк.
Ерда меҳнат қуёшим,
Меҳнатжоним кўз қошим,
Жон ҳаётим, йўлдошим,
Осмонга етди бошим,
Чор уфққа қулочим.
Ушбу шеърим — меҳнатжон,
Қалб қўшигим — зийнатжон.
Меҳнатжоним меваси
Меҳнатжон ўзгинаси —
Қуддус шоир эгаси.

1971

ЭРКИНЖОННИНГ ҰЙЛАРИ

*Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил.
(Ўзбек халқ мақоли)*

Эркин ўйлар мақолни,
Ундаги маъно, болни.
Ўзга деган ким экан,
Ўзинг деган ким экан?
Деб Эркин ўзи билан
Ўзи гаплашар экан,
Еш кўнгил ақли билан
Тинмай талашар экан.
Ниҳоят ақли енгиб,
Кўнгилвой бўйнин эгиб,
Ақлга қулоқ солминш,
Эр, шерни билиб олминш:
Ўзга деган кўп одам,
Ақли улуғ тўп одам..
Мен агар эр бўлсам ҳам,
Эр тугул, шер бўлсам ҳам,
Аслида биттаман-да.
Хушёр бўлиб ҳар дамда
Дўстларга берай баҳо,
Қилмасдан тумшук, ҳаво.
Гар ўзимни эр билсам,
Ўзгани шер биламан.
Боболар мақолини,
Ақл, турмуш болини
Жон қулоққа иламан,
Унга амал қиламан.

1970

МЕН ЧАЙИР ТҮНКАНИ ҚАНДАЙ ЁРГАНМАН?

Кўндан қаровсиз ётган
Ҳайбатли чайир тўнка.
Дадамнинг ҳам кучлари
Етмаган экан ушга.
Ётарди хира қилиб
Ҳовлимиз бир бурчини.
Мард бўлсанг мени ёр-чи,
Қани, кўрай кучингни? —
Деган каби гердайиб,
Ёнғоқ тўнкаси чатоқ.
Турарди боққанимда
Рўпарамда мисли тоғ.
— Тўхта! — дедим, — сенга мен
Бошлаб кўрсатай кучим.
Тош бўлсанг ҳам ёраман,
Чинор бўл ёки гужум.
Ўша куннинг ўзидан
Бел боғлаб ишга тушдим.
Болтамни ўткир қилиб,
Тўнка билан суришдим.
У осон ёрилмади,
Мен ҳам қўймадим сира.
Тўнканинг биқинига
Ҳар куни ура-ура
Бир куни пақ этказиб
Ажратдим-ку иккига.
Тўнка ҳам бўлди қойил
Акангнинг меҳнатига.
Сўнгра уни бўлаклаб,
Ёриб бердим ойимга.
Бўш турмасин деб бир туп
Олма экдим жойинга.
Қиссадан ҳисса мана:
Ҳар ишда керак бардош.
Меҳнат, чидам бирикса
Олдида мум бўлур тош.

1951

ҚОН БОСИМИ

Эркин куяр аясига,
Жон-дили ачинади.
Қон босим дардин ўйлаб,
Фикри кенг очилади.
Одам тана аъзосин
Ичида-ку қон, ахир.
Уни нима босаркин,
Қонда тош борми оғир?
Тандаги ҳамма аъзо
Бир-бирин қўллаб турса;
Қошу кўзу кширикдек
Юмушни йўллаб турса;
Томирларда ўйноқлаб
Қон югурса — ариқча.
Жон ахир босилмас-ку,
Оғири йўқ тариқча.
Ёки бирон аъзомиз
Ишламасдан қоларми?
Уша аъзо ишини
Қон кифтига оларми?
Бўлмаса нима босар,
Буни билмоғим керак.
Меҳрибон аямларга
Ёрдам бермоғим керак.
Ҳа, ростдан ҳам мактабда
Одамни ўқидик-ку,
Тан-жонимиз юргизган
Қон ярми сув экан-ку.
Аямлар терлаб, тепчиб
Ҳаракат қилмайдилар.
Ишлари идорада
Стулдан жилмайдилар.
Томирдаги тер сувлар
Ташқарига чиқмаса,
Қон билан аралашиб,
Томирларга сиғмаса,
Қонлари юрмай равон
Йўлга сиғмай қолмасми?
Эҳтимол худди шундан
Аямлар қон босими?!
Ёки анов «икки»мга
Қуйганлари учунми?
Бобожоним урушда

Ўлганлари учунми?
Буни билишим керак,
Доктор бўлишим керак!
Аям тугул ҳаммани
Соғлом қилишим керак,
Дер Эркин аясига
Ачиниб жони-дилдан.
Ўзига-ўзи сўзлаб
Сочилар нур меҳридан.

1977

ОДАМ ЎЗ АЙБИНИ КЎРСА

Одам ўз айбин кўрса,
Юраги ёрилармиш.
Жуда ҳам даҳшатли гап,
Нега бундай бўлармиш?
Ҳайрон бўлар Эркинжон,
Ўзи ўйлаб топмади,
Ойсидан сўради.
— Болажоним, ким айтди,
Йўқ, юраги ёрилмас,
Ўз айбин билса киши.
Балки тезда тузалар,
Ўнг келиб ҳамма иши.
Тўғри, ўз айбини ҳеч
Ўзи кўрмаган одам,
Ёрилиш тугул, ҳатто
Баттароқ бўлади ҳам.
Лекин одамнинг айби
Ўз кўзига кўринмас,
Уни кўрар ўртоқлар,
Ўз қилиғи билинмас.
Шунинг учун ҳаммавақт
Ўз-ўзингни билиб юр.
Ўз кўзинг билан ўзинг
Ич — тишингни кўриб тур.

1972



Қуддус Муҳаммадий республика мактабларининг
донмий меҳмони.

ДҮСТ-ДҮСТГА ОЙНА ЭКАН

Эркинжон деган ўғил
Мақоллар мағзин нуқул
Чаққани чаққан экан,
Чақишга чаққон экан,
Мақоллар ёққан экан,
Қани, ўйлай не экан:
Дўст-дўстга ойна деган?
Маъносин агар уқсанг.
Бир-бирингга кўз демак,
Бир-бирингга юз демак,
Бир-бирингга дўст демак,
Дўст бўлишиб ўс демак,
Агар одам бир-бирин
Билиб одамий қадрин,
Қуллаб қувватлашмаса,

Бир-бирин англашмаса,
Бир-бирга қарашмаса,
Ёлғиз одам қаққайиб,
Боши қотиб анқайиб,
Ҳеч ишни уддалолмас,
Мақсадига етолмас.
Дўст — ойна шарофати,
Қўш қўл бўлди қаноти.
Ойга ҳам олиб борди,
Космос оламин олди.
Ер, заминни қамради,
Олам илмин жамлади.
Олам оила бўлди,
Кўркам бир ойна бўлди.


1970

БАХТ НИМАЮ, БАХТСИЗЛИК НИМА?

Эркинжон яна тагин,
Ўйлашни маза ёгин,
Гаштини билиб олди,
Зеҳнини ишга солди.
Бахт нима-ю, бахтсизлик,
Аҳд нима-ю, аҳдсизлик,
Бир хил одам бахтиёр,
Бир хил одам бахтсиз, зор,
Дейишади бир хиллар,
Сабабини ким билар?
Сабабин билай ўзим,
Чорасин қилай ўзим.
Ҳеч ким бахтсиз бўлмасин,
Бахти офтобдай кулсин,
Доимо бахтли бўлсин,
Бахти оламдай тўлсин.
Билдим бахтли, бахтсизлик,
Ёки аҳдли, аҳдсизлик,
Бари одам ўзидан,
Ўз феъли, ўз изидан,
Ўзининг қилмишидан,
Ўнгу чап юришидан,
Ақл, жаҳл ҳушидан,
Ҳаётий турмушидан.
Одамзод танасида,
Бор вужуд хонасида
Ақл-жаҳл ҳукмрон,
Ажралмас икков бир он.
Бир-бирининг қасдида,
Гоҳ баланд, гоҳ пастида
Тортишгани тортишган,
Олишгани олишган,
Келишолмай қолишган.
Бу ҳақда халқ мақоли,
Мақол мазмуни боли:
«Ақли кўпнинг жаҳли йўқ,
Жаҳли кўпнинг ақли йўқ».
Бошда ақл чироғи,
Ақл — турмуш яроғи.
Бутун танни ёритар,
Кенг оламни танитар,
Тенг оламни танитар.

Ақлинг порласа кундек,
Меваси чаман гулдек,
Рапго-рапг янгиликлар,
Пайдо минг бир кўриклар.
Одамлик салобатинг,
Одамлик саодатинг,
Олабий аломатинг —
Ҳаммаси ақлдандир.
Ақл, меҳнат, дилдандир.
Агар жаҳлинг авж олса,
Ақлингга човут солса,
Енголмаса ақлинг гар,
Ҳаётинг этар афгор.
Қалбингга зулмат чўкар,
Кўксингни чок-чок сўкар.
Қанотинг қайрилар бот,
Ҳаётинг этар барбод.
Етолмайсан муродга,
Қолиб кулфат, ғурбатга
Бахтсиз бўлиб қоласан,
Аҳдсиз бўлиб толасан.
Ақлингни кучайтиргин,
Жаҳлингни пучайтиргин.
Ақли кўпнинг жаҳли йўқ,
Жаҳли кўпнинг ақли йўқ.

1980



НЕГА ЕР, НЕГА ОСМОН?

Нега ер, нега осмон
Бир-бирига дўсти-жон,
Бир-бирига посибон,
Бир-бирига меҳрибон,
Бир-бирига меҳри кон?

Шу сабаб еру осмон
Меҳрлари кенг жаҳон,
Меҳрлари тенг жаҳон.
Нега ер пастда турар?

Осмонни асраб турар,
Қучоқлаб сақлаб турар,
Ерлигин оқлаб турар,
Элигин ёқлаб турар.

Осмонга гулдаста бўлар,
Шу сабаб пастда турар.
Осмон не учун баланд?
Нур сочишдан осмон банд,
Хур иш билан осмон банд.

Ер жонини севгандан,
Ер конини севгандан,
Ерга нурий бергандан,
Ерга бўйини эккандан
Осмон баланд турар.

Замин бору осмон бор,
Осмон бору замин бор.
Икковлон фармонбардор,

Бўлишганлар барқарор.

Ачоқ-чапоқ бўлишган,
Чархалакдек тўлишган,
Улкан қўрғон бўлишган,
Кўркам қўрғон тузишган.
Одам, олам бўлишган,
Сизу бизни кўришган.

Шул сабаб еру осмон
Бутун оламга қўрғон.
Шу сабаб еру осмон
Бир-бирига дўсту ягон,
Бир-бирига посибон.

1979

ОТАМНИНГ СЎЗИ

Отанинг сўзи — Ватаннинг сўзи,
Турмушим ўзи, билсам иш кўзи,
Дердилар: — болажоним,
Тоблаб юр доим жонинг!
Қийналсанг, қийналмайсан,
Қийинни енга олсанг,
Ўзини ўзинг қўлга олсанг,
Каттакон йўлга солсанг.

Болам ҳаёт жуда қизиқ
Қизиқдан ҳам ўта ўзиқ.
Иссиқ-совуқ, ҳўлу қуруқ —
Тўрт ёқлама чексиз улуғ,
Зўр ёқлама ҳадсиз бўлуқ.
Еру осмондек жумбоқ,
Пасту баланд, қаттиқ-юмшоқ.
Ҳаммасига чидаб юрсанг,

Сиртидамас, ичлаб юрсанг.
Жумбоқ борки ечиб юрсанг,
Тош келганда кемирсанг,
Қоқ ўрталаб кечиб юрсанг,
Тоғ келганда емирсанг,
Пўлатдек тобланасан,
Ҳаётда бопланасан,
Талаб, орзунг топасан.

Бунинг учун, албатта
Ҳар кун ўзинг бир марта
Шепонангдан, елкангдан —
Танаиангдан аччиқ терни
Айириб жудо этсанг,
Дарду бало кўрмайсан.
Қонбосиму жонбосим,
Қанд касал, томир босим,

Ҳеч бирини билмайсан,
Назар-писанд қилмайсан.
Иссиқ-совуқ теголмас,
Микроб-пикроб енголмас.
Унутма, икки меҳнат —
Икки меҳнат — илк меҳнат;
Биринчиси: ақл-қудрат,
Иккинчиси: қўл-қувват.

Баб-баробар олиб бор,
Турмушда тик, голиб бор.
Яшнасин ой жамолинг,
Ошсин офтоб камолинг!
Отамнинг сўзи —
Ватаннинг сўзи.
Билсам иш кўзи —
Турмушим ўзи.
Қад-қомат, юзим,
Одам — илдизим,
Олам — илдизим.

1977

НИМА УЧУН ЭРКИНЖОННИ ҲАММА ЯХШИ КЎРАДИ?


Қачон кўрсам Эркин шоддир,
Жаҳл, гина унга ётдир.
Қувонсин деб ойм, дадам,
Табиати хуш мулоим.
Қувонсин деб қўни-қўшни,
Қувонсин деб ҳамма одам —
Ҳам Ватаним, ўқитувчим,
Сарф қилиб бутун кучин,
Ўн ўйлаб, бир сўйларкан,
Яхшиликни кўзларкан.
У билан бир сўзлашган,
Дер экан боз сўзлашсам.
Сўзи ширин асалдан,
Эсин таниб азалдан
Ўйлагани яхшилик.
Одам кўнглин олишлик,
Оғайнилик-йўлдошлик,
Аъло ўқиб қувнашлик.
Шундайин одоблини,
Меҳрда офтоблини,
Қани, айтинг, ким севмас,
Минг бора раҳмат демас?
Қарс чиққандай қўш қўлдан,
Эркин борар бош йўлдан.
Унинг тилаги катта.
Ўрнак олинг, албатта.
Дилозорлик кўп ёмон,
Ёмондан ҳам беомон.
Сўкиш ҳам шундан чиқар,
Уруш ҳам ундан чиқар.
Хафақонлик, беморлик,
Ҳаммаки бор ёмонлик,
Юзсиз, сурбет, беорлик
Сабабидир совуқ гап,
Аччиқ, қўпол, қолдиқ гап.
Оҳ... жанжал бўлган жойда,
Айтинг, барака қайда?
Шундай одат бўлмасин,
Одам кўнгли сўлмасин!
Шунинг учун Эркинжон,
Одамларга ҳар қачон
Меҳр-ла боқар экан,
Ҳаммага ёқар экан.

ЭРКИНЖОН ҚАНДАЙ БИЛАҒОН БЎЛДИ

Нима учун Эркинни
Эркин билағон дерлар,
Муаллимнинг айтгани,
Дарров илағон дерлар?
Эмиш Эркин билағон,
Фан юлдузин илағон,
Кўзи кундек кўрағон,
У ҳаммадан ўзағон.
Ҳар қандай савол бўлса
Эркинга бераверинг,
Масала ҳисобидек,
Ечишин кўраверинг.
Саволни ҳам коптокдай
Ўйнагани-ўйнаган.
Еру осмон борлиқни
Ўйлагани-ўйлаган.
Табели нуқул «беш»га
Юлдуздек тўлиб кетган.
Эркинжоннинг қўлида
«Икки»-«уч» ўлиб кетган.
Пионерлар уйида
Қизиқ шеърлар ёзармиш.
Каттакон достонларни
Дам ўтмай ёд олармиш.
Ўртоғи Усмонжонлар,
Неъмат, Нормаматжонлар
Савол-жавоб ўйинини,
Фикр-хаёл қуюнини
Қувлашгани-қувлашган,
Эркинни мот қилолмай,
Ўйлашгани-ўйлашган.
Ростин айтсам, кўнглимнинг
Бир чеккаси жипзиллар.
Нечун Эркиндаймасман,
Нечун Эркин кўп билар?
Ҳар саволнинг эгасин
Толиб олиб сўрайди.
Эркинжон билган сари
Савол уни ўрайди.
Эркин барин қамрайди,
Миясига жамлайди,
Билган сари, қизиқиб

Билгиси келаверар.
Шўх юраги тўлиқиб,
У тинмай ишлайверар.
Китобларнинг маъносин
Ўрганиб олган бошлаб.
Донолар ўғитини
Кўкчойдек ичар хўплаб.
Қани, айтинг, ўртоқлар,
У билмай, мен билайми?!
Шунинг учун савол йўқ
Эркинжон ҳеч билмаган.


1978



ҚУЁШНИ ЭҒАЛЛАДИК

Қўл узатдик қуёшнинг
Оловли этагига.
Юрди фил каби юввош
Илму фан этагига.
Унинг шуъла, нурини
Қозонларга туширдик.
Иссиғининг тафтида
Консервалар пиширдик.
У билан рудаларни
Симобдек эритамиз.
Фан-техника биз билан,
Гуллар бахтли эртамыз.
Бенарвон кўкка чиқиб
Қиламыз сайр-томоша.
Юлдузма-юлдуз кезиб,
Осмон, довонни оша,
Кўк мулкени эгаллаб
Она-ерга қўнамиз,
Табиат сўзимизга,
Кирмасин-чи, кўрамыз.
Эртага қиш иқлимин
Ез этар қуёш — печка.
Уқисак доим аъло,
Бу орзу қолмас кечга.

1975



БУВИ ВА САНДИҚ ҚИССАСИ

Эркинжон ўзи-ўзи,
Офтобдай кулар юзи.
Электрдай кўзи бор,
Радиодай сўзи бор.
Кўкраги Чимён тоғдай,
Кўнгли кенг чаман боғдай.
Қўл-оёғи — самолёт,
Меҳри — водопровод.

Эркин аълочи, ўткир.
Кўксида галстук — нур.
Галстуғи ярашган,
Ойисига қарашган,
Бувисига қарашган.
Эркинжон кичик уста,
Станокда бирпасда
Беҳи шохидан атай
Силлиқ қилиб сумбадай,
Бувисига ҳасса қилар,
Фил нусха даста қилар.

Айтар: — Зўр бувим бор,
Кўзлари кулар хумор.
Оймомадек юзлари,
Юмшоқ инак ўзлари.
Сурмали кўз, қошлари,
Тўқсон бешда ёшлари.
Юзларида қўша хол,
Сўзлари шакару бол.
Эртакнинг кони — бувим,
Одамнинг жони — бувим.
Кўзда ойнак, қўлда иш,
Бувимнинг иши тикиш.

Тикадилар такдўзи,
Чаманда кўклам кўзи.
Менга ой нусхасини —
Чуст дўппининг мосини.
Қийтиқдан қуроқ — палак,
Дейсиз беулоқ палак.
Ўзимнинг чевар бувим,
Нуроний, севар бувим.
Болам-бўтам деб бизни,
Эркалар ҳаммамизни.

Биз ҳам севамиз жуда
Бувимни жонимиздан.
Нима десалар бувим,
«Лаббай» деб сакраб, суюб
Виламиз хизматларин,
Келтириб иззатларин.
Айниқса, ойим, дадам
Севишади жуда ҳам.
Бувимга ҳар хил нарса
Олиб беришар роса.

Пашмак ҳолва, шоколад,
Ширмой кулча, оқ новвот,
Нози-неъмат юз турлик,
Бувим егани илик.
Кийгани шойи-бахмал
Олиб берсак ҳар маҳал
Дарров киймасдан тахлар,
Сандиққа босиб сақлар.
Мен берган ҳассани ҳам
Тутмайдилар бирор дам.

Ҳамма нарса бувимда
Ҳужра, қанор, тугунда.
Ҳеч кимга кўзи қиймас,
Ҳаттоки ўзи қиймас.
Нега бундай бувижон —
Молга тўймас ҳеч қачон?
Айтамиз неча марта:
— Буви, кийинг, енг, катта.
Ғанимат жонингизга,
Ишлатинг корингизга.

Дадам бўлса пахтакор,
Акам — агроном, донгдор.
Опамлар — ўқитувчи,
Мен ва укам ўқувчи.
Тезда ишлайман мен ҳам,
Бувижон, нимамиз кам?
Нима десак нақд бизга,
Магазинда тахт бизга,
Десам, дейдилар бувим:
— Йиққанам сизга, ўғлим!

Қизимга мол қиламан,
Тилладан хол қиламан.
Ойпалак, гулкўрна ҳам,
Марварид, ипак гилам.
Чиннию, чиннивачча.
Қилай бут мистопгача,
Тўққизим тўкис бўлсин.
Ортиб қолса эварам,
Кам бўлмасин чеварам.

Неварамга жийрон той,
Бешик, сарполар талай.
Кўтаради не қилсам,
Бу замондан ўргулсам.
Бувимлар жуда қизиқ,
Шунча молларни йиғиб,
Ҳаммаси бизга эмиш,
Ўғил-қизимга эмиш.
Биз нима топмаймизми,
Дадамдай бўлмаймизми?

Мактабда ўқияпман,
Илм-ҳунар ўқияпман.
Биз тойчоқ минмаймиз-ку,
«Волга», «Чайка» миз бор-ку?!
Узоқ йўлга самолёт,
Ракета, аэрофлот.
Мен жуда ачинаман,
Дўстларим ичида мен
Қизараман уялиб,
Ҳаммадан ўсал бўлиб
Бувинг очкўз десалар.

Эски-туски кийсалар,
Гўё биз севмагандек,
Кучимиз етмагандек,
Алам қилади менга,
Опам, ойим, дадамга.
Сандиқ тўла мол турса,
Бувим эски кийинса,
Десам, дейдилар дадам:
— Бувингда айб йўқ, болам.

Эски замон асари —
Молпарастлик касали.

Қадим замонда, ўғлим,
Турмуш эди бир ўлим,
Тошдан қаттиқ яшамоқ,
Куни ўтмас эл қашшоқ.
Подшо ва бойлар золим,
Талар меҳнаткаш молин.
Буванг ҳаққин талашиб,
Бой билан тик олишиб,
Бўрибойнинг қўлида,
Бола-чақа йўлида,
Бемаҳал ўлиб кетган,
Бойга ем бўлиб кетган.

Бувинглар есир қолиб,
Биз, амманг етим қолиб,
Э, тортганмиз азобни,
Зулмин еб, бой каззобни.
Даҳшатдан ушлаб ёқа,
Қўл етмасди ҳеч ёққа.
Устига уруш, ёв-ёв,
Қаҳатчилик яна ғов.
Осмон йироқ, ер қаттиқ,
Ҳаётдан ўлим ортиқ.

Жон ҳовучлаб халқ абгор,
Бева-бечора зор-зор.
Емас, ичмас авайлаб
Эрта-индинни ўйлаб.
Тутганни қўли оғир,
Еганни оғзи оғрир.
Тиқар ҳужра, сандиққа,
Керак бўлар деб йўққа,
Донларни қориб лойга
Яширарди деворга.
Яна йиқиб деворни
Ажратар эди донни.
Унни қилар гўжа, нон,
Қийин эди у замон.
Бувингнинг кўрагини,
Мия, жон, юрагини
Пачоқлаб эзиб қўйган,
Феълини бузиб қўйган.
Сингиб кетган жонига,
Ҳатто суяк, қонига.

На ўзи, на ўзгага,
Инонмас ўз кўзига.
Сандиққа исриқ солиб,
Сандиқ ёнида қолиб,
Кеча-кундуз пайпаслаб,
Жонидан ортиқ асрар.
Ўзи кўринмас кўзга,
Хатто тушунмас сўзга.
Шунда кўзимга сандиқ —
Эскидан қолган қолдиқ.

Кўринди қора булут,
Йиртқиш шум, бало бургут.
Пачақлаб бузгим келди,
Қопқоғин узгим келди.
Кўзим қиймас бувимни,
Бувим-чи, билмас буни.
Демасинлар ёмон бола,
Сандиқ бузар, кўзи ола.
Бувимга сандиқ эрка,
Арзанда, жонсиз серка.

Ёниб шойи пардалар,
Эҳтиётлар, папалар.
Хира қилиб уй тўрив
Устида кўрпа-ўрин
Тўнтарилиб тепадай,
Уйга сигмас тўнкадай.
Бувим сақлар ой ва йил,
Тегдирмасдан кун, нам, ел.
Ҳар йили бир очади,
Очади-ю ёпади.

Бу ёз ҳам очди уни,
Кундузмас, қора туни.
Шамоллатди молларин,
Ипак-бахмал шолларин.
Ҳаммасин кўрди бир-бир,
Моллар чириган зир-зир.
Қўл тегса йиртилади,
Тегмасдан титилади.
Бир қўланса ҳид анқир,
Димоқни ёрар, бурқир
Ўша замоннинг ҳиди,
Фалокат, қолдиқ дуди.

Моллари чириб етган,
Сандиқда ириб кетган.
Бувимнинг боши гаранг,
Қўллари титраб аранг
Куя дори суради,
Узоқ хаёл суради.
Мол аччиқ, жон аччиғи,
Ёнди кўз қорачиғи.
— Ҳой, болам, сув бер, — дедим,
Сувни ичиб «ух», — деди.

Иситма қирққа чиқди,
Бувимни сандиқ йиқди.
Фойдасиз дори-дармон,
Бувимда қайғу-армон.
Куйманг десак, куяди,
Қовоғини уяди.
Сандиғини ўйлайди,
Тушида алаҳлайди.
— Сандиқ, сандиқ, — деб қолар,
Сандиқ томон кўз солар.

Қўлида калит қисиқ,
Гоҳ совиб, гоҳи исиб.
Ойим дер: — Куйманг, она,
Тўлади ўрни яна.
Олиб берар буюмлар,
Ёришмайди бувимлар.
Куюнишдан талай кун,
Бувим уйтилиб бутун
Бориб-бориб келади,
Ўзига кор қилади.

Ўтган ишга пушаймон,
Деганлар жонга душман.
Охири: — Сандиқ қурсин,
Болалар омон бўлсин,
Бош омон бўлса дўппи
Топилар деган кўпнинг —
Мақоли бежиз эмас,
Куймоғим мени абас!
— Ҳой, болам, — деб бақирди,
Ойимларни чақирди.

Унга берди калитни.
Бувим тиклаб қаддини.
— Айланай, келин болам,
Муаллим, олим болам.
Сиз меинг жоним, таним,
Обрўйим, кўригим ҳам,
Ўлигим-тиригим ҳам.
Мундоқ ўйласам ўзим,
Сиз келиним, ҳам қизим.
Мен хийла қариб қобман,
Довдираб ҳориб қобман.

Калит сизга буюрсин,
Сиздан жоним ўргилсин!
Табассум сочди келин,
Юрагин очди келин:
— Ойижон, ҳеч қариманг,
Юздан ошинг, ҳориманг!
Сиз бизга посибонсиз,
Қуту барака, консиз.
Биз ҳам сизники, ойи,
Сиз уйнинг қуёш, ойи.

Ўшандан бери сандиқ,
Кўзимга бало, чавдиқ.
Бувижоним куйдирган,
Бисотин куя еган.
Ўхшар худди тобутга,
Сандалдай ёқсам ўтга —
Десам, дейдилар дадам:
— Сандиқда айб йўқ болам.
Сандиқ бир ёғоч, куруқ,
Ўлик каби жони йўқ.

У ҳам бир буюм-асбоб,
Рўзгор учун керак, боп,
Айтдим: — Дада, сандиқни
Мен топширай музейга,
Боқмай бисот юзига.
Тутай ўрнида шкаф,
Бисотим бўлсин китоб.


1961

ТАБИАТЛИ ДЕЙДИЛАР, ТАБИАТСИЗ ДЕЙДИЛАР.

Табиат-ку улкан она,
Бизга жону тана, хона.
Бор бўлганимиз биз шундан:
Ер, сув, осмон, ой, кундан.
Боз табиат бор экан,
Соз табиат бор экан,
Шунга ким эга бўлса,
Ўз-ўзин қўлга олса,
Қаттакон йўлга солса,
Ижод бунёд этолса
Доим бахтиёр экан,
Олий аҳдга ёр экан.
Ўша соз табиатни,
Қўш парвоз тарбиятни
Тайёрлар ҳар ким ўзи,
Очилиб онг, дил кўзи.
Гар тайёрлай олмаса,
Бунга ярай олмаса,
Кўнглининг ойнаси йўқ,
Дил гавҳар донаси йўқ.
Икки кўзи кўрмас лўқ,
Тили сўзломмас дудуқ.
Яхшилигу ёмонлик,
Чиройлигу ё хунук,
Ажратолмас ҳеч фарқин,
Оламни кўрмас ёрқин.
Дангаса, анқов, ялқов
Ўз йўлига ўзи гов,
Ўз-ўзига ўзи ёв.
Шундай тирик ўликни,
Шум, даҳшат кўргиликни
Табиатсиз дейдилар,
Тарбиятсиз дейдилар.
Ҳеч ким бўлмасин ундай,
Иқболи кулсин кундай.
Бор бўлсин табиатлик,
Табиатлик, тарбиятлик.

1978

*Кенг ҳаёт мактабидан,
Офтоб, ер китобидан,
Дунёнинг билимидан,
Одамзоднинг дилидан
Доим бўлай хабардор,
Хизматда фармонбардор.*



**ФЕЪЛИМИЗ
УРГАНАМИЗ**

МАҶОЛЛАР ҲАНГОМАСИ

Бор экан бир замонда,
Ўзи бизнинг томонда,
Улуғ, доно муаллим —
Ҳамма сир унга маълум.
У доно ўз элини
Бир синаб билмоқ бўпти,
Имтиҳон қилмоқ бўпти..
Қўп одамни чорлабди,
Майдон, боққа жамлабди.
Ҳар кишига биттадан
Билган бир сўз айт, дебди.
Ўшанда талай доно,
Ҳар сўзида минг маъно,
Айтган сўзлари — мақол,
Офтобдек яшнар яққол.
Ақлнинг кўзи, қоши,
Мақоллар — она боши,
Ўшандан қолган экан,
Ўшандан олган экан.
Ўшанда бир анқоввой,
Галтафаҳм ялқоввой
Айтолмабди бир сўзни,
Шамғалат қилиб кўзни,
Оёғин қўлга олиб
Қочган экан уялиб.
— Уни тут, — дебди доно, —
Нечун қочар бемаъно,
Бир сўзни айтолмаса,
Кўнгил ёритолмаса?
Сўз — гавҳар хирмонидан,
Ақлнинг уммонидан
Бебахра қандай гумроҳ —
Қилайлик уни огоҳ,
Деб бир киши юборган,
Бир киши эллолмаган.
Юборган иккинчини,
Маълум этиб кучини,
Адо этиб бурчини
Икковдон у кишини,
Тиби бор гунг кишини
Диконлатиб келтирган,
Келган уни у деган:
— Икки киши эр экан,


Бир киши қора ер экан, —
Қочоқ шундай дер экан.
Дер доно: — Ҳалл нега
Шу гапни демай менга,
Ирғиб қочдинг қуёндек,
Гўё ҳозир уйғондинг?
Сабабини айт буни,
Билайлик-чи биз шуни.
Қочоқ узр сўраган:
— Кўзим очиқ кўр экан,
Қўш қулогим кар экан,
Кўнгил кўзим берк экан,
Дунёда гап кўп экан.
Энгак остим кўрмасдан,
Беҳабар балавд-пастдан,
Ғафлат бўлиб кетибман,
Ўзимни унутибман,
То шу ерга етибман.
Ҳозир очилди кўзим,
Билдим ўзимни-ўзим.
Билганим айтдим барин,
Айтдим бир сўзнинг сирин.
Битта киши бир экан,
Бирмас қора ер экан.
Энди бундан буёққа,
Назар солиб тўрт ёққа
Кенг ҳаёт мактабидан,
Офтоб, ер китобидан,
Дунёнинг билимидан,
Одамзоднинг дилидан
Доим бўлай хабардор,
Хизматда фармонбардор.
Онг кўзим очиб юрай
Ғафлатдан қочиб юрай.

1978

БОР БЎЛСИН ОНА ТАБИАТ

Ҳай, ҳай, она табиат,
Яшар хонам — табиат.
Бағишлар нозу неъмат,
Бизни қилар тарбият.
Ҳай, ҳай, она табиат,
Чирой, жамоли беҳад.
Куннинг кўзи чиройлик,
Еринг юзи чиройлик.
Чиройлик тоғу тошлар,
Қир, ўрмон, боғ-наққошлар.
Тўрт фаслинг ундан ҳам соз:
Кўклам, ёз, куз, қиш — шоввоз.
Бор борлигинг чиройлик,
Ёқимтой худди жондек.
Афсуски, бор бир ёғинг,
Ой чеҳрангда нуқс, доғинг.
Соф ҳавонгда ғуборинг,
Деб Эркинжон ўйлар лол,
Дилида юз бир савол.
Ушбу нуқсон иложин,
Тезда софламоқ вақтин,
Йўлини топмоқ керак,
Ўборинг ювмоқ керак.
Бўлсин тоза ер, осмон.
Бўлсин тоза сув, ўрмон.
Дудинг йиғиб, эритиб,
Пахтага озиқ этиб,
Артиб ҳаво ғуборинг,
Артиб ойдаги доғинг,
Қурсак яшил чангютар,
Шунда дил яйраб кетар.
Тошиб билимий асос,
Сени қиламиз эъзоз.
Ҳай, ҳай, она табиат,
Яшар хонам — табиат,
Яшамоғинг бизга бахт,
Бор бўл, яшна ҳаммавақт.

1979



ЕЧИНГ ШУНДАЙ ТОПИШМОҚ

Ечинг шундай топишмоқ:
Нега ер мағзи тупроқ?
Қачондан бери шундоқ?
Нега сахро юзи доғ?


Шундайми доим бошдан,
Бўларми тупроқ тошдан?
Тупроқдан тоғ бўларми?
Майсадан боғ бўларми?

Булутдан бўларми сут?
Бўларми сутдан қурут?
Нечун дов-дарахт яшил?
Қайси дарахт энг асл?

Дарахтнинг тўни борми?
Костюм, пўстини борми?
Дарахтнинг оғзи борми,
Кўрарга кўзи борми?

Борми дарахт ўпкаси?
Нимадир гул упаси?
Тиканақ нега керак?
Нечун тик ўсар терак?
Жийда ёнбошлаб ўсар,
Хушбўй гули олтин зар.
Жийда нега тик ўсмас,

Шох-шаббаси текисмас?
Илдиз қандай тош тешар?



Қай мева энг тез пишар?
Қай дарахт энг кўп яшар?

Дарахтлар юрадимми?
Барг юзин ювадимми?
Дарахт айтарми қўшиқ,
Е дейсизми тили йўқ?

Дарахт гапни биларми?
Физзарядка қиларми?
Барглари яшил ғна
Арчалар сўлмас нега?

Ҳаммаси нима учун?
Кўрсатинг илм кучин.
Ўрганиб барин ечинг,
Илм дарёсин ичинг.

Табиат — катта китоб,
Варақланг уни боб-боб.
Берингиз бизга жавоб,
Топишмоғим бўлди соп.

1978

СЎЗ — ИШ, ИШ — СЎЗ ҲАҚИДА ШЕЪР

*Андаким не жаҳонга эрди вуҷуд,
Не жаҳон аҳли эрдилар мавҷуд.
Сўз келиб аввалу жаҳон сўнгра,
Не жаҳон, кун ила макон сўнгра.*
Алишер Навоий

Ҳали тўла бўлмай олам,
Ҳали бўла-бўлмай одам.
Олам одам билан бирга,
Пайвандижон она ерда,
Монандижон хона ерда,
Дунё гули дона ерда,
Инсон ҳаёт жона ерда
Илк туғишган сўзу иш,
Бир бировга қош, кўз, эш.
Еру осмондек йўлдош,
Бир тану бир жон, бир бош,
Икков оламга иш бош,
Мисоли ою қуюш.

Ушбу иш сўз меҳридан,
Меҳр, меҳнат гулидан,
Паҳлавон хизматида,
Қаҳрамон ҳимматида.
Бирлигу қувватидан,
Меҳри мурувватидан
Бутун олам тузилган,
Бутун одам тузилган,
Палов ошдек сузилган,
Дунё чаман безалган.
Бу ютуқдан бир маҳал
Сўзвой кўзи тиниб сал,
Ўзидан кетиб мағрур,
Тумшуқ кўтариб ғурур,
Иш дўстин менсимаган,
Ўзига тенгсимаган.
Ишни назарга илмай,
Ишнинг сўзига кирмай,
Олди кетини кўрмай
Ортиқча гап қилганмиш,
Ортиқча гап қувганмиш.

Чираниб лоф урганмиш,
Гердайиб тўш керганмиш.
Сўзвойнинг шу феълидан,
Ҳавойи қилигидан,
Хомаклиги, пўкидан,
Сўзининг қуригидан
Унганмиш ёлғон-юлғон,
Иғво, уруш, тўналон.
Оламда неки ёмон,
Одамзодга беомон,
Ҳаммаси сўз феълидан,
Ишсизлик йўригидан,
Маъносиз қуригидан
Унган экан дейдилар,
Ундан экан дейдилар.

Ўшанда ҳам иш полвон,
Вафодор, ишчи полвон,
Абадий бурчли полвон,
Бағри кенг, уфқ жаҳон,
Кенг оламга илдиз жон,
Тенг олам, кундуз, жаҳон
Ўз ишидан адашмас,
Сўз йўлдошин ташламас,
Ёмонликка бошламас,
Дил бузиб аразламас
Дил узиб ғаразламас.
Дарров сўзни тўхтатар,
Даминг ол деб ухлатар.

Иш меҳрига қондирар,
Иш изига қўндирар,
Иш сўзига қўндирар.
Сўзвой тез тузаларкан,
Кўринмай уяларкан.
Тан бераркан Ишвойга,
Паҳлавон ишчивойга,
Қаҳрамон кучливойга.
Лекин, афсус, гоҳи гоҳ
Ўзидан бўлмай огоҳ,
Сўзидан бўлмай огоҳ,
Ўша феълин қайтарар,
Ишжон дарров қайтарар.

Сўзвой кўринмаслиги,

Ишвойга кўнмаслиги,
Ишга бўйсинмаслиги
Ушандан қолган экан,
Ушандан олган экан.
Сўзга иш қомат экан,
Иш сўзга қанот экан,
Сабру қаноат экан,
Сабру матонат экан.
Икки ёрти бир бутун,
Тиним билмай куну тун
Хизматдалар бус бутун.
Еру осмонга устун,
Одам оламга ҳусн.

Одамзоднинг бахт мулки,
Меҳнати, аҳди, кўрки,
Ҳаётини тириклиги,
Жамоли, кўриклиги,
Қамоли, севаклиги
Ҳаммаси иш, сўз экан,
Сўзга иш негиз экан.
Ҳаётга илдиз экан,
Ҳамиша эгиз экан.
Шу сабабдан халқимиз
Тўқишган мақол — ҳақ сўз:
«Бир бўлса сўз билан иш,
Ишинг бўлар доим пеш».

1978

ОРЗУ

Тўрт оғайни, сингил жам,
Кеча кечқурун уйда
Сухбатни қизитдилар,
Ҳар бири ҳар хил ўйда.
Салмоқланиб каттаси
Деди озин тўлатиб:
— Қўриқ ерлар очаман,
Чўл-сахрони гуллатиб.
Шум янтоқни янчаман,
Пўлат отни ўйнатиб,
Тракторчи бўламан!
— Қойил! — деди ўртанча, —
Шу лабзингдан қайтмасанг.
Ака, эшит мени ҳам,
Орзум бор, айб этмасанг,
Мои доктори бўламан
Колхозимнинг чорвасин.
Жуда яхши кўраман —
Қўзи, улоқ, тойчасин.
Йилқи, пода, сурувлар,
Дард кўрмай ўсса дейман.
Тоғу тошга сизгишмай
Яйловни тутса дейман,
Донгдор доктор бўламан!
Учинчиси дер: — Яша!
Доктор бўл, қандингни ур.
Мана, мендан сўрасанг,
Севганим дутор, танбур.
Рубобу пианино.
Музыка менинг жоним,
Чайковскийдек бўлиш
Менинг умид — армоним,
Композитор бўламан!
Навбат келди кенжага:
— Сиздан ортда қолмайман
Ўзим митти бўлсам ҳам.
Мен учувчи бўламан!
Чексиз зангор осмонда
Шундай баланд учайки,
Сизлар қолинг ҳайронда,
Кўзларингиз қамашиб,
Илғамай қолсин мени.
Сўнг дурбиндан қарашиб

Деярсиз: — Қани, қани?
Чкаловдек бўламан!
Космонавт эр бўламан!
Гал келди сингилчага,
Орзусин айтди бу ҳам:
— Ўқитувчи бўламан.
Дарсларни берай мен ҳам.
Сиз каби кадрларни
Етказсам талай-талай.
Акалар, бу ниятим,
Сизга маъқулми, қалай?
...Бешовлари мактабда
Ўқимоқдалар ҳали.
— Етинг, — дедим — тилакка,
Укалар балли, балли!

1975

СИНИҚ ОЙНА ПАРЧАСИНИНГ СҮЗИ

Синфимиз ойна кўзи
Бирдан чил-чил синиб кетди.
Синган ойна чарсиллаши
Одам дилин тилиб кетди.
— Ким синдирди, ким? — дейишди,
Ҳамма бола туриб кетди.
Назаримда синф, мактаб
Кўз ўнгимда юриб кетди.
— Ким эди у, қандай бола
Ойна кўзин чил-чил қилган?!
Қай бағритош, кўзи ола,
Қайси бола, борми кўрган?! —
Деди куйиб ўқитувчи.
Вожатий бўлди ҳозир,
Болалар деди: — Тўйчи
Фозил билан ўйнаб ҳазил
Ойнага тегиб кетди.
Дам оқариб, дам қизариб
Турар Тўйчи ерга қараб.
Миқ этмасдан, бўзариб:
— Пашшага тош отдим, — дер, —
Билмай қолдим синишини.
Синган ойна тилга кирди:
— Тўйчивойнинг бу ишини
Ўзим айтим бераман.
Сизлар уни уришманглар,
Бундан буён қилмайди у,
Билар, тушунар, англар!
Аввал мени териб олинг,
Кириб кетмай бир оёққа.
Мендай азоб кўрмасин
Ҳеч ким бундан буёққа.
Бағримни тош чил-чил қилди,
Минг бўлак бўлиб кетдим.
Мени ямаб бўлмайди,
Бемаҳал ўлиб кетдим.
Ана энди совуқ шамол
Ғир-ғир кирар синф ёққа.
Шамол билан чангу тўзон
Урар тоза гул димоққа.
Синф совиб болалар
Шамоллаб қолмасинлар.

Ойна кўзин ишпини
Тўйчивой англасинлар!
Мең химзавод ишиман,
Мени ясаган ишчи.
Шағал, қумдан эритиб
Менга кетган қўл кучи.
Дошқозонда хамирим
Биқиллаб тоза пишган,
Ана шу тошхамирдан
Гўзал ойна қуйишган.
Омборларда бўлганман,
Магазинни кўрганман.
Мактаб бино бўлганда
Шу синфга келганман.
Мен офтобнинг ёруғин
Синфга бергувчиман.
Мени артиб турсангиз,
Ярқираб турувчиман.
Мактабнинг ўнг кўзийдим,
Синфнинг нур юзийдим.
Хайр, энди болалар,
Заводга тезроқ кетай.
Дошқозонда биқиллаб
Ойна бўлиб тез етай.
Синиқ ўрним ёпмасам
Синф санчиқ бўлади.
Ўқувчилар чеҳрасига
Гарди ғубор қўнади.
Синфимиз ойна кўзи
Бирдан чил-чил синиб кетди.
Синган ойна чарсиллаши
Одам дилин тилиб кетди.

1970

АЙТСАМ ҚИЛАДИ

Нор ота бир кун фиғон,
Ҳасратидан чанг чиқиб,
«Айтсам қилар» ўғлидан
Дил очар жаҳли чиқиб:
— Рўзғорга эгилмайди
Қаққайиб терак каби.
Ўз фаҳмича сезмайди
Айтмасанг керак гапни.
Она йиғар дастурхон,
Ўғли-чи, томошабин.
«Полларини ювайн,
Онамга қарашайин,» —
Бу гаплар етти ухлаб,
Тушига ҳам кирмайди.
Тумшуғи остидагин
Очиқ кўзи кўрмайди.
Қачонгача айтаман,
Айтишдан озгим толиб,
Қачонгача етаклай,
Бошига бошвоқ солиб.
Кўз, қулоқ, миясини
Озгина ишлатса-ку,
Бутун олам гулистон,
Зеҳнини кишнатса-ку.
Охири бор, кел дейман,
Менга нима бўғилиб.
Керак бўлса қиларсан,
Пешонанг гурра бўлиб.
Шунда бир дўсти дейди:
— Соз-ку гапингиз қилса,
Маъқул экан ўғлингиз,
Не дердингиз қилмаса.
Нор ака дер: — Биродар,
Хушёр бўлсин-да, ахир,
Одам дилида борин
Айтмай билсин-да, ахир.
Ўргатилган тўтидек,
Бўлиб қолса ёмон-да,
Ўз фикридан чиқариб
Иш қилмаса жаҳонда.
Калтафаҳм, топқулоқ,
Анқовлик курсин, дўстим.
Ешлиқдан куйиб-пишсин,
Чиниқиб ўссин, дўстим.

АҚЛ-ЖАҲЛ ҲАНГОМАСИ

Бор экан кун — ақлвой,
Бор экан тун — жаҳлвой.
Икковлари туғишган,
Бир хонада туришган,
Бир танада жойлашган,
Доим бирга юришган.
Аммо феъллари бошқа,
Жаҳл феъли ола қашқа,
Ақл билан зид экан,
Доим тажанг хит экан.
Ақл йўлин тўсаркан,
Тегажоқ ўжар экан.
Ақлжон феъли — инак,
Хуштабиат, нурдай пок.
Ақлжон дебди бир кун:
— Жаҳлвой, эшит бугун
Айтайин бир сўз сенга,
Ақл, жаҳлмиз нега?
Бир танада яшаймиз,
Бош танага ўхшаймиз.
Не учун келишмаймиз,
Қўлга қўл беришмаймиз?
Агар икков жой-жойда,
Интизом, қоидада
Бўлсак доим, албатта,
Ишимизда унум катта
Бирдек яшнаб оламда,
Оламда бор одамда
Офтоб, ой бўлар эдик,
Ой, кундек кулар эдик.
Дунёда донг таратиб,
Ҳаммага онг яратиб,
Не-не ишлар қилмасдик,
Ғам-ғуссани билмасдик.
Сен бўлсанг менга қанот
Уруш шоҳи бўлиб мот,
Сўкиш-чўқиш — ҳаммаси,
Уруш-пуруш балоси,
Қоронгулик уяси,
Бор ёмонлик куяси
Таг тубидан ёмрилар,
Олам гулистон бўлар,
Ишимиз дoston бўлар.

Ақл сўзин эшитиб,
Роса ёниб тиришиб,
Жоҳилни заҳри чиқди,
Ғазаби, қаҳри чиқди.
Чаккасини қашлади.
Зардалаб гап бошлади:
— Мен, ахир, тун боласи,
Сен эса кун боласи.
Ҳар ким ўз касбин қилар.
Не бўлса аслин қилар.
Ташлолмайман феълимни,
Дағал, гов қилигимни.
Ахир, мен жаҳлман-ку,
Ғазаби жоҳилман-ку!
Кучинг бўлса, сен мени
Эгиб олгин бўйнимни.
Шу шартимни қилмасанг
Феъл-атворим билмасанг,
Сенга бўйин эгмайман.
Деганингга кўнмайман.
Мен жаҳлнинг кўзин бил,
Кўзим эмас ўзим бил,
Уёғини ўзинг бил.
Ақлжон дебди: — Маъқул,
Сен жаҳлу мен ақл,
Ҳар ким экнанин ўрар,
Жаҳл ҳоли вой бўлар.

1975

ОҒИЗВОЙ ҲАНГОМАСИ

Қушларнинг бир қунида,
Инсон танин мулкида
Бир воқеа юз берган,
Оғиз полвон сўз деган.
Деган тап аъзоларга,
Беш муча аъзоларга:
— Ҳаммангизга бош ўзим,
Сизларга бор бир сўзим.
Мен ҳам юракка ўхшай,
Юракдай тинмай ишлай.
Ҳатто ақлдан ошай
Ва бошлиқ бўлиб яшай, —
Деб ўзидан кетибди,
Танга буйруқ этибди.
Лаб-лунжин ёйиб оғиз,
Бўпти роса ялмоғиз.
Бош ирғалиб гир-гирлар,
Кўзи-қошлар пир-пирлар.
Юз, даҳанлар титрашган,
Қўл-оёқлар увишган.
Ҳайронда аланглашар,
Оғиз, лаб яланглашар.
Танани қоплаб оғиз,
Ишлар, тинмас ялмоғиз.
Нафси қонмас ва тўлмас,
Аъзоларга йўл бермас.
Бирдан қон босиб қонти,
Танни жон босиб опти.
Чақришар «Тез ёрдам»,
Доктор, ҳамшира бардам.
Доктор ишга киришди,
Сабабини билишди.
Ишга солиб фан тоғин
Уқалар қўл-оёғин.
Диққат, доктор ҳамшира,
Бундай бўлмасин сира.
Оғиз иши ошмасин,
Тана бўйлаб тошмасин.
Ақл, бошу қўл-оёқ,
Бутун аъзо — ҳаммаёқ
Баб-баробар ишласин,
Юрак жонни ушласин,
Дилу жонни пешласин,

Танга юк бўлишмасин.
Дору дармон вақтинча,
Харакат керак анча.
Харакатда баракат,
Ҳамма касал фалокат.
Бир ёқлама иш қилиш,
Бир-бирига юк бўлиш,
Ҳар одамнинг ўзидан,
Тан аъзосин изидан.
Ҳар аъзо ишин билсин,
Ўз ишин билиб қилсин.
Шунда танда интизом,
Соғлиқ айнамас мудом.
Тан биноси бузилмас,
Соғлиқ гули ҳеч сўлмас.
«Соғлом танда — соғ «ақл» —
Бободан қолган нақл.

1979

БОЛА СЎЗИ НИМАДИР, БОЛАНИНГ ҶЗИ КИМДИР?

Болалар ўйин ўйлаб,
Ўйлари олам бўйлаб,
Ўйнашдилар топишмоқ,
Ўйлашдилар топишмоқ,
Зеҳн конин очишмоқ,
Меҳр донин сочишмоқ.
Холжон дер: — Бу топишни,
Фикр конин очишни,
Меҳр дурин сочишни
Бошлаймиз қани қайдан,
Ерданми, осмон, ойдан?
Эркин дер: — Ҷзимиздан,
Нур ёғсин сўзимиздан.
Номимиз нечун бола?
Болами ёки бўл-а,
Бўлами ёки бол-а,
Қани, буни ким топар?
— Мен топар,— деди Зафар,—
Билганим айтиб берай,
Сўзни шеър айтиб терай.
Бола сўзи бол-адир,
Болин сузиб ол-а дер.
Айтсам оғзим тўладир,
Айтсам бағрим куладир.
Бола сўз баҳор, гуллаш,
Бола сўз офтоб, нурлаш.
Менинг билганим шудир,
Қани, Ҷткиржон, тўлдир.
Ҷткиржон олар навбат,
Дер: — Зафар сўзи албат,
Жўда тўғри, ўртоқлар,
Ўйлашайлик қувноқлар,
Бир вақтлар бол-а сўзин
Билмайин маъно-мағзин,
Янглиш бола дерканмиз,
Гангиш ола дерканмиз.
Бўлмаса бола сўзин
Ичида олам кўзи,
Ичида одам ўзи,
Одам — олам юлдузи
Жо-бажо экан билсак,
Жон жаҳон экан кўрсак.

Ўшанда ҳам бол-а сўз
Маъно-мағзини тўқис,
Бор бўйи айтмоқ қийин,
Бола сўз эмас ўйин.
Қани, Эркин, сен ҳам айт,
Айтмоққа ўртоқжон пайт.
— Мен айтсам — деди Эркин, —
Бол-а сўзин қилсам яқун.
Бола сўз тўрт ҳарфдан,
Тўрт ҳарф тўрт тарафдан,
Тўрт тараф тўрт талабдан.
Бирлашиб ўнгу чапдан,
Айрилмай улкан сафдан,
Одамий табиатдан,
Оламий тарбиятдан,
Шимол, жануб, шарқ, ғарбдан,
Ер, сув, ҳаво, офтобдан,
Баҳор, ёзу куз, қишдан,
Одам, олам, турмушдан
Исми жисмига лойиқ,
Жисми исмига лойиқ.

Оламга қулоч ёйиб,
Яна тағин қўш бўғин,
Қўшалоқ жўшқин бўғин.
«Бо»си баланд осмондай,
«Ла»си ержон посбондай,
Бир-бирига пайванджон,
Бир-бирига монанджон,
Бош, қўл, тана, оёқжон.
Ҳар ҳарфини билсак биз.
Маъно мағзин илсак биз,
«Б» ҳарфи билмоқ экан,
«О» ҳарфи олмоқ экан,
«Л» ҳарфи лозим деган.
«А» ҳарфи албат экан.
Бу ҳали бир номимиз,
Жажжи ном — унвонимиз.

Келсак бола ўзига
Ер, осмон юлдузига,
Жамоли кундузига,
Улкан кўркам юзига
Бор бўйи қамраш қийин,
Бу эмас ҳазил ўйин.
Мен борин айтолмайман,

Айтмай ҳам ўтолмайман.
Айтсам бундай айтаман,
Ҳаммага тенг айтаман:
Ҳамма бола киришса,
Ўз ўзини кўришса,
Кенг имтиҳон қилишса,
Жони-дилдан киришса,
Ҳар бола ўзин топса,
Топмоқ лаззатин тотса,
Ўз кўнгли конин очса,
Офтоб, ой нурин сочса,
Дарёдек, оқиб тошса,
Она ердек гулласа,
Осмон каби нурласа,
Ана шундай бўлганда,
Кўнгли кундай кулганда
Бола сўзи бўларди,
Бола ўзи бўларди.
Бу бир менинг билганим,
Билганимнинг деганим.
Энди сизлар айтингиз,
Зеҳнингиз қайнатингиз.
Айтмоқлиқдур бурчингиз,
Олам қамрар кучингиз.
Ким айтаркин биринчи,
Уфқ кучсин ақл кучи.
Тез жавобин кутамиз,
Билмоққа кўз тутамиз.

1980

ФЕЪЛИМИЗ УРГАНАМИЗ

Одам нимадан ўзи?
Жони-танаси кўзи,
Ҳамма-ҳамма аъзоси,
Бош мияси аълоси,
Ақли-ю жаҳлигача,
Завқи-ю шавқигача
Тузиларкин нимадан?
Очиқ-ойдин ҳаммадан,
Ажойиб гул, нурбадан,
Олам жамол, ҳур одам
Онамиз табиатдан.
Табиат тарбиятдан,
Қуеш, ҳаво, ер, сувдан,
Меҳрлар бирлашувдан,
Бир-бирин қўллашувдан,
Кенг йўлга йўллашувдан
Одамзод бўлган пайдо,
Ҳуснига олам шайдо,
Одам-олам гултожи,
Олам-одам дуртожи.
Шунинг учун феълимиз,
Одамий қилигимиз,
Оламий йўригимиз
Ўхшайди табиатга,
Табиат тарбиятга.
Бобо қуёшдек қизгин,
Еримиздек чўнг, вазмин,
Ҳаракатчан ҳаводек,
Тўлқин отар дарёдек.
Тонг каби кўнглимиз оқ,
Онгимиз кундек порлоқ.
Жаҳлимиз тун — қора доғ,
Чеҳрамиз ойдек опшоқ,
Меҳримиз — қайнар булоқ.
Табиатдек буюкмиз,
Азиз инсон, суюкмиз.
Шу сабаб феълимиз кенг,
Табиат-ла пайванд тенг.
Ўрганамиз феълимиз,
Одамий қилигимиз,
Одамлик тўлигимиз.
Феълимиз кузатамиз,
Камини тузатамиз.



ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД

Мана — синф мажлиси,
 Ўқувчилар тўпланди.
 Ўртоқ синфком — раис,
 Президиум сайланди.
 Санитар ҳисоб берар
 Ойлик қилган ишидан.
 Аҳмадча оғиз очмас,
 Уялар кир тишидан.
 Хол бошин кўтармайди,
 Бу кун юз ювмагандир.
 Юнус қўлин беркитар,
 Тирноғин олмагандир.
 Эркин ўтирар кулиб
 Ҳеч нарса кўрмагандай.
 Шундай бўлсайди доим,
 Қандай гўзал, мулойим.
 Ўз-ўзини танқид ҳам
 Қизғин тус олиб кетди.
 Сўзга чиқиб Нор, Адҳам
 Кўпларни уриб ўтди:
 — Ўртоқлар, орамизда
 Уч-тўртда тартибсиз бор.
 Мана шулар дастидан
 Болалар бўлди безор.
 Юнус ўжар қизарар,
 Уялиб тенгдошлардан.
 Аҳмадча оғиз очмас
 Ҳадиксираб киридан.
 Бирдан парта тагидан
 Арз этар йиртиқ китоб:
 — Хол жонсарақ қўлида
 Эзилиб бўлдим бетоб.
 Тапларим яра-чақа,
 Муқовам қайда қолган?
 Юзу кўзим кир ва доғ,
 Варақларим йўқолган.
 Китоб сўзи тугамай.



Дафтар фиғону фалак:
— Ёзилмайми, қуш бўлай,
— Ё, варакка дардирак?
Аҳмаднинг чўнтагидан,
Югуриб қалам чиқар:
— Мана, мени кўринг, — деб,
Аҳмаднинг ранги ўчар.
Қалам эмас гўё чўп,
Таилари кесилган хўп.
Учи, боши маълуммас,
Тўмтоқ, кемтик билинмас.
Бақалоқ портфелча ҳам,
Куйинниб сўзлар у ҳам:
Мен портфелми ё копток,
Уриб ўйнашар топ-топ.
Ичим эски омбордай,
Атторнинг қутисидай.
Тинмай очиб ёнарлар,
Бўзчининг моксисидай.
Тўғри деб сўзлаб кетар,
Кўзи синиқ дераза.
Ул ҳам арз этиб ўтар:
— Холмат жуда бемаза,
Тунов куни тош билан
Уриб кўзиб чиқарди.
Қўли қичиб баъзида
Ромларимни қирқарди.
Деворлар ҳам тўғри деб
Атрофдан қичқирдилар.
Оқ бетимиз сиёҳ деб
Доғларин пеш қилдилар.
Бирдан эшик ёғирлар,
Гўё ўпкалаб йиғлар:
— Хол бузди тавақамни,
Узиб қулоқ — ҳалқамни.
Қўли туриб, аямай,
Оёқ-ла тепиб очар.
Баъзи чоқда юзимга
Бўр билан чизиб қочар.
Ёр бағирлаб парта ҳам
Сўзлаб ўтди оғир дам:
— Мен партами, ноғора,
Дарвоз ўйнар тоғора?
Устимда югуришар,
Қобирғамни эзишар.

Ашёлар сўзин бўлиб,
Синфком қайнаб тўлиб,
Танқидни якун этди,
Мана у нима айтди:
— Мактабимиз мулкини
Кўз нуридай сақлайлик.
Ўқувчилик номини
Ҳар қадамда оқлайлик.
Шунда китоб йиртилмас,
Қалам ёзса хит қилмас.
Дафтар тутар оқ юзин,
Китоблар берар мағзин.
Парта ҳам қимир этмас,
Хатларингни суркатмас.
Дераза, қуёш нурин
Олиб берар олмай тин.
Бир оғиздан ҳаммаси:
«Тўғри!» деб қичқиришди.
Икки, учта чатоқни
Ўртага турғизишди.
Сўз бердилар улар ҳам,
Гуноҳларин иқрорлаб.
Сўнг йиғинни ёпдилар
Қатъий қарор маъқуллаб.

1955

НАФСИМ ВА МЕН

*Нафсини тийган киши
Улкан бўлур,
Хом терини ийласанг
Улгон бўлур.*

(Халқ нақоли)

Дерларким, нафс балодир,
Енар ўтга соладир.
Нафсим қандай балодир,
Қандай ўтга соладир?
Нафсим бало бўлолмас,
Енар ўтга сололмас,
Ихтиёри ўзимда,
Эътибори кўзимда.

У юрмаса измимда,
У кирмаса сўзимга,
У қандай нафсим мани,
Нафсиммас қасдим мани.
Ундай нафсин тияман,
Йўгон бўйнин қияман.
Нафсим карнай қилмайман,
Нафсим сурнай қилмайман.

Нафсим аждар қилмайман,
Нафсимни жар қилмайман.
Нафсим бу жажжи оғзим,
Қорним, томоғим, бўғзим,
Мўлтиллаган икки кўзим.
Унга мен берсам ейди,
Бермасам нима дейди.
Қандай у бало бўлур,
Қандай у оло бўлур,
Қандай у олов бўлур?

Ё кучим етмасмикин,
Ё сўзим ўтмасмикин?
Ажаб қизиқ, бир оғиз,
Мўлтиллаган икки кўз
Бутун бошлиқ умрини,
Гўзал ҳаёт гулимни
Бемаҳал этса хазон,
Куйдириб қилса тўзон.

Йўқ, нафсим ундай эмас,
Ақлим унга йўл қўймас.
Нафсимга мөн посибон,
Ҳимматим кенг ер, осмон.
Нафсим бало бўлолмас,
Ёнар ўтга сололмас.
Нафсимни мен тийганман,
Йўғон бўйнини қийганман.

1970

ҚУЛОҒИ БОР ҚУЛОҚСИЗ УҒЛИМГА

Бир вақтлар Турғун деган
Бир думдор ўғлим бўлган.
Уни ёздим миш-миш деб,
Турғун думи бормиш деб.
У дарров сезиб қолди,
Гапимни севиб олди.
У ўзин қўлга олди,
Каттақон йўлга солди.
Тўрт-бешга ўқиб қолди,
Дум — «икки»си йўқолди.
Лекин яна бир чатоқ,
Чиқиб қолди беқулоқ.
Қулоғи бор қулоқсиз,
Қўним йўқ қўноқсиз,
Қумқулоғу гунг қулоқ,
Анқовча, карам димоғ.
Буни ҳам тузатамиз,
Қўшқулоқ улатамиз.
Қулоқсизнинг номи ким?
Номин айтмайман лекин.
Айтаман қилиғини,
Қўпга ёқмас феълини.
Гап гапирсанг уқмайди,
Китоб, шеър ўқимайди.
Оғзи бузуқ, сўзгаон,
Гердайма, бўйни йўғон.
Кичикларга кун бермас,
Катталарни менсимас.
Безрайган, кўзи қаттиқ,
Гапи заҳардан аччиқ.
Мусичага тош отар,
Номсиз ўғилдан баттар.
Китоб, дафтари шалоқ,
Усти-боши кир-чир, доғ.
Яна кўп қилиғи бор,
Энди бўлмасин беор.
Қулоғини ишлатсин,
Ремонт қилиб пешлатсин.
У бўлсин қуйма қулоқ,
Бўлмасин ўйноқ қулоқ,
Бўлмасин чиноқ қулоқ.

ҚОРАВОЙНИНГ ШУ ИШИ ТЎҒРИМИ?

Кутубхона китобин
Қоровой йиртиб қўйди.
— Нега йиртдинг? — деб Вали
Жизгинак бўлиб куйди.

— Сенга не амал қилар,
Ўзингникими эди?
Мактаб кутубхонасин
Китоби-ку бу, — деди.
— Мактабники кимники?
Бизники — ҳамманики!
Қоровой, ўртоқ, билсанг,
Бир чети-чи сеники.
Хар китоб олганлар,
Йиртаверса болалар,
Мингта қўлдан ўтганда,
Ўзинг айтгин не бўлар?
Минг биринчи болага
Китоб керак эмасми?
Йиртиқ китобни кўриб,
Қўлинг синсин демасми?
Мактаб, кутубхоналар
Китобни олар қайдан?
Китобга кетган сарфлар
Унади қайси жойдан?
Ишчи, хизматчи, деҳқон
Пешона терисидан!
Ўз ота-онамининг
Меҳнатининг изидан.
Шундай экан, китобни
Не учун сақламайсан?
Ота-онанг меҳнатин
Хурматлаб ёқламайсан?
Сен йиртганинг шу китоб
Мактабники — бизники.
Қоровой, ўртоқ билсанг,
Бир чети ўзингники.
Кутубхона китобин
Қоровой йиртиб қўйди.
— Нега йиртдинг? — деб Вали
Жизгинак бўлиб куйди.

АҲМАДЖОННИНГ УКОЛДАН ҚЎРҚИШИ

Бундай қўрқоқ болани
Мен бириччи кўришим,
Ингичка ниначадан
Аҳмаджоннинг ҳурқишин.
У ялинар докторга:
— Доктор опа, тузалдим,
Эҳтиёж йўқ уколга,
Касалликдан қутилдим.
Доктор опа кулади:
— Тузатган шу укол-да,
Кўзингни юмиб турсанг
Сездирмайман бир онда.
— Опа, жуда қўрқяпман,
Бу гал катта нинангиз.
Жон опа, тузалдим-ку,
Укол қилинг нинасиз.
Аҳмаджон қўрқоқ экан,
Сирини олдиқ билиб.
Энди, айтинг, болалар,
Пионер бўлар қандай
У қўрқоқ бўла туриб?
Пионерга қўрқоқни
Қабул қилиб бўларми?
Қўрқоқларнинг ишлари
Хеч вақт олға юрарми?
Қўрқоқлик мактабда ҳам
Имтиҳонда иш бермас.
Қўрқоқлик ҳар ерда ҳам
Зиён берар, қўл келмас.
Шундай экан, Аҳмаджон
Қўрқоқликни ташласин.
Бундан кейин ҳар ишда
Ботир бўлиб яшасин.

1950

АҲМАДЖОНГА УЯТ

Аҳмадҷон аълочидир,
Бу иши жуда яхши.
Лекин бир хил одатин
Ташламаса, мен қарши.

Икки қўли чўнтакда,
Эгилмайди кеккайиб.
Укасига кун бермас,
Турткилаб, жеркиб, койиб,
Аълочиман деб ошиб
Катталарни менсимас.

Оилага қарашмас,
Сув очмас, ўтин кесмас.
Ҳўмрайиб кириб чиқар,
Ўта кетган димоғдор,
Тўғри гапин сўзламас.

Ҳар кун унга зоризор.
Онаси дер: — Ҳой, болам,
Укаинга сув борсанг-чи!
Қўрслик билан жеркиб дер:
— Қўп гапирма, борсанг-чи!

Аҳмад уйда ўтириб,
Янгаси сув келтирар.
Она кўзи гилтиллаб,
Андишада мўлтирар.
Аҳмадҷон аълочидир,
Бу иши жуда яхши.
Шу мужмал одатларин
Ташламаса, мен қарши.

1970

РАҲИМАНИ ТАНИЙМАН

Раҳимани танийман:
Арча бўйлик, етук қиз.
Ўқишда ҳам, ишда ҳам,
Анча пишиқ, тетик қиз.

Бир айби бор: уятчанг,
Пионерка бўлса ҳам.
Сборда, слётларда,
Сўзломмас сўз билса ҳам.

Айниқса имтиҳонда
Қизариб икки бети —
Ўзин йўқотиб қўяр,
Англолмай гапин кетин.

Ҳаддан оша тортинчоқ,
Ҳар бир ишда йиманиб,
Физкультура, ўйинга
Қатнашмайди уялиб.

Шундай қилиб у кун
Тарихдан ҳам йиқилди.
«Беш» ўрнида «уч» олиб
Ўзига таъсир қилди.

Раҳима энди дейди:
— Энди дадил тортинмай,
Комсомолка опамдай
Мен ҳам мард, ўктам бўлай.
Ҳа, ростдан ҳам баъзида,
Жойида уят — ҳусн.
Ҳаддидан ошиб кетса —
Эскилик, сарқит курсин!

1971

БИР ПАПИРОСГА КУЧИ ЕТМАГАН ЎҒЛИМГА

Бола чоғи билмай чеккан,
Гул ўпкага бир ниш теккан.
Ўқиб, уқиб ақли кирди,
Папироснинг захрин кўрди.

Ташламоққа аҳд ҳам қилди,
Чекмайман, деб шахд ҳам қилди.
Чекмай юрди икки-уч кун,
Хумори диққат — бутун.

Охирида чидаёлмай,
Папиросни енга олмай
Бирдан чекиб юборди,
Ўпка чокини ёрди.

Ўпка чокини ёриш —
Ўтсиз, ўчоқсиз ёниш.
Енгиб олган қотил — хас,
Қайда қолди ўй-ҳавас!

Ҳали олдда-ку ишлар,
Богдай-тоғдай юмушлар.
Қандай эшлар уларни,
Ўз -ўзидан бўларми?

Чидам, сабр-тоқатсиз,
Куч-ғайрат, шижоатсиз,
Ваъда, лабз итоатсиз
Ҳеч бир ишинг унарми?

Нашандалик ҳунарми?
Шармандалик бўларми
Бундан ҳам ортиқчаси,
Йиғитнинг тантиқчаси?!

1970

УРТОҚЛАР ЭШИТМАСИН

Бир бобонинг Т... исми невараси ҳар кун мактабга кетар олдиан: «Пул берсанг бораман, бермасанг бормайман», деб тарғаша қилармиш.

Бобо, хувук воқеа,
Болалар эшитмасин.
Жуда хувук воқеа,
Терлади дейишмасин.
Қарчигайдай ўғилча
Бобога ошич деса.
Арзимас баҳона деб
Мактабдан қочиб юрса,
Қайда йигитлик, мардлик?
Бир ўқишни эплолмай:
— Оғзимга ҳам чайнаб сол. —
Деса сира уялмай.
Бу қанақа юзсизлик,
Еш чоғдан текинхўрлик?
Биласизми, ҳозирда
Пионерлар ғайратин.
Лочин ҳам қойил қолар
Ёзганда қўл-қанотин.
Мўлжаллар юлдузларни,
Мактабда-ку аълочи.
Қирқ ҳунарда кўзлари,
Саройда кенг қулочи.
Дейсан: — Яша, аълочи,
Улуғ Ленин фарзанди.
«Т» эса таптиқ ялқов,
Бир ўқишни эплолмай,
Ғафлат босиб, бўш анқов,
Ўртоқларидан уялмай.
Кексани юмшоқ билиб,
Кифтида хуржун бўлар,
Тўқсон ёшли бободан
Ҳар куни ўлжа юлар.
Ҳай-ҳай, хувук воқеа,
Ўртоқлар эшитмасин!
Хўрозқанд баҳона деб
Терлади дейишмасин.
Бўлмаса бобо ахир
Боққан ота-онангни,
Амакп, амманггача
Кўздай асраб ҳаммангни.

Энди дам олар вақти,
Букилгандир қомати,
Кўрсин меҳнат роҳатин.
Ўшанда ҳам болам дер,
Неварам жон, лолам дер.
Ахир, сенга нима кам?!
Қорнинг тўқ, устинг чақмоқ.
Сени деб ота-онанг
Хизматда тинмас ҳар чоқ.
Ёлғиз ота-онангмас,
Бутун Ватан хизматда.
Сен — Совет фарзандисан,
Энг бахтиёр, иззатда.
Ахир ўзинг ўйлагин,
Эртага сен ҳам ота.
Унда пулни ким берар,
Сўраш номус, албатта!
Оёқ-қўл, кўзинг бутун
Ўятмасми тилансанг.
Ўқишни, меҳнатни сев,
Чин одам бўлай десанг!

1960

ТИРИК ҰЛИК БҰЛМА, УҒЛИМ

Эй, севикли ўқувчилар, кечирасиз,
Бу гал шеърим қалампирдек бир оз аччиқ.
Дўст-дўстининг нуқсонини кечиктирмай
Тик юзига доимо айтсин очиқ.

Тўрт мучаси қиличдек соғлом ўғил,
Зеҳн фикри чақмоқни қамрар олғир,
Оёқлари югуришдан толмас, учқур,
Қўллари тутганин қўймас, ўткир.

Ажаб бир йил ўқиса-ю, билолмаса,
Ўқиш, ёзув, ҳисобни эпполмаса.
Оқсаб қолса бир синфдан ополмасдан,
Қўлмак бўлса, дарё каби тошполмасдан.

Синф ошган ўртоқлардан қаери кам,
Е бўлмаса бош-миyasi майибмикан?
Бир йил қолсанг синфда, сен йўқ демак,
Сен йўқ демак, сен бекорчи, қуруқ демак.

Ёсанг, ичсанг, кийсангу ўқимасанг,
Ота-онанг хизматини оқламасанг,
Кичкина текинхўрдан фарқинг қани?
Шунинг учун, тирик ўлик дедим сани.

Жонинг бўлса борлигингни кўрсат, ахир,
Дўстларингдан ортда қолма, уят оғир.
Ҳамма нарса ҳаракатда олға қараб,
Бир сен эса бир синфда қолсанг ухлаб.
Эй, ўғилжон, ҳушёр бўл, кўзингни оч,
Дўстларингга тез етиб ол, ёзиб қулоч!

1952

БАРАКАЛЛА, БОЛАМ

Мункиллаган бир кампир,
Нур ёғилиб бетидан,
Дўқиллатиб ҳассасин
Ўтди кўча четидан.

Чўнтакдан рўмолчасин
Олмоқчи бўлганда ул,
Енидан тушиб қолди
Шилдирама беш сўм пул.

Кампир буни сезмади,
Йўлида кетаверди.
Раҳимжон пулни кўриб,
Олди-ю элтиб берди.

Бўлмаса кампир анча
Кетган эди узоқлаб.
Пулини олар экан
Деди севиб қучоқлаб:

— Эй, болам, баракалла,
Баракалла, ошноғим,
Ҳеч кам бўлма дунёда,
Мендек яша, чирогим.

Мункиллаган бир кампир
Нур ёғилиб бетидан,
Дўқиллатиб ҳассасин
Ўтди кўча четидан.

1953

АЖОЙИБ, ҚИЗИҚ МАҚОЛ

Юрган дарё, ўтирган бўйра дейдилар.

Халқ мақоли жуда қизиқ,
Бирн-биридан ўзиқ,
Турмушнинг тажрибаси.
Билсам дейман ҳаммасин,
Минг мақолнинг маъносин,
Мана бири: Юрган дарё
Ўтирган дерлар бўйра.
Одам дарё бўлсанг соз,
Дарёдек оқиб қиш-ёз,
Оламда қилсанг парвоз.
Ташналарни қондирсанг,
Кўкдан ёмғир ёғдирсанг.
Ҳаммаёқни суғорсанг,
Қўриқ чўлни яшнатсанг,
Меҳр, дур, гавҳар сочсанг.
Бутун оламга ёқсанг,
Осмонда чақмоқ чақсанг!
Уйда лампочка ёқсанг,
Ер юзига гул тақсанг.
Хизмат қилиб эл боқсанг,
Дарёдек тошиб оқсанг.
Дарё — одам бўлмоқ соз,
Олам бўйлаб жўш парвоз.
Дарё демак меҳнатқаш,
Жаҳонгашта, эл дилқаш.
Бутун оламни кўрган,
Билагон юрган, турган.
Бағри кенг одам демак,
Борлиқ кон олам демак.
Буни тушунган бола —
Фикри ўткир, энг бўла!
Мақол маъноси чексиз,
Қани сизлар не дейсиз?
Бўйра сўзи нимади?
Айтсин-чи, ким билади?
Менинг айтганларим-чи,
Дарёдан битта томчи.

1979

АВВАЛ УЙЛА, СЎНГРА СЎЗЛА

Уйламасдан сўзлаш қандай?
Менимча, бу мумкин эмас.
Одам ўйлаб сўзлайди,
Уйламасанг сўз унмас.
Уйламасдан сўзлаган сўз
Одамни хафа қилар.
Сўз қовушмай, ўнгу терс,
Маънони чаппа қилар.
Чувончи, жаҳлинг чиқиб,
Ақлинг қочиб кетгандай.
Янглишиб сўзлаш, ахир,
Маъноси какра-тахир.
Уйламай сўзламайман,
Доим ўйлаб сўзлайман.

1971

ҚУРУҚ СҮЗ ҚУЛОҚҚА ЁҚМАС

Сүз бұлар қандай қуруқ?
Сүз қуруқ бұлмайди, йўқ.
Е бормикин қуруғи,
Сүзнинг қуюқ-суюғи?
Қулоққа ёқмас нечун,
Билайин-чи йўқ-пучин?
Сүзнинг қуруғин билсам,
Сүзнинг уруғин десам,
Қуруқ сүз-қуруқ одам,
Ўзи бору, йўқ одам.
Сүзи мосмас ишига,
Сүзи юқмас кишига.
Сүзи маъно тузи йўқ,
Тузи тугул, изи йўқ,
Сүзининг қизиғи йўқ.
Сүзи лоп-лоп, ҳавойи,
Сүзин йўқ мағиз-мойи.
Шундай одам сүзин эл
Деган пучак, қуруқ ел.
Ёқмас деган қулоққа.
Бормас деган узоққа.

1970

ДУНЁДА БИР ОЙНА БОР

Дунёда бир ойна бор,
Доим юзи беғубор.
Ўзи лекин кўринмас,
Қўл билан тугиб бўлмас.

Ҳамма ойнадан ўткир,
Ақлинг билан уни кўр.
Кўролсанг минг кино ҳам,
Минг киномас дунё ҳам,

Минг-минг ойна жаҳон ҳам
Шу ойнадан акс этар,
Олам унда рақс этар.
У ойна турар экан қайда?

Кўзга кўринмас жойда.
Сен билан доим бирга,
Ойнаи жаҳон дилга.
Қўшалоқ кўзингдай у,
Кўзингмас, ўзингдай у!

Кўзингни ҳам кўзи у,
Одам дил юлдузи у.
Олим, шоир сўзи у,
Бутун олам юзи у.
Қалбингда бир ойна бор,
Кўрмасин асло ғубор.

1975

ТҮҒРИ ҰЗАР, ЭГРИ ТҰЗАР

Ажойиб мақол гўзал:
Тўғри ўзар, эгри тўзар.
Тўғри, қани, қандай ўзар!
Эгри, қани, қандай тўзар!

Тўғри бу тўппа-тўғри,
Унга ёт эгри-бугри.
Тўғрининг йўли очиқ,
Кўнгли-ю қўли очиқ.

Мақсадига етар тўғри,
Қийшаймай эгри-бугри.
Шунинг учун тўғри ўзар,
Тўғри бўлмоқ гўзал, афзал.

Билиб олдим тўғрисини,
Энди билай эгрисини.
Эгри демак қинғир-қийшиқ,
Кўнгли қора, феъли инжиқ.

Худди қийшиқ шох каби,
Иллар қармоқ каби
Эгри, адил ўсолмас,
Ўсолмагач, авж олмас.

Қийналиб озади-да,
Озин тугул тўзади-да,
Ҳар қадамда қоқилиб,
Йўлда қолар йиқилиб.

Эгри шохни боғбон ҳам
Кесиб ташлар кўрган дам.
Шу сабаб тўғри ўзар
Эгри эса озар, тўзар.

1970

БАХИЛНИНГ БОҒИ НЕГА КЎКАРМАС?

Эл оғзида бир мақол бор,
Қадимдан бир нақл бор:
Бахил боғи кўкармас,
Кўкарса ҳам кўк олмас.
Бу мақол қандай даҳшат,
Маъноси ундан ваҳшат.
Сўроқлаб билиб олдим,
Қулоққа илиб олдим.
Сўрадим юз бободан,
Турмуш кўрган донодан.
Дедилар: — Бари шундай,
Сўзлари офтоб, кундай.
Бир бахил бўлган тундай,
Кўзи дунёни ютар,
Нафси ўпқондан ўтар.
Тўйса ҳам тўймагандек,
Дўкони тўлмагандек.
Ўта ялмоғиз, очкўз,
Ўз-ўзин кўзлар, тош кўз.
Боғин ўраркан роса
Тикан, чангаллар боса.
Одамлар кўрмасин деб,
Чивин ҳам кирмасин деб
Энд баланд пахса олиб,
Устига лўмбоз солиб,
Тешик-туйнук қўймабди,
Ўраб-чирмаб тўймабди.
Ҳаво кирмоққа йўл йўқ,
Нур тушмоққа туйнук йўқ.
Ҳатто боғида оққан
Сувни ҳам шартта бўғган.
Боғ тоқларин сув босиб,
Боғида кўлмак сасиб,
Босиб қопти пўцанак,
Қурибди сарғайиб барг.
Дарахтлар чириб кетган,
Илдизи қуриб кетган.
Ўзи ҳам диққинафас,
Боғи гўёки қафас,
Гўёки ёруғ зиндон,
Бахил бағрин этган қон.
Охир иши вой бўлган,

Қора ерга жой бўлган.
Шундан қолган бу мақол,
Ҳаммага аниқ яққол:
«Бахил боғи кўкармас,
Кўкарса ҳам кўк олмас».
Ҳамма ишлар халқ билан,
Дўстлик, ҳақиқат билан.
Кўни-кўшни, маҳалла,
Бир-бирига далда.
Элу элат, мамлакат —
Аҳилликда баракат.
Ер, сув, ҳаво, осмон
Бир-бирига посбон,
Бир-бирига жонажон.
Кўш қанотлаб учгандек,
Кўш қанотлаб учгандек,
Думи билан қўнгандек,
Бахил бўлма сахий бўл,
Кўкка етар сахий қўл.

1979

КҮНГИЛ — БОШ ОЙНАЖАҲОН

*Кимга бу оламсари очилса йўл,
Олам аро ағли дил ул бўлди ул.*

Алишер Навоий

Кўнгил — қуёш, олам жаҳон,
Кўнгил — бош ойнажаҳон.
Одам кўнгли ажойиб,
Оламдек қулоч ёйиб
Тиним билмай ишлайди,
Тан, аъзони хушлайди,
Жон аъзони ушлайди.
Ўта ўткир меҳнаткаш,
Ўта ўзгир ҳимматкаш,
Меҳрибон, дилбар, дилкаш.
Ажойиб ойнажаҳон,
Унга оила жаҳон.
Ойнажаҳон ҳам шундан,
Ҳатто оша ой, кундан
Чор уфқни чарх урар,
Бутун оламни кўрар.
Ер, осмондан хабардор,
Хизматда фармонбардор.
Постидан жилмас бирон,
Оламда огоҳ ҳар он,
Одамдан огоҳ ҳамон.
Одамнинг посибони,
Оламнинг посибони,
Тан мулкининг боғбони,
Тан ерининг деҳқони.
Азамат ишчиси ҳам,
Паҳлавон кучлиси ҳам,
Қаҳрамон бурчлиси ҳам.
Соғлиғимиз гарови,
Ақлимиз ҳамроҳ дови.
Танага гард қўндирмас,
Кўнса агар ўнгдирмас.
Ҳаммавақт огоҳ ўздан,
Кўрагон ўткир кўздан.
Шунинг учун боболар,
Кўпни кўрган донолар
Дейдилар: Кўнгил — олам,
Кўнгил ичида одам.
Кўнгил — энг билгич доно,

Олам ягона танҳо.
Уни ранжитма асло,
Истагини қил бажо,
Кўнгил ичра олам жо.
Ақлингга хизмат қилдир,
Кўнгилни доим кулдир,
Кўнгилни бўлдир, тўлдир.
Кўнгилни очиқ тутгин,
Ғам-ғуссани унутгин.
Кўнгилни ишлат тоблаб,
Чиниқтир тонгдек поклаб.
Кўнгилни тоққир этгин,
Чарчамас чопқир этгин,
Олам тубига етгин.
Кўнгилнинг конини оч,
Меҳр, нур гавҳарин соч.
Кўнгиллар оламин топ,
Ақлинг унга калит, боб.
Одам кўнгли ажойиб,
Оламдек қулоч ёйиб
Тиним билмай ишлайди,
Тан оламин хушлайди.

1979

БОЛА БОШИДАН, ЎҒЛОН ЁШИДАН

Гўдак чоғингдан онанга қараш.
Тинмас, меҳнаткаш даданга қараш.
Улар иш қилса, бақрайиб турма,
Буюрсалар иш, хўмрайиб юрма.
Ўйноқи, ўтқир кўзингни ишлат,
Қайноқи зеҳнинг, фикрингни ишлат,
Қулогинг сезгир, зеҳнингни ишлат.
Қўлинг, оёғинг ҳимралсин ипак,
Чеҳранг ҳаминша яшнасин гулдак.
Билмайман деган сўзни сен унут,
Кўнглинг доимо осмондек кенг тут.
Ҳар ишга бошдан ўрганмоқ керак,
Ҳар ишга ёшдан ўрганмоқ керак.

1965

ҚИЗИҚ ҰЙИН

Мактабнинг ҳовлисида,
Каттакон танаффузда
Болалар чақ-чақлашар,
Янги ўйин ўйнашар:
«Ўзини-ўзи кўриш,
Кўрағон, ўткир бўлиш».
Бошладилар ўйинни —
Жийрон тойдек бўйинни
Эгиб ҳар битта бола
Ўзини кўрмоқ бўлар.
Бир маҳал дейди Одил:
— Ўзимни ўзим адил
Бор бўйим кўрмаяпман,
Кўриб улгурмаяпман.
Қирғий қараш қилсам ҳам,
Зўр бериб эгилсам ҳам
Буколмаяпман бўйним,
Қандай бўлди бу ўйин?
Кўзим жимирлаб кетди,
Бўйним қирсиллаб кетди.
Ҳамма бола кулишди,
Биз ҳам шундай, дейишди.
Ундай бўлса ҳаммамиз
Бир-бирова ойнамиз.
Бир-биримиз кўрайлик,
Кўриш завқин сурайлик.
Бир-бирига қарашди,
Кўзни-кўзга қадашди.
Деди қувнаб Дадавой:
— Мен кўрдим, ўртоқлар,
 хўй!
— Қани, қани, нимани?
— Бош билан кўзгинамни.
Бош, кўзда не бор экан,
Айтсин, ким хушёр экан?
Кенжавой ўйлаб туриб,
Қош-кўзи ўйнаб туриб
Деди: — Бошда глобус!
Тўлқинжон деди: — Дуруст!
Бошимизда ер шари,
Бу бошда олам бари.
Жўра дейди: — Болалар,
Кўзга келди энди гал,

Кўзимиз нимаси бор?
Кўзининг оқ-қораси бор!
Карим дер: — Кўзни асрар
Киприклар мисли аскар.
Кўзимизда қорачиг —
Жажжи қуёшча, ёруғ.
Энтикиб деб Ўткиржон:
— Кўздир ойнаи жаҳон.
Яна бор онг кўзимиз,
Дилда бор тонг кўзимиз.
Олам қалбин кўрамиз,
Одам қалбин кўрамиз.
Суҳбатни бўлди Қодир:
— Дарсга кирайлик ҳозир,
Эртага учрашганда,
Дарсдан сўнг ўйнашганда,
Ҳамма аъзо ишининг,
Ҳатто тилу тишининг
Хизматини биламиз,
Шунда суҳбат қиламиз,
Кундай суҳбат қурамиз.
Кўнгироқ шўх чалинди,
Ширин суҳбат бўлинди.

1978

БАРКАШ НОН

Тўлқинжоннинг шўхлиги
Ҳаддидан ошиб кетди.
Анҳорнинг тўлқинидай
Пишқириб тошиб кетди.
Ултириб чой ичишга
Ўйиндан қўли тегмас.
Ота-она сўзини
Назар-писандга илмас.

Ўйнаб юриб нон ёйди,
Ерга тўкиб уворин.
Қанди чой билан ичмай,
Ғажийди қарс-қарс тағин.
Тиш билан қанд уришиб
Оғзидан чақмоқ чақар.
Ачиниб чақма десанг,
Сенга хўмрайиб боқар.

Бир кун Тўлқин кўчада
Ўйнар эди қавшаб нон.
Еб тугатмай парчасин
Ирғитди кесақсимон.
Нон бурда ерга тушиб
Қоришди чанг тупроққа.
Ўткинчи босиб янчар,
Ўтса уёқ-буёққа.

Шунда бир бола деди,
Куйиб-пишиб, ачиниб:
— Тўлқин, нима қилганинг
Нонни кесақдек отиб?..
Тўлқин айтар: — Не бўпти
Ерга тушса парча нон.
Ейишга топилади
Дадамлар бўлса омон.

Демасданоқ болалар,
Танқид қилди ўша пайт:
— Дадаңг, ахир, ўртоқжон,
Текин топмас, ўзинг айт!
Тер тўкиб меҳнат қилар,
Ундан сўнг олар маош.
Агар меҳнат қилмаса,
Қайдан келар нону ош!

Сув сол тешик челака,
Минг тўлдир турармикин?
Тракторга мой қуйма,
Мотори юрармикин?
Болалар сўзи ёқди,
Ушоқларга жон кирди.
«Эгамиз қаёқда» деб
Ҳамма ушоқ бақирди:

— Бизни экиб ўстирган,
Олтиндек бугдой қилган,
Ўриб, янчиб, ғарамлаб,
Машинада саралаб,
Дон, сомонга айирган,
Қоп-қанорни тўлдириб,
Омбор-омбор дон уйган,
Тегирмондан ўтказиб,
Упадай оқ ун қилиб,
Оқ унлардан минг турли

Ширмой кулча нон қилиб,
Тешиккулча, печенье,
Гижда нон, оби нонлар,
Булкаю булочкалар,
Вермишел, макаронлар
Тайёрлаган усталар,
Ҳунарманд пазандалар,
Мастер нонвой, ишчилар,

Меҳнаткаш деҳқон-шерлар,
Пионерлар қатнашган,
Битталаб терган машоқ,
Тўлқинжон билармикин!
Нон боласи — нон ушоқ,
Айтинг, ахир, нонмасми?
Бизнинг катта онамиз
Жажжи бугдой — донмасми?

Бугдойчалар уйилиб
Ясайди тоғ-тоғ хирмон.
Томчилардан бирикиб,
Пайдо бўлар кўл, уммон.
Тоғлар ҳам тошчалардан
Бирикиб тоғ бўлади.
Дов дарахтлар тўдаси
Ўрмонзор, боғ бўлади.

Миллион тонна пахталар
Чигитнинг меваси-ку!
Кўз илгамас хужайра,
Одамнинг онаси-ку!
Биз ушоқлар ҳам шундай,
Азиз нон бўлагимиз.
Тўлқин исроф қилмасин,
Сухарижон бўламиз,
Дейишдию ушоқлар
Отилиб чиқди ердан.

Ҳаммалари қўшилиб,
Катта нон бўлди бирдан.
Бунақа баркаш нонни
Ҳеч қачон кўрмаганман.
Ер, ойдан сағал кичик,
Мен ажабда ҳайронман.
Ер юзини қоплашга
Келар бу он чамаси
Тўлқин каби болалар
Сочган ушоқ барчаси.

Баркаш нон савлатидан
Болалар қўрқиб кетди.
Лабига учуқ тошиб,
Қочишиб, буқиб кетди.
Қани, бу кўркам нонни
Бурдалаб бўлсанг агар.
Ер юзини боласи
Етарди еса агар.

Афсус, шунча баркаш нон
Тупроқда чириб кетса.
Бу гапнинг маъносини
Тўлқинжон уқиб етса.
Баркаш нон ҳам гапирди,
(Товуши момақалдироқ)
Дейди у қилиб фиғон:
— Афсуски, бизни асл
Одам ўғли емасдан
Исроф, нобуд бўлганмиз.

Халққа хизмат қилмасдан
Ерга бевақт кирганмиз.
Тўлқинлар сочмасайди,
Куч бўлардик одамга.

Куч-қувват танамизда
Қолди, чиқмай оламга,
Деди-ю, чархпалакдек
Ғилдираб юриб кетди.

Ова ернинг бағрига
Гулдираб кириб кетди.
Орқасидан табиат
Ҳай-ҳайлаб қолган каби —
Шамол-қуюн чопади
Кишнаб жийрон той каби.
Бир зумда бу воқеа,
Ёйилди ҳаммаёққа.


Эшитган яқин йироқ,
Келган эмиш кўрмоққа.
Неча кун кутибдилар,
У қайта кўринмабди.
Кўролмаган болалар,
Эҳ, армонда қолибди.
Ҳануз ўша баркаш нон,
Тўлқин кўзи олдида.
Унинг ойдек савлати
Кетмас, доим ёдида.

1957

АЖОЙИБ БИР ВОҚЕА

Борган эдим мен тоққа,
Майдонтол, Нанай ёққа.
Шу тоғлар қучоғида,
Полвоноқ қишлоғида
Бир бола туғилганмиш,
Икки қўли йўқ эмиш.
Қолган ҳамма аъзоси,
Аъзоларнинг аълоси
Дўстлашиб, йўқ қўлни ҳам
Сездирмас, ишлаб бардам.
Футбол ўйнар, хўп қизиқ,
Майдонда абжир, ўзиб,
Тўпни елкалаб илар,
Елкалаб муштлиай билар.
Қўл ўрнига оёқлар,
Ҳимарилиб бармоқлар
Қалам ушлаб хат ёзар,
Қалдирғоч қанот ёзар.
Бир ажойиб ҳуснихат,
(Ҳуснихат — гўзал санъат)
Рассомдай солар сурат,
Суратлари аломат.
Ўзи кўҳлик хушқомат,
Оёқ-бармоқда гоҳ вақт
Чолғуларни чертаркан,
Дилларни эритаркан.
Айтаркан гоҳ қўшиқ ҳам,
Ҳеч бир ишдан эмас кам.
Қўли бордан зиёда,
Бир болаки дунёда
Ғайратли, исми Аваз,
Дилида олам ҳавас.
Афсуски, бор баъзилар,
Пуч ёнғоқ, бемағизлар,
Оро йўлда сургалар,
Дарсидан «икки» олар.
Тўрт мучаси бут-ку, ланж,
Бу аҳвол қандай аянч.
Кўзи очиқ кўрмаслар,
Қулоғи бор уқмаслар.
Аваздан уялсинлар,
Ғафлатдан уйғонсинлар!

1970



БОҒБОН ЧОЛ УЧ ХУМ ЭРТАК АЙТГАНМИШ

Қадим-қадим замонда,
Тошбақа тоғ томонда,
Хумсон деган қишлоқда,
Майдонтол деган боғда
Бир боғбон чол ўтганмиш,
Уч хум эртақ айтганмиш.
Чол — меҳнатқаш, жафоқаш
Кампир — пайванд, вафоқаш
Орттиришлар уч ўғлон,
Кўришиб келин-кўлон.

Невараю чевара

Униб ўсганда сара,
Энди тиндим деганда,
Етиб-тўлдим деганда
Ўғил-келин гож чиқиб,
Турли-туман важ чиқиб
Чолу кампир ёт бўбди,
Ҳасрати қат-қат бўбди.
Ўгирса ўпоқмишлар,
Турсалар сўпоқмишлар.

Ўғил-келин менсимас,
Назар-писандга илмас.
Доим жеркиб қутқилар,
Тишга тегар, турткилар.

Чол вазмин қилар сабр,
Чидай олмабди кампир:

— Ўғилларни ўстирсак,
Ўйлигу, жойлик қилсак,
Кўролмасак роҳатин,
Ҳузур у ҳаловатин.

Келин келиб айирди,

Қанотимиз қайирди.

Ҳасратидан чанг чиқар,

Кунда уруш, жанг чиқар.

Кампирни юнатди чол:

— Хотин, гапга қулоқ сол.

Тилингни тий, волима,

Инсофин тила, аммо!

Мен топаман бунга йўл.



Сен бўласан қўлма-қўл
Чол ясабди учта хум,
Ундай-бундай эмас жўн.

Хумларга алланарса —
Солиб, оғзин суваб роса
Хужрага киритибди,
Қулф уриб, беркитибди.
Чақирибди бош ўғлин:
— Эшитмасин ёш ўғлим,
Қулоқ сол, бўтам, менга,
Битта сир айтай сенга.
Жон бор ерда қазо бор,
Бошда ўлим, аза бор.

Чолу кампир бир бўлиб,
Қўша-қариб, пир бўлиб
Кўрганимиз уч ўғил,
Бизга сиз оёғу қўл.
Орттирганмиз яна биз
Уч хум тилла — нуқрасиз.
Шудир бизга ўлимлик,
Сизга обрў, кўримлик,
Эҳтиёт қилгин жуда,
Турар анов ҳужрада.
Чунки сенсан бош ўғлим,
Қолганинг кўз-қош, ўғлим.

Мол қадрига етган сен,
Қадримизга етган сен.
Калитни берай сенга,
Огоҳ бўл, ўғлим, шунга.
Ҳеч кимга оғзинг очма,
Болам, ҳовлиқма, шошма.
Қувониб кетди ўғил —
Оёғи беш, етти қўл.
Сирни юракка сиғмас,
Сира тинч ўтиролмас.
Шодлиги ошиб кетиб,
Юракдан тошиб кетиб
Хотинга айтди сирни:

— Хоним, чолу кампирни
Рози қилиб кута бер,
Калит бизда, қўябер.
Ўртагча, кенжага ҳам

Чол бериб калитни: — Дам,
Оғзингни очма, — деди,
Беўрин сочма, — деди.
Калит қўлда ҳаммаси,
Уч хумнинг талвасаси.
Сездирмас бир-бирига,
Сингишмайди ҳеч ерга.

Юраклар шоду хуррам,
Келинлар чаққон бирам,
Чол-кампирдан парвона,
Хизматдалар мардона.
Биттаси ош келтирган,
Биттаси гўшт келтирган,
Бири либосу сарпо,
Ҳатто кампирга ула.
Чол деди кампирга:
— Нима дейсан бу сирга!
Кампир дер: — Бу қоида,
Ишлар бўлди жойида.
Лекин, уч хум туфайли
Ошимиз бўлди мойли.
Афсус менга татимас,
Алдашингиз тўғримас.
Шусиз бўлсайди қани,
Нур устига нуровий!
Чол дер: — Хотин, бу ибрат,
Алдасан уч хум — ҳикмат.
Қўп ўтмади, чол ётди,
Талай кун-тун, тонг отди.

Чол дарди оғирлашди,
Ўғил-келинлар шошди.
Келинлар чаққон, лобар,
Отадан фармонбардор.
Чол-кампирни ўрашар,
Дам ўтмай ҳол сўрашар
Ўткизгани жой топмас,
Бу иззатни бой топмас.
Табиб, ҳақим чақирар,
Ўғил, келин чарх урар.

Чол-кампирдан парвона
Хизматдалар мардона.
Чол тезда кўзим юмди,
Келинлар сочин юлди.

«Вой отамлаб» йинглашиб,
Бел боғлаб, соч ёйишиб
Бажо қилар ҳурматин,
Таъзия — эл одатин.
Лекин кўзлар ҳужрада,
Кўмиб келган кечада,
Қош қораймай ёш ўғил,
Боқиб аста ўнгу сўл
Очмоқ бўлди ҳужрани,
Олай деб уч хумчани.
Кўриб қолди бир келин,
Хабарлар дарров эрин.
Кейин ўзи ҳовлиқиб
Сўзлай кетди туюқиб:
— Муллака, не қиласиз,
Калит бизда, нега сиз
Очаянсиз ҳужрани?
Ғазабдан титраб жони
Ўғил, келин олишди,
Қий-чув бўлиб қолишди.
Бўлди роса машмаша,
Келинлар юмдалашар.

Қўни-қўшни эшитди,
Наҳрадан ошиб тушди.
Ўтағаси қўшни чол,
Сўзлари мулойим бол,
Ҳассасин дўқиллатиб,
Эшикни тақиллатиб
Кириб келди: — Хўш, не гап,
Бу ахир айб-ку, хайф —
Ота ўлиб, мол талаш,
Бир-бирини юмдалаш.
Ҳай-ҳай, болам жиминглар,
Битсин иринг-жиринглар.

Эшитган қулоққа айб,
Ҳой, ўғлим, жаҳлингдан қайт!
Уришни бобо босди,
Ҳамма жим қулоқ осди.
Бобо сўзлар салмоқлаб,
Воқеани сўроқлаб:
— Айтнинг, болалар, қани,
Талашасиз нимани?
Кемдир деди: — Ҳужрани!

Бобо анлар «жўжани».
— Жўжаними, гўжани,
Айтинг, қандай ўлжани? —
Кулади қиқир-қиқир, —
Мол бўлмай жўжа қурғур...
— Йўқ, жўжамас, бобожон, —
Дер бир келин қақажон.
— Ҳа, нимани?
— Ҳужрани?
Не бор ҳужра ичида?
Уч хум тилла бор экан
Бобо ҳайрон, лол экан.
Нуроний юз чарақлаб,
Хандон урар чақ-чақлаб,
Дер: — Қизик, уч хум тилла —
Тиллами ёки ҳийла?

Очинлар-чи, ҳужрани,
Кўрайлик уч хумчани.
Уч хум тураркан қатор,
Чол ҳамон кулиб қотар:
— Талашингиз шуларми?
Тепар бобо хумларни.
Ҳаммасининг ичи бўш,
Қани, уч хум тилла, хўш?!
Чироқ ёқиб қарашди,
Хумни қоқиб қарашди.
Биттадан ёнғоқ тушди.

Ҳар ёнғоқ вазни ҳар хил,
Чақдилар, мағзи ҳар хил.
Биттаси тўқ, мағзи ёғ,
Биттасин ярми пучқоқ,
Учинчиси пуч, қуруқ —
Болалар кўзлари лўқ.
Шу он кимдир орадан,
Уйламай сўзлар нодон:
— Вой, бувамлар алдабди,
Бизни роса бошлабди.
Болалар қўлтиғидан
Тарвузлар думалаган.
Бобо дер: — Қулоқ беринг,
Яхшилаб ўйлаб кўринг!
Бобонгиз ҳеч алдамас,
Уч хум деган ҳазилмас.
Будир бир ҳикматли иш,

Минг хум тиллою кумуш
Бунга келмас баробар
Тушунсангиз сиз агар.

Уч хумнинг маъноси зар,
Зар эмас, ёмби-гавҳар.
Уч хум демак уч ўғил,
Уч хумнинг маъноси шул:
Ичидаги ёнғоқлар
Сизга берилган нархлар.
Хизматингиз баҳоси
Палла мағиз донаси.
Қўш палла — ўғил-келин,
Маъноси чакиб билинг!
— Мен чақсам, — деди бобо, —
Ўғил-келин бевафо
Чиқсалар шундай бўлар,
Пуч ёнғоқ, хомдай бўлар.

1961

ПОЛВОНЛИК ҚИССАСИ

Ўзлари ўзимиздек,
Меҳри иссиқ кўзимиздек,
Орамздан чиққан полвон,
Жаҳл девин йиққан полвон.
Хуш қоматли, хуш феълли,
Кўнгли очиқ қуш феълли,
Табиати шаксмон,
Бағри кенг, кўкси осмон.
Кўкраги туташ қирдай,
Гавдаси ўрта қўлдай.
Аҳмад полвон Тожи полвон.
Маҳкам полвон, Жалол полвон,
Давомчиси Тўлан полвон,
Тўла-тўкис тугал полвон.
Етилган тўрт мучаси,
Тандаги куч барчасин
Ишга сололган йигит,
Кучга сололган йигит.
Уфққа етар дасти,
Ернинг бўлса тутқаси
Зилзилани тўхтатар,
Фарҳоддек тош ўйнатар.
Шунча кучларга эга,
Қандай эришди бунга?
Тандаги бор кўригин,
Ишга солган бор-йўгин.
Ватаи, элин севган йигит,
Завқ-шавқ сурган йигит
Етмиш ҳунар орттирай деб
Элга завқ-шавқ тортирай деб
Бағишлаган танда кучин,
Ўткирлик инсон бурчин.
Қайноқ, ёшлик болалигин,
Қуёшлик, оловлигин
Чийратиб тоблаиберган,
Пиштиб болаиберган.
Тобора ошиб-тошган,
Кучига куч улашган.
Элдан куч олиб яшар,
Майдон бўйлаб кўрк ясар.
Охир бўлган паҳлавон.
Аммо ўзи ўша ҳамон,
Бизнинг камтар — Тўлан полвон.
Табиатли бўла полвон.

ОЛА БОЛА ВА АЪЛО БОЛА ҶИССАСИ

Қадим-қадим замонда,
Офтоб чиқар томонда
Бўлган экан бир бола,
Эркатой, кўзи ола.
У болани дадаси,
Ота-она буваси:
Икки кўзни қораси,
Юрагимиз пораси,
Деб ишонмай ер кўкка,
Гоҳ кўкрак, гоҳ елка,
Ортмоқлашиб кифтига,
Гард қўндирмас афтига.

Қўғирчоқдек ясатиб,
Чайнаб, илик опатиб,
Па-палаб, «лаббай»лашиб,
Эркалаб, ҳай-ҳайлашиб,
Қўлдан қўл оширибди,
Ҳаддидан тоширибди.
Бир кун шундай гузарда,
Чойхона — эл кезарда
Дада ўша эркасини,
Эрка, тойлоқ серкасини
Елкада ўйнатаркан,
Тантиқлиги ортаркан,
Қулоғидан тортаркан.

Шу орада бир бобо,
Турмуш кўрган эр бобо
Дебди дангал эл аро:
— Халойиқ, тингланг, бало —
Кўзлари ҳаддан ало, —
Кўрсатаман шу ерда,
Шу чойхона тўрида.
Ҳамма чолни ўрабди.
Ҳамма чолдан сўрабди:
— Айтиб беринг, бобожон!
Доно бобо ҳалиги
Тойлоқчани илиги
Билан дадил кўрсатар
Ва дангал бир сўз айтар:
— Ана, шу бола — бало,

Эркатой, кўзи ола,
Деган ондаёқ бобо,
Сакраб бола дадаси
Дониш бобо ёқасин
Шартта бўға бошлайди,
Хезлаб бир мушт ташлайди.

Тўхта деб кўнлаб ушлар,
Гувранишар кишилар.
Можарони босишар,
Вазмин нафас олишар.
Бобога кўз солишар,
Дадага кўз солишар,
Болага кўз солишар.
Савол-жавоб бошланар,
Бобо кўзи ёшланар.
Бир хиллар ўкинишар,
Ғудиллаб сўкинишар.

Бола нега бўлар бало,
Буни қайдан билди бобо?
Буни бизга ечиб берсин,
Рўйирост очиб десин,
Гапни, ахир, ўйлаб десин.
Тагин биров ёлғизин,
Очмаган гунча кўзин.
Ҳатто бобо оғзини
Йиртмоқ истар бир хили
Айнаб жаҳл-жуҳули.

Босини сўрашар,
Бобони гир ўрашар.
Бобо вазмин сўзлайди,
Сўзда ҳикмат кўзлайди.
Бобо дер: — Эй, халойиқ,
Ҳар кимнинг бўйга лойиқ
Бордир бошу сёғи.
Кўз, киприк, қош-қовоғи.
Еримиз осмони бор,
Яхшини ёмони бор.

Қаттиқни юмшоғидек,
Бола — одам ушоғи.
Бола ҳам қўш ёқлама,
Қаттиғу бўш ёқлама.
Боланинг болоси бор,

Дунёда баланд-пастлик —
Ҳаммасининг уяси,
Бола марги, куяси,
Эркатойлик балоси,
Эринчоқлик қароси.

Дер экан бобо ёниб,
Эшитган борки қониб.
Шунда бирдан кўпчилик,
Гувраниб ўкинчилик,
Шодлигу тўкинчилик —
Ҳамма қаҳ-қаҳ кулишди,
Раҳмат бобо, дейишди.
Ҳатто бола дадаси,
Тарқаб жаҳл зардаси,
Бобога тан берибди,
Эркасига ҳам дебди:
— Кўрдингми, бобожоннинг,
Сўзи олам жаҳоннинг.

Маъносин чақиб ол.
Жон қулоққа тақиб ол!
Бола болоси бўлгин,
Бола аълоси бўлгин.
Кўзи ола бўлмагин,
Асло бало бўлмагин,
Чала бола бўлмагин.
Ҳақиқий одам бўлгин,
Оламдек ўсиб тўлгин.

1979

ТАБИАТ АЛИФБЕСИ — ЖАМИЯТ АЛИФБЕСИ

(Сарҳисобнинг шарҳи)

Ҳар қандай шоир умри бўйи ўз ўқувчиларига ҳисоб бериб боради ва унинг ҳаётида шундай ҳодисалар бўлиши мумкинки, у тўғайли бир миллий адабиётнинг обрўи бир поғона юқори кўтарилади. Алишер Навоийнинг «Ҳазойинул маоний» тўрт китобини шундай асарлар сирасига киритиш мумкин. Аммо бундай «бир организмга уюшган», бир бутун асар шаклидаги шеърини китоблар яратиш, сарҳисоб бериш ҳар қандай шоирга ҳам насиб қилавермайди.

Ўзбек болалар шеърлятида биринчи бўлиб Қуддус Муҳаммадий бундай улкан ишни бажаришга азм этди. У ўз ҳаёти давомида яратган шеърлари, дoston ва эртакларини «Табиат алифбеси» номи остида бир веча китобга жамлаш тажрибасини бошлаб берди.

Устоз шоирнинг бундай уришиш борасидаги биринчи тажрибаси 1971 йилда юз кўрсатган эди. У пайтда Қуддус ака «Табиат алифбеси» номи билан беш қисмдан иборат бир китоб нашр эттирган эди. У китоб ёш шеър ихлосмандлари томонидан катта қизиқиш билан қабул қилингач, шоиримиз иккинчи тажрибани бошлаб юборди: ўша китобдаги қисмларни кенгайтириб, уларнинг ҳар бирини алоҳида китоб ҳолига келтиришга киришди. 1974 йилда бошланган бу иш мана бу йил якувланди: «Табиат алифбеси»нинг бешинчи китоби ҳам қўлингизга тегди. Ҳеч шубҳасизки, бу беш китоб, биз ўрганиб қолган жилд-жилд асарлардан фарқлавади. Жилдликлар одатда хронологик тартибда тузилади. «Табиат алифбеси» эса мавзуларига қараб дасталанган. Унинг биринчи китоби офтоб, ер, сув, ҳаво ҳақидаги, янада тўғрироеғи, оламнинг тузилиши, фасллар, жисмлар ва уларнинг инсон ҳаёти билан алоқаси ҳақидаги шеърлардан иборат. Бу китобга алоҳида ном қўйилмаган.

«Табиат алифбеси»нинг иккинчи китоби «Боғларда болалар» деб аталади ва унга дов-дарахт, меҳриғей яшил дўстлар ҳақидаги шеърлар жамланган. Учинчи китоб «Қанотли дўстлар» номи билан машҳур бўлиб кетди. Биринчи тажриба пайтида «Қанотлилар», «Табиат алифбеси»нинг тўртинчи қисмини эғаллаган эди. Бу гал у учинчи китобга айлантирилди. Унга қушлар ва уларнинг ранг-баранг табияти, характери тўғрисидаги шеърлар ва эртаклар киритилди.

Илгари «Ердаги жони-жошдорлар» номи билан учинчи қисмга кирган шеърлар энди «Чўпон бобо қўшиғи» номи билан мард чўпонлар меҳнатини мадҳ этувчи шеър ва эртаклар билан бойитилиб нашр этилди.

Даставвал «Одам ва мақоллар ҳангомаси» деб аталган бешинчи қисм бу сафар «Одам — олам қўшиғи» номи билан нашр этилди ва ўз мундарижаси ва тузилишига кўра бу китоб у қисмдан бирмунча фарқланади. Биринчи тажриба пайтида бешинчи қисм инсон ва инсон заковатининг маҳсули мақоллар тўғрисидаги шеърлардан иборат эди. Энди эса мақоллар ўз табиятига

кўра бошқа китобларга ҳам киритилди. Жумладан «Арслон изида, йўғит сўзидан» мақоли арслон сўзи билан боғлиқлиги, яъни ҳайвонлар билан дахлдорлигига кўра «Чўпон бобо қўшиғи»га кирди.

Қуддус Муҳаммадий «Табиат алифбеси»ни тузишда ўз классик анъаналаримизга амал қилган ва уларга янгича, замонавий тус берган, келажак авлодга ўз шеърини қондаларимизни сақлаб қолиш учун курашган.

* * *

*

Қуддус Муҳаммадий «Табиат алифбеси»ни «Шеърим очилдастурхон» билан очиб, ўз шеърининг «шаҳлавон ва беозор» бўлишини, «кўнғилларни ёзишини» тилайди.

Сен кирмаган бирон уй,
Сен бўлмаган байрам, тўй
Қолмасин ҳеч бир элда,
Янгра, шеърим, минг тилда,
Халқ юрагин макон эт.

Аmmo шоир ўз тилагининг қуруқ, баландпарвоз тилақдан иборат бўлиб қолишини истамайди. У бунга эришиш учун:

«Ишчи дадам станогин
Садосига куйинг чархла» —
деб қўшиғига мурожаат қилади.

Қуддус Муҳаммадийнинг шеърини қудратли таянчга эга. Аввало унинг эҳдига классик шеърятимизнинг хусусиятлари муҳрланган. Шоирнинг отаси ўз даврининг ўқимишли, доно кишиларидан бўлиб, ёш Қуддусга Навоий, Жомий, Саъдий, Бедил, Хувайдо мавзумасидан ўқиб берар, бу ўқишлар унга ўз таъсирини кўрсатмай қолмас эди. Ҳанузгача Қуддус Муҳаммадий ўша болалиқдан эсда қолган шеърларни қўпчилигига ёддан айтиб бериб юради. «Табиат алифбеси»нинг муқаддимасида Алишер Навоийга бағишланган «Азиз бобом» шеърининг келтирилиши ҳам бежиз эмас. Бу шеърининг қуйидаги бир парчасига эътибор беринг:

Бобом учар қўшнинг тилин билганлар,
«Қўш тили» китобин ёзиб берганлар.
Қўзлари етмаган дунёда бирон
Заррадан тортиб то қатраю уммон
Оламнинг, заминнинг тарихи қачон,
Осмонда юлдузлар не учун маржон,
Қуёш, ою ер-сув, парвона ҳаво,
Наботот, ҳайвонот, инсон, қуй, наво...
Ҳаммасин оқизмай-томизмай битган...

Қуддус Муҳаммадий Улуғ Ватан уруши йилларида Ислом шоирга котиблик қилди. Ҳаётнинг ўзи Қуддус Муҳаммадийни халқ ижоди билан чамбарчас боғлади. Халқ даҳосининг дурдоналари билан танишув шоир ижодини яна бир қудратли омил билан бойитди. Буни шоир жуда яхши ҳис қилади ва шу сабабли ҳам «Табуат алифбеси»нинг муқаддимасида Ислом шоирга ўз эътиромини билдириб ўтади. «Шоир» сарлавҳали бу шеърда «Улуғ санъат шу турмушдир, шу борлиқ» деган мисрага дуч келамиз ва Қуддус Муҳаммадий Ислом шоирининг қайси томонидан илҳомланганини ҳис қилишимиз мумкин.

Қуддус Муҳаммадий бизнинг совет давлатимизни улуғлайди. Ленинга, партияга садоқатли бўлиш масаласини ўртага қўяди. Ватанини мустаҳкамлаш,

Совет Иттифоқининг пойтахти Москванинг тилагини кенг ўқувчилар оммасига етказиш учун жон-жаҳди билан бутун зеҳнини, юрагининг қўрини сарфлайди:

Халқлар бахтин кўзлар Москва,
Ўйлагани ҳурлик, ободлик,
Истагани маърифат, шодлик.
Кўзлагани: гулласин дунё,
Зулматларни ёритсин зиё...

• («Жаҳон бўйлаб бир овоз янгра»)»

Ёки:

Ленин ўгли бўламиз,
Элнинг ўгли бўламиз.
(«Энг паҳлавон бўламиз»)

«Табиат алифбеси»нинг биринчи китобида келтирилган «Шоир ва шеър суҳбати», яъни беш китобнинг муқаддимаси ана шу тарзда тугалланади. Шундан сўнг шоир аста-секин ер, осмон, ҳаво, сув, олов сингари мангу нарсаларга ўқувчининг диққатини қарата бошлайди.

Болаларни «Доим ёзиқ дастурхон, Нозу неъматларга кон, Жону жондорга макон, Қирида мўл лолалар» ўсиб ётган ер ҳақида, «тошиб ҳайқириб толмайди»ган, ҳар «томчиси олмос» сув ҳақида, «Каттакон зонтик», «Миллион ўтовдан буюк», аммо «Ер кифтида юк бўлмайди»ган осмон ҳақида ўйлашга чақиради. Сўнг шоирнинг назарида болалар ўйлашга киришадилар. Шоирнинг Эркинжонни «Ҳамма нарса ер устида, ер ўзи ниманинг устида?», «Уруш қачон чиққан, ким чиқарган?» «Қуёш қарийдими?» «Нега офтобнинг нури тугамайди?» сингари саволлар устида бош қотиради. Эркинжоннинг назари гоҳ оймомага, гоҳ юлдузларга, гоҳ «томчивой»ларга, гоҳ шовуллаб оқаётган Кайковусга тушади: унинг хаёлини. фасллар, хусусан кўкламжон, момақақди-роқ, балад тоғлар, қайнаб чиқаётган булоқлар банд этади. Эркинжонни бу нарсалар нарса сифатида эмас, бутун мазмуни, моҳияти билан қизиқтиради. У ўзи ўйлаган нарса ҳақида атрофлича, батафсил фикр юритади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун китобнинг дуч келган саҳифасини очиб, бирор шеърни ўқиб кўриш мумкин. Мана, масалан, Эркинжоннинг «Ёниш ҳақидаги ўйлари» билан танишайлик. Эркинжон «гугуртни чақа туриб, газ олов ёқа туриб» «ёниш нима?» деб ўйлайди. Дарҳақиқат ёниш нима? Ёниш яхшими, ёмонми? Бир томондан қарасанг, рағи қизғиш, «Нур сепати кундуздай, Ерга қўнган юлдуздай». Аммо иккинчи томондан, «Феъли бузуқ», «Мисоли жаҳлимиздай. Ғазаби қаҳримиздай». Гўзал жойи шундаки, «ўзи фойдали, ёнганда қондали». Яна электрнинг ёниши бор. Осмонда чақмоқнинг чақнаши бор. Қуёшнинг ёниши бор. Лекин ҳар қалай ёниш—«хавфли». Яна бир ҳайрон қоладиган жойи шу ёнадиган нарсалардан бири, аниқроғи, газ еринг тагидан чиқади. Нима, еринг таги оловзорми? Эркинжон ўйлай-ўйлай ёнишни уч хилга ажратади.

1. Биттаси ортиқ ёнар,
Ловиллаб қаттиқ ёнар,
Ловиллашдан кул қолар,
Ва ёки кўмир қолар.

2. Иккинчиси энг маза,
Ўртача ёниш тоза...
Бутун олам порлаши,
Ёниш қиём сараси.

3. Қани хўш учинчиси,
Ёнишнинг энг кучсизи...
Ивирсиб биқсиб ёниш...
Меҳнатсиз ётиб ёниш...

Эркинжон шундай фикрларга бораркан яна «тўртинчи, ҳисобда йўқ кўр-қинчи ҳам бор эмиш» деб илова қилади-да, буни «уч ёнишни бир қилар, одам-зодни кўр қилар», «Хўли-қуруқ аралаш, Шум одат алашталаш», «Жаҳолат дажжол ёниш, Бемаҳал ажал ёниш» деб таърифлайди ва бунда «бомба таш-лашларни, Ерда дўзах портлашларни» назарда тутати. Эркинжон, ниҳоят:

Бор бўлсин Қуёш ёниш:
Меҳрибон йўлдош ёниш!
Олам кундуз тонг ёниш,
Оламга чаман ёниш!—

деган хулосага келади.

Биринчи китоби яна исталган саҳифасидан очайлик. Мана, буниси эртақ экан: «Эркинжон ойга чиқибди». Бу гал энди Эркинжонни «Ой-юлдузлар қизиқтиради». «Эркин кўзи осмонда, Чиқолмасдан ҳайронда». Аммо у қуруқ хаёлнинг қули эмас. У ўз хаёлини амалга ошириш учун пионерлар саройига югуради. «Қўлида картон қоғоз. Савағич, резинка, соз. Ясайди «ТУ», ракета». «Кўкка учаман дейди. Ойни қучаман дейди». Физика, химия, ҳисоб, астроно-мия, дoston-эртақлар ўқиб, ойнинг ўзи нега ошпоғу, нега юзида доғ бор, бал-ки унда тоғ бордир, остида чашма булоқ оқар, балки ўрмонлари, дарё, кўл-деңгизлари, учқур қушлари, ҳайвонлари бордир, деб ўз саволларига жавоб излайди. Хуллас, Эркиннинг истақлари буюк, у астроном бўлмақчи. Бир кун и у тушида атом қуёшни кўради:

Толаси олтин нурмиш,
Кўз киприк лаъли дурмиш.

Атом қуёш атайлаб Эркинни кўкка элтиш учун келибди:

Атом қуёш бирпасда
Нур карвон ясаб аста
Ҳамда заррин гул-лифтлар
Тайёрлаб таклиф этар.

Бу мисралар бир қарашда ўта шартли ва реал ҳаётга алоқаси йўқдек кў-ринади. Аммо бугунги на эртаги космонавтика билан озгина танишган киши-лар бу «нур карвон», нур ҳаракатига асосланган «нур кемалар» хомхаёл эмас-лигини яхши биладилар. Шундай қилиб шоиримиз ҳозирги замон боласини энг илғор, энг долзарб илмий муаммо борасида ўйлатади. Аммо эртақ фақат шу тўғрида бўлганида, у маърифий аҳамиятгагина эга бўлар эди. Қуддус Муҳаммадий эса шеърга бошқача, юксакроқ маъноларни ҳам юклайди. Эртақ-да Атом қуёш амакининг Эркинжон учун қураш тушиб бериши тасвирланган.

Баъзан гир айлантириб,
Бошдан чир айлантириб,
Бир-бирин йиқитмади,
Кўтариб иргитмади.
Мабодо йиқса агар
Ер, осмон бўлар гард-гард.
Ундай қилмади булар,
Бир-бирин сийлар улар.
Озор бермас меҳрибон,
Тинчлик севар паҳлавон.

Мана бу манзара орқали шоёр ўз ўқувчиларига кураш қонунлари, меҳрибонлик, инсонликка асосланган қоидаларни сингдираётир. Бу эса энди инсонпарварлик ғояларидир. Эртақда яна Ватан туйғусини тарбиялашга ҳам катта эътибор берилган.

Шунча қизиқ кўрсам ҳам,
Ойда ўйнаб юрсам ҳам,
Недир менга татимас,
Ўз ерим кўздан кетмас.
Ота-онам соғиндим,
Дўст-оғайним соғиндим,
Мақтабим, ўқитувчим,
Саройимни соғиндим.

«Ватан» сўзининг маъносига назар ташласак, бу — «туғилган жой», «уй-жой», «умр кечадиган макон» маъносини билдиради. «Юрт» сўзи ҳам шундай. Ҳали-ҳали оғнида «ўзингга бир ватан қуриб ол!» ибораси сақланиб қолган. Бошқирлар ҳозир ҳам «уй», «хонадон» сўзи ўрнига «юрт»ни ишлатишади. Руслардаги «Родина» сўзи ҳам «родиться» сўзи билан алоқадор, яъни «туғилган уй-жой», «Отчизна» сўзи эса «отец» сўзидан келиб чиққан, яъни «оталар уйи» деган маънони билдиради. Демак, ота-онани, дўст-оғайнини, мактабни, ўқитувчини соғиниш — бу ватанни соғиниш демакдир. Ватан туйғуси эса муқаддас ва интернационал туйғудир. Қуддус Муҳаммадий ўз эртаги орқали аниқ шундай туйғунини тарбиялайди.

Эртақда яна коллективизм, яъни умумчилик, биргалик масаласига ҳам тўхталган. Эркинжон мактабини, саройини соғинар экан, ой юртида бир ўзи бўлганидан афсусланади.

Эркинжон билан дўстларининг кўришиши, биринчи савол-жавоблари ҳам шунчаки салом-алиқдан иборат эмас:

— Ерда не гап?— сўрадим.
— Тинчлик!— деди. Қувнадим.
Очилиб кетди кўнглим.

Ер учун, инсон учун энг зарури тинчлик экани, тинчликдан улуғи йўқлиги кичкинтой ўқувчилар зеҳнига қуйилмоқда.

Албатта, бу кетма-кет саналаётган фазилатлар битта эртаққа қандай қилиб сиғди?— деган савол туғилиши мумкин. Қуддус Муҳаммадийнинг поэтик маҳорати ҳам шундаки, ўз фикрларини суратлар, манзаралар, қизиқарли ситуациялар яратин орқали шоирона тил билан табиий тарада ифодалайди. Биз айтётган фикр ўз-ўзидан ўқувчига «юқади».

Қуддус Муҳаммадий офтоб, ер, сув, ҳаво тузилишидан ҳам, ўсимликлар, ҳайвонлар ҳаётидан ҳам, жону жондорлар, қўшлар хусусиятидан ҳам, хуллас, ҳамма нарсадан инсон учун сабоқ бўлувчи, инсонни яшашга ўргатувчи белгилар топади ва буларни ўз китобхонларига моҳирлик билан етказди.

Мана «Табнат алифбеси»нинг иккинчи китоби «Боғларда болалар»ни ва рақлайман.

«Дов-дарахт шохига боқ» шеърида фарзанд ота-онага ўхшаши кераклиги, бундай бўлмаса тартиб бузилиши борасида гап кетади. Дов-дарахт шохига боқ, ундаги ҳамма мевалар асосан думалоқ, нега деганингизда улар — ернинг, қўёшнинг фарзандидирлар. Агар улар «қийшиқ жийда» ёки «баъзи бир хил ошқовоққа ўхшаб» на қўёшдек яшамаса, на ер шарига ўхшамаса, «бир хил

саёқ боладай», «ортда қолиб ҳар ишда», «мослашолмай», «қондани бузишад», «тартиб ипини узишад», дейди шоир.

Бундай ибратли гаплар «Табиат алифбеси»нинг учинчи китоби «Қанотли дўстлар»да ҳам ҳаддан зиёд. Бу китобдаги қалдирғочлар бир-бири билан иноқ:

Бир хас келтирар, бири эса лой,
Булар ҳозир қурмоқда боласига жой;
Иллари келишган ой нусха гўзал,
Устадек пухталаб, ўхшатиб безар.

Читтак эса каккунинг ўз боласини ташлаб кетганини кўриб, етим каккучаларга ачиниб, уларга ўз боласидек қараб, уларни боқаман, деб ҳаракатининг зўридан, кеча-кундуз тинмай роса чарчаб толганидан қиттак бўлиб қолади.

«Уфқларга кўксин тираб қичқирувчи хўроз» «қора тунни қанотлари билан тарсиллатиб уради», «туннинг зулмат чодирини йиртиб ташлайди».

Булбул булбулчасининг кўзини кўшиқ билан очади. Лайлак эса булбулдан кўшиқ ўрганмоқчи бўлади-ю, сахарлар эрта турмай, тонгнинг гўзаллигидан беҳабар қолади, довг қотиб ухлаб ётаверади, саржинчининг тақ-туқидан уйғониб, так-туқлаб сайрашни ўрғанади. Товуқ ўз тухуми-боласининг кўз-қоши йўқлигидан хавотирланиб «қа-қақлайди».

«Табиат алифбеси»нинг тўртинчи китоби «Чўпон бобо кўшиги»даги қўйлар йўлларида учраган ҳамма ўт-ўланларни охиригача еб кетмай, бир-бирларига қолдирадилар. Катта кўчага чиқиб, машина билан кўз уриштирувчи, транспорт билан ўйнашувчи мушукни машина босиб кетади. Бир куни суғорилаётган чоғида ўқалоқлаб, ўйноқлаб қочиб кетган тарғил бузоқ ичган сутини оқлаб яна уйига қайтиб келади ва ҳоказо.

«Табиат алифбеси»нинг сўнги китоби «Одам-олам кўшиги» инсоннинг мукамал яратилганлиги, ернинг гўлтожи — энг гўзал маҳсули эканлиги ва инсоннинг олам сиңғари беповн туйғулари, феъли, закоси, тасаввури, ҳаёлидан баҳс юритади. Бу китобда дунё ҳақида ҳулосалар чиқарилади. Одамликнинг негизи нима? деган саволга жавоблар келтирилади.

Хуллас, атоқли шоиримиз, Ҳамза помидоги Давлат мукофотининг лауреати, СССР ва Ўзбекистон ССР Халқ маорифи аълочиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Қуддус Муҳаммадийнинг бу беш китоби гарчи «Табиат алифбеси» деб аталса ҳам, аслида инсонга инсонликни, яшашни, яшаганда ҳам одамлар ичда ҳалол ва гўзал яшашни, удумларга ва қонун-қоидаларга амал қилишни, интизомли бўлишни, яъни жамият алифбесини ўرғатувчи, уфқи беповн, илдииз теран ва қурилиши мустаҳкам бир асардир.

Энг сўнги гап сифатида шунга айтишни истардим. Ўзбек совет болалар шеъриятида Қуддус Муҳаммадий энг кўп хизмат қилган шоирдир. Бошқа болалар шоирлари, шу жумладан мен ўзим ҳам, — биз ҳаммамиз Қуддус Муҳаммадий поэтик мактабидан чиққанмиз.

Қуддус Муҳаммадий ҳикоя қилади:

* * *

Шоир бўлишимнинг асосий сабаби таъби табиийдан деб биламан. Болалигим Каласдан юқориқоқдаги Қўнғироқ тепада ўтган. Пода боқиб юрардим. Зоғариқнинг зилол сувлари, ям-яшил ўсимликлар, дарахтлар, гуллар юрагимга ўз муҳрини солган. Қўшлар, ҳайвонлар, гуллар мени ўзига шайдо қилган бўлса керакки, орадан бир неча йил ўтгач, мактабда ўқиб юрган кезларимда Қўнғироқтепани соғиниб, «Тонгда» шеърини ёзгандим.

Чумчуқ, читтак чирқиллашиб
Тонг юзини очганда,
Чямён тоғнинг қир учида
Қуёш нури ўйнайди.
Юмшоқ шамол кенг далага
Ўйнаб-ўйнаб оққанда
Оқ чечаклар чехрасига
Марвариддан хол қўйди»

* * *

«Болалар шоири бўлишимнинг асосий илдизи — умримнинг энг гўзал пайти — ўқувчилик йилларимнинг мактаб-интернатда ўтгани туфайлидир.

Отам мени даставвал эски мактабга ўқишга берган. Ҳамма ота-оналар ўз болаларини мактабга берганда домлага: «Боламнинг эти сизники, суяги бизники, ўқитинг!» дер эдилар. Менинг отам эса: «Домла, бу болам кўзимнинг оқу қораси, эти ҳам, суяги ҳам ўзимники, урмайсиз, жазоламай ўқитасиз!» — деб берганлар. Тўғри, домла мени урмади. Аммо у бошқа болани фалоқ билан урганч учун мен мактабдан кетиб қолганман.

— Ота, мен мактабга бормаيمان, — дедим отамга.

— Нега, ўғлим, сабабини билса бўладими?

— Бир оғайнимни домла урди, менинг ичим увишди... Болалар калтак эса менинг йиғлагим келади. Кейин ўқиш миямга кирмайди.

— Майли, ўғлим. Ўртоғингизга раҳмли экансиз. Бу катта гап. У ерда ўқимасангиз ўқиманг. Сизни янги мактабга бераман.

Афсус, отам мени янги мактабга бериб улгурмай вафот этдилар. Аммо янги мактабга кириб ўқишим кераклигини қайта-қайта васият қилдилар.

Шайхантовурдаги Ленин номли интернат-мактаб ўн йиллик эди. Етоғи бор эди. Болалар билан бирга тунаш, бирга юриш, бирга ўйнаш, бирга ишлаш, хуллас, доимий биргалик, мактаб муҳити, коллектив болалик юрагимда қолди, табиатимга табиий равишда ўрнашиб кетди».

* * *

Тунги тарбиячимиз Полина Андреевна Пушкиннинг «Петушок» шеърини ўқиб бергани ва бу мени қаттиқ руҳлантиргани эсимда. «Петушок» шеърига жавоб ёзгим келарди. «Хўрозим» шеърини ана ўшанда ёзганман:

Қу-қу-қу-қу хўрозим,
Уйимда хушовозим.
Пақ-пақ қанот парвозим,
Қу-қу-қу-қу хўрозим...

...Бир дон топса қаердан,
Қу-қу-қу-қулаб бирдан,
Товуқ, жўжасин севган
Ота бабақ хўрозим!»

* * *

«30-йилларда кадрлар масаласи оғир, айниқса, ўқитувчилар етишмас эди. Мен ҳали студент бўлсам-да, Тошкентдаги Улуғбек мактабига табиат ўқитувчиси бўлиб ишга кирдим. Ўз дарсим ўзимга ёқмади. «Е дарсни қизик қиламан, ё техник-агровомлигимга кетаман!» деб ўйлардим. Қандай қилиб ўқув-

чиларни дарсга қизиқтирсам бўларкин, деб ҳовлида юриб ўйлардим. Дарсларни шеърга солиб ўтмоқчи бўлдим. Ҳар бир дарсни шеърга сола бошладим. Гул, барг, новда, ўсимлик—ҳар бирига бир шеър. Шундай қилиб, «Момақаймоқ», «Асалари билан Адҳамжон», «Барг» сингари шеърларим пайдо бўла бошлади. Мактаб практикасида «окно», яъни бўш қолган соатлар учраб туради. Мактабимиз завучи Ашрафхўжа Шарифхўжаев бўш қолган синфга киради. Болалар: «Бизга Қуддус ака кира қолсинлар!»—деб сўрашади. Завуч сабабини сўраб, менинг сиримни билиб олди ва катта танаффусда бутун мактаб ўқувчиларини йиғиб, менга барча шеърларни ўқиттирди. Шу кун «Маданий инқилоб» газетасидан мухбир келган экан, у шеърларимни олиб кетиб, газетада эълон қилди. Бу шеърларимни Ҳамид Олимжон кўриб, менга қизиқиб қолипти. Шу тариқа адабий муҳитга кириб, аралашиб қолдим».

1980 йил

МИРАЗИЗ АЪЗАМ.

МУНДАРИЖА

Инсонга мадҳия

Яша, эй, совет элим	4
Қуёш бобом	5
Бор бўлсин улуг дўстлик	6
Сайлаймиз	7
Бир китобча олиб келдим	8
Ватан ҳақида қўшиқ	9
Тинчлик солдати бўламан	10
Қора булут гарқ этолмас	11
Ўлган қизчанинг сўзи	12
Салом сенга, қозоқ элим	13
Эй, шоир	14
Салом, Ҳамза!	15
Ҳамид Олимжонга	16
Салом устоз, Фозил бобо	17
Чархий устозга	19
Ота сўзи	21
Ассалом, Сергей бобо!	25
Солдат ўғлим жавоби	24
Ватан учун жанг қиламан	25
Аскар қиз	26
Яша, қизил аскарим	27
Бизнинг оналар шундай мард	28
Ватан учун, озодлик учун	29
Яхшивойнинг шеъри	32
Ўктамойнинг пианиноси	35
Бу бинони ким қурган?	33
Меҳриой	34
Мен самолётда учдим	35
Машинистка	36
Уста Солижон	37
Қимнинг акаси катта?	37
Мамажон — шофер	38

Шарофат хола — пазанда	39
Меҳмон қилур	41
Жамила	42
Май қизлари	43
Беш қизнинг совғаси	44
Дадавойнинг тилаги	46

Мен — бахтиёр пионер

✓Ленин бобом сўзларини ўрганамиз	48
Мактабимиз пештоқида	49
Синов	50
Кичкина сайёҳлар	51
Аҳрор ботир	56
Шеър ҳақида шеър	57
Эй, фарзандлар	59
Партияга минг раҳмат	60
Дуторимнинг қиссаси	61
Аҳмаджон аълочидир	63
Мактабингиз тарихини биласизми?	65
Еш деҳқонлар орзуси	66
Уқи	67
Ажойиб гўзал мактаб	68
Сен туғилган кун	70
Ўйламабман мен унча	71
Китоб сўзи нимадир, китоб ўзи нимадир?	73
Ўқитувчим олқишлайман	75
Савол сизга, болалар	76
Солижоннинг дарсхонаси	78
Яша, Омон	81
Комсомол	82
Вожатиймиз — билагон	84
Пионерлар саройи	85
Пионер, етти маршинг, ҳар ишда кўзу қошинг	88
Мен — бахтиёр пионер	90
Пионерим, қўли гулим	91
Кичкинтой ленинчилар	92
Сўлмас гулдаста	93
Пионерлар кўчаси	94

Эркинжоннинг ўйлари

Меҳрим совға этаман	96
Москвага бораман	97
Эркин, Тўлқин касб танлар	98
Онг кўзимиз очамиз	101
Меҳнатни ардоқлаймиз	103
Эркинжоннинг ўйлари	107
Мен чайир тўнкани қандай ёрганман?	108
Қоп босими	109
Одам ўз айбини кўrsa	110
Дўст дўстга ойна экан	111
Бахт нимаю, бахтсизлик нима?	113
Нега ер, нега осмон?	115
Отанинг сўзи	117
Нима учун Эркинжонни ҳамма яхши кўради?	119
Эркинжон қандай билагон бўлди	120
Қуёшни эгалладик	122
Буви ва сандиқ қиссаси	123
Табиатли дейдилар, табиатсиз дейдилар	130

Феълимиз ўрганамиз

Мақоллар ҳангомаси	132
Бор бўлсин она табиат	134
Ечинг шундай топишмоқ	135
Сўз — иш, иш — сўз ҳақида шеър	137
Орзу	140
Синиқ ойна парчасининг сўзи	142
Айтса қилади	144
Ақл-жаҳл ҳангомаси	145
Оғизвой ҳангомаси	147
Бола сўзи нимадир, боланинг ўзи кимдир?	149
Феълимиз ўрганамиз	152
Ўз-ўзини танқид	153
Нафсим ва мен	157
Қулоғи бор, қулоқсиз ўғлимга	159
Қоравойнинг иши тўғрими?	160
Аҳмаджоннинг уколдан қўрқиши	161
Аҳмаджонга уят	162

Раҳимани танийман	163
Бир папиросга кучи етмаган ўғлимга	164
Ўртоқлар эшитмасин	165
Тирик ўлик бўлма ўғлим	167
Баракалла, болам	168
Ажойиб, қизиқ мақол	169
Аввал ўйла, сўнгра сўзла	170
Қуруқ сўз қулоққа ёқмас	171
Дунёда бир ойна бор	172
Тўғри ўзар, эгри тўзар	173
Бахилнинг боғи нега кўкармас?	174
Кўнгил — бош ойнажаҳон	176
Бола бошидан, ўғлон ёшидан	177
Қизиқ ўйин	178
Баркаш нон	180
Ажойиб бир воқеа	184
Боғбон чол уч хум эртақ айтганмиш	185
Полвонлик қиссаси	191
Ола бола ва аъло бола қиссаси	192
Табиат алифбеси — жамият алифбеси. <i>Мир-азиз Аъзам</i>	195

1981 йилда Ўзбекистон ЛКСМ
Марказий Комитети
«Еш гвардия» нашриёти
қуйидаги китобларни
нашрдан чиқарди:

Иилнома.

Болалар учун адабий календарь.

Бойчечак.

Еш шоирларнинг шеърлари ва ҳикоялари.

Мирмуҳсин.

Менинг эртам.

А. Қўчимов.

Тошбургут.

С. Жаббор.

Қуёш қолди далада.

Д. Матжон.

Қўшмағиз.

М. Раҳмон.

Камалак.

И. Сулаймон.

Мен — муаллим.

Н. Қобул.

Шамол ҳақида эртак.

Б. Фаррух.

Сеҳрли гумбаз.

Э. Валиев.

Қичкина наққош.

Муҳаммадий Қуддус.

Одам-олам қўшиғи / [Сўнг сўз
М. Аъзам]. Т. «Ёш Гвардия», 1981.
(Ўрта ва катта ёшдаги болалар
учун.)

Муҳаммади К. Человек и мир.
Стихи.

Ўз2

Ўрта ва катта ёшдаги болалар учун
На узбекском языке

К. МУХАММАДИ
ЧЕЛОВЕК И МИР

Стихи

Редактор *Х. Давронов*

Рассом *Н. Агапова*

Расмлар редактори *А. Фуломов*

Техн. редактор *Г. Аҳмаджонова*

Корректор *С. Сайдолматов*

ИБ № 926

Босмахонага берилди 26. 02. 81 й. Босишга рухсат
этилди 29. 04. 81 й. Формати 60×84¹/₁₆. 1-босма қорозга
«Обыкновенная новая» гарнитурда юқори босма усули-
да босилди. Босма листи 13,0. Шартли босма листи 12,09.
Нашр листи 10,048. Тиражи 20 000. Буюртма № 96.
Шартнома № 143—80. Баҳоси 65 т. Ўзбекистон ЛҚСМ
Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент
Навоний кўчаси, 39. Ўзбекистон ССР Нашриёт, полигра-
фия ва китоб савдоси ишлари Давлат Комитети Тошкент
«Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасиният
2-босмахонаси. Янгийўл шаҳар, Самарқанд кўчаси, 44